

81
861
8-Н
М. А. Ҳошимов
В. И. Кучерявих

ТАБИАТНИНГ нодир сайргоҳлари

The background of the cover is a landscape painting. It depicts a wide, deep valley with a river or lake at the bottom. The valley floor is covered in green grass and some small trees. The surrounding mountains are steep and rocky, with patches of green vegetation. In the foreground, there are large, light-colored rocks. On the right side, there are trees with yellow and orange autumn leaves. The overall color palette is muted, with greens, blues, and earthy tones.

ББК 75.81
X 71

Тақризчилар: география фанлари номзоди, доцент
Х. С. Сиддиқов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Қ. Ф. Ғаниев

Муҳаррир А. Зиёдов

Х 71 **Ҳошимов М. А., Кучерявих В. И.**
Табиатнинг нодир сайргоҳлари.—Т.: Меҳнат,
1991. — 112 б.

Китобда Жанубий Ўзбекистоннинг хушманзара жойлари тасвирланади. У ерлардан саёҳат мақсадларида фойдаланиш, шунингдек бу зонадаги йирик горлар ҳақида ҳикоя қилинади ва уларга саёҳат маршрутлари ташкил этиш йўллари кўрсатилган. Китоб ўқувчиларни она табиатга нисбатан ғамхўрлик қилишга, уни асраб-авайлашга, халқ хўжалигида ҳар қулоч ердан оқилона фойдаланишга чақиради. Китоб рангли расмларга бой.

Кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Ҳошимов М. А., Кучерявих В. И. Заповедные тропы природы.
ББК 75.81

4205000000 — 33
X $\frac{\quad}{\text{М359}(04) - 91}$ — 80 — 91

© «Меҳнат» нашриёти, 1991

ISBN 5-8244-0513-1

КИРИШ

Пойтахтимиз Тошкент аэропортидан осмонга кўтарилган самолёт қисқагина, атиги 40 минутлик парвоздан кейин феруза гумбазли Самарқанд шаҳри аэропортига қўнади. Шоирлар тилида дoston, меҳмонлар дилида армон — тарихий шаҳар Самарқанд фақатгина Ватанимизнинг ҳамма бурчакларидан келувчи сайёҳларнигина эмас, ер куррасининг барча давлатларидан келаётган кўп сонли сайёҳ меҳмонларни ҳам кутиб олади. Келаётган меҳмонлар учун шаҳарда ҳамма нарса муҳайё. Жумҳуриятимизнинг биринчи пойтахти бўлган Самарқанд меҳмонларни инқилобнинг дастлабки вақтларида бошидан кечирган тарихий жойлари, ўрта асрларда Темур ва унинг авлодлари томонидан қурилиб, осмонга бўй чўзган тарихий миноралари-ю ложувард гумбазлари гўзаллиги билан лол этади. Тарихга қизиқувчи меҳмонлар шаҳарнинг ўртасидаги «Ибтидоий одам макони» жойи билан танишиши мумкин. Лекин сайёҳлар учун Самарқанднинг гўзаллиги фақат шаҳар билан чегараланмайди. Шаҳар чеккасига чиққан сайёҳларни Самарқанд вилояти майдонида жойлашган табиатнинг сўлим оромгоҳлари кутмоқда.

Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Самарқанд атрофида бири-бирдан гўзал кичик шаҳар ва посёлкалар, тоғ ва текислик қишлоқлари, табиатнинг

нодир сайргоҳлари мавжуд. Лекин бу жойдаги экскурсион маршрутлар фақат вилоят майдони билан тугамайди. Сайёҳлар Самарқанд шаҳрини марказ қилиб, бу жойдан Зарафшон дарёсининг юқори оқимиға, қардош Тожикистон майдониға жойлашган афсонавий гўзал тоғли Қўҳистонға, дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб қўшни Сангзор дарёси водийсига ёки дарёнинг қуйи оқимиға тушиб, чексиз Қизилқум саҳросининг табиатини ва ундаги тарихий ва табиатининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган жойларни томоша қилишлари мумкин.

Табиатнинг нозик ва салобатли меъморлик иши-улкан ғояларни ҳамда уларнинг хилма-хил гўзал безакларини кўрмоқчи бўлган ғоршунослар учун Самарқанд шаҳридан жанубдаги Тахтақорача довонидан ошиб ўтиш кифоя. Бу довондан тушган жойдан бошлаб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг кўпчилик қисмини эрувчан тоғ жинслари эгаллаганининг гувоҳи бўласиз. Бу тоғлар бағрида улкан ғорлар пайдо бўлган, уларда ер ости дарёлари салобат билан оқади, ғорлар шифтида табиат яратган нодир безаклар жилва қилади.

Лекин она табиат қўйниға шўнғишдан олдин шуни эътиборға олишимиз керакки, унинг имконияти чексиз эмас. Агар табиат бойликларидан фойдаланишда эҳтиёт чораларини кўриб, ундан оқилона фойдаланмасак, у ҳолда билган-билмаган ёки онгли-онгсиз ҳолда унга зарар етказамиз. Ҳар йили сизнинг, бизнинг, умуман инсониятнинг лоқайдлиги натижасида табиатнинг кўп нодир мўъжизалари вайрон қилинмоқда, ўнлаб ўсимлик ва ёввойи ҳайвон турлари йўқолмоқда. Бу ишда табиийки, экология муаммоларидан, табиатни муҳофаза қилиш ишларидан беҳабар сайёҳнинг сафарға чиқиши, гўё дарахт шохига ўтириб олиб, унга болта урувчи нодоннинг ишиға ўхшайди. Фарқи шундаки, нодон ўтинчи йиқилиб ўзини майиб қилса, нодон сайёҳ ўзига, авлодиға ва бутун инсониятға керак бўлган табиатға зиён етка-

зади. Агар биз яқин орада табиат манбаларидан тўғри фойдаланишни ўргана олмасак, улар биз кутган вақтдан ҳам олдин хароб бўлиб, қайта тикланмайди. Чунки тайёр ўрмонни қирқиш уни ўстиришга нисбатан, кўллар ва дарёларни ифлослантириш эса уни тозалашга нисбатан осондир.

Ҳозирги пайтда инсоннинг она табиатга кўр-кўрона хуружи туфайли ер юзининг учдан бири чўлу биёбонга айланди. Дов-дарахтлар беаёв кесиб ташланаётгани учун йилига олти миллион гектар майдонни қум босмоқда. Табиат инъомларининг совурилиши, ҳаво ва сувнинг булғатилиши одамлар ҳаётини катта хавф остида қолдираётир. Жаҳон олимларининг фикрига кўра, бу хавф яқин ўн йиллар ичида тузатиб бўлмас жароҳатга айланиши мумкин. Оташин публицист Юлиус Фучик барҳаёт бўлганида балки ҳайқирарди: «Одамлар хушёр бўлинглар! Мен она табиатни севаман!»

Табиатнинг олтин фонди шунчалик тез камбағаллашяптики, агар жараён шу тарзда давом этса, бизнинг XXII асрдаги авлодларимиз табиатнинг биз ҳозир кўриб турган қисмининг 15 фоизига эга бўлишади. Экологларнинг фикрига кўра бу 15 фоиз ҳам миллион йиллар давомида табиат ўзгаришларига чидаб, унга иммунитет ҳосил қилган «бирламчи жондорлар» — қўнғизлар, ўргимчаклар, чаёнлар бўлади. Демак, табиат қўйнига шўнғишдан олдин, биз табиатга бўлган муносабатимизни ўйлаб кўришимиз, уни ўзимиз кўриб турган ҳолда келажак авлодга етказишимиз керак. Бунинг учун, аввало, табиатни билишимиз, тушунишимиз ва севишимиз, авайлаб, асрашимиз керак. Табиатни севган сайёҳлар учун унинг ҳамма бурчаклари очиқдир. Табиатга зарар етказувчилар учун эса шундай шароит яратишимиз керакки, улар ҳар бир қадами ҳақиқий табиатшунослар назари остида эканини ва ҳар бир келтирган зарари учун жамият олдида жавоб бериши кераклигини ҳис этсинлар.

ОЛТИН ВОДИЙ САЙРГОҲЛАРИ

Зарафшон водийси «олтин водий» деб аталади. Уни тилга олганда фақатгина дарё ёқасидаги қадим вақтлардан буён фойдаланилаётган олтин конларинигина эмас, балки дарё сувининг шарофати билан водий ёнбағирларида гуркираб ўсаётган боғу роғларни, хушман-зара жойларда жойлашган кўркам қишлоғу шаҳарларни, гавжум бозорларида сайёҳ эътиборини ўзига тортган заъфарон узум-у ёқутранг анорни, олтиндек товланган анжир-у оқ биллури шафтолини тушунишган. Зарафшон ва Туркистон тоғлари орасига жойлашган бу олтин водий дарёси баланд чўққилардан — 2.795 метр баландликдан бошланади. Кўҳистон деб аталган бу тоғли ўлкада тор даралару баланд чўққилар мавжуд бўлиб, улар ёнида дарё шаршаралар ҳосил қилиб оқади. Шу сабабли дунёнинг кўпгина бурчакларидан келган сайёҳлар водийдаги бетакрор тоғ кўли Искандаркўл ва тик қояларни, қуюқ арчазорлар-у тоғ музликларини завқ билан томоша қилишади. Олгин водий ғарбга томон аста-секин пасайиб, Қизилқум саҳросига туташиб кетади ва бу жойда дарё икки ирмоқ — Гуджайли ҳамда Тайкирга бўлиниб, саҳрога сингиб кетади.

Бу гўзал водийда сайёҳларни гўзал тоғ ва текислик қишлоқлари, кичик шаҳарлар, табиатнинг нодир сайр-гоҳлари кутади. Азалдан шарқ ва ғарб ўртасида жойлашган водий бой қадимий тарихга эга. Бундаги


ҳар бир шаҳар ва қишлоқ асрлар ҳақида ҳикоя қилади. Водий суғдлар элининг гуркираши, Искандар Зулқарнайн бочқинчилари зулми, араблар истилоси, Чингизхон босқини, Темур ҳукмронлигини бошидан кечирди. Қисқа масофада баланд тоғлар ўлкасидан саҳро зонасигача тушувчи дарё ёқасидаги қишлоқлар ҳар хил географик зоналарда жойлашгани учун, бир фаслнинг ўзида турли либосда бўлади.

Бу ердан сиз дарё юқорисига — тоғли Қўҳистонга саёҳат қилишингиз мумкин. Саёҳатингиз шаҳар ёнидаги қадимий Чўпонота тепалигидан бошланади. Юқорига борган сари Оҳалик, Омонқўтон қишлоқларини, Ургут каби чиройли шаҳарни, Қирқтоғ ясси тоғини томоша қилиб, тоғлар ўлкаси Қўҳистонга ўтасиз. Қўҳистонда сизни Тоғлар қабристони, Фан тоғлари, Тоғ кўллари ва олтин узук кўзидаги марварид — Искандаркўл кутади. Бу табиат мўъжизаларини томоша қилиб бўлгандан кейин Шахристон довонидан кўшни Сангзор водийсига тушиб, у жойдаги Уч ўчоқ, Бахмал, Ойқор сингари сайргоҳларда бўласиз. Бу жойлардан текислик йўллари билан Самарқандга кайтиб дам олгандан кейин, янги маршрутга чиқиб, қуруқликдаги орол Миёнқолни, тоғлардаги мўъжиза Қўксаройни, саҳро медальони Қарнобни ва текислик қишлоғи Тимни томоша қилишингиз мумкин.

ЕТТИ ТЕПАЛИК УСТИДА

Сержилва Самарқанд шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмида тик қирғоқли Сиёб ариғидан кейин ўсимликлардан ҳоли тепаликлар бошланади. Темурийлар даврида бу жой Қўҳак тепалиги деб аталган.

«Қимда-ким гўзал Самарқандни бир назар билан кўрмоқчи бўлса, уни енгил амалга ошириш учун Қўҳакка чиқиши керак», деб ёзганди XIV асрда бу жойни келиб кўрган араб сайёҳи Ибн Батута.



Икки аср ўтгандан кейин бу жой Чўпонота деб — шу ерда ўрта асрларда қурилган мачит номи билан атала бошлади. XIX аср охирларида тузилган рус хариталарида бу тепаликларга қатъий қилиб «Чўпонота баландлиги» деб ном қўйилди.

Ҳозир Чўпонота Самарқанд шаҳри майдонига кириб кетган. Асримиз охирларига бориб, у тўлиқ ўзлаштирилиб, шаҳарнинг аҳоли яшовчи районига айлантирилиши керак.

Денгиз тўлқинланган жойда

Чўпонота тепаликлари ўзининг геологик келиб чиқиши билан ҳам бошқа майдонлардан ажралиб туради. Қадим вақтларда тектоник ҳаракатлар Зарафшон ҳавзаси тагидаги палеозой даврида пайдо бўлган кристаллик пойдевордан метаморфик йўл билан, яъни катта босим ва ҳарорат таъсирида ишланиб, пайдо бўлган сланец ва қизил қумтошларни юзага сиқиб чиқарди. Уларнинг ичига эса бирмунча кейин пайдо бўлган чўкинди жинслар—палеоген даври оҳактошлари ва гипслари, неоген қумтошлари ва конгломератлари аралашиб кетди. Бу ёш қатламлар қадимий жинслар устига Чўпонотанинг бир қисми бўлган Лайлакхона тепалигида ер юзига чиқиб қолган ва ҳозир бу жойда шаҳарнинг янги «СССР 60 йиллиги» парки барпо қилинапти.

Агар Зарафшон дарёси водийсининг ўртасида мана шу қояли тепалик бўлмаганда эди, унда бу қуруқлик ўртасидаги ҳосилдор Миёнқол оролини, Афросиёбнинг соз тупроқли тепаликларини, Сиёбнинг гўзал водийсини кўриш мумкин бўлмас эди.

Чўпонота тепаликларининг пайдо бўлиш тарихи ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилгани йўқ, лекин унинг умумий ривожланиш йўналишини айтиб бериш мумкин.

Ўрта палеозой даврида ҳозирги тепаликлар ўрнида денгиз кўрфази бўлган. У шарқдан текислик билан че-

гараланиб, бу текисликда иссиқ ва нам тропик иқлим мавжуд бўлган. Секин оқувчи дарёлар кўрфазга лой ва қумларни оқизиб келиб йиғган ва улар маълум вақт ўтгандан кейин сланец ва қумтош қатламларига айланган. Кейинги геологик даврларда бу жой бир неча марта кўтарилган ва чўккан. 10—20 миллион йиллар олдин эса, бу жойда тепалик пайдо бўлган ва аста-секин ясси тоққа айланган. Зарафшон суви, нураш жараёни ва бошқа омиллар бу ясси тоғни аста-секин нуратиб, ҳозирги ҳолига олиб келган.

Чўпонотанинг мачит ва ретранслятор жойлашган юқори нуқтаси, Самарқанднинг ўртача баландлигидан атиги 100 метр юқоридир. Лекин бу арзимас кўринган фарқ шаҳар ва воҳа тарихида катта роль ўйнайди. Бу юқори нуқта кўп асрлар давомида душман келаётганини кузатувчи жой бўлган. Тепалик устида гулхан ёқиладиган жой ва навкарлар учун қоровулхона қурилиб, агар хавф-хатар пайдо бўлса, масалан, Самарқанд тарихида кўп бўлган кўчманчи қабилаларнинг шаҳар томон ҳаракати сезилса, навкарлар гулханга ўт қўйишган ва тутун шаҳар аҳолисини ғафлатда қолмасликка ундаган. Чўпонота ҳамма томонидан сув билан ўралганлиги ва ўтиш қийин бўлганлиги сабабли душман йўлига табиий тўсиқ сифатида фойдаланилган. Шунинг учун унинг стратегик аҳамияти жуда юқори бўлган. Айниқса, унинг қиялиги катта бўлиб, шарқий томони душман ишғол қилиши учун қийин жойга айлантирилган ва унинг тагида худди атайин қурилган сувли хандақдек Қорасув дарёчаси жойлашган.

Қадимий Чўпонота тепалиги 3000 йил ичида Самарқанд воҳасининг бошидан ўтган кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлди. Бу жойдан Александр Македонский лашкарлари ўтган. Турклар, араблар, Чингизхон, Темур, Шайбонийхон аскарлари бу жойда тўхтаб дам олган. Бир сўз билан айтганда Чўпонота тарихи Самарқанд тарихининг бир бўлагидир.

Чўпонота тепалигидаги мачитнинг қурилиши билан боғлиқ бир афсона мавжуд. Бу афсонада кекса чўпоннинг ватанпарварлиги ҳикоя қилинади. Айтишларича номаълум сабабларга кўра навбатчи аскарлар душман келганини билмай қолишган ва ҳалок бўлишган. Душман отлиқлари шаҳар дарвозасига яқинлашиб қолганда улар олдидан чўпон чиқиб қолади. Кекса чўпон шаҳарга душман хавф солаётганини кўриб, подасини душман устига ҳайдайди. Пода билан йўли тўсилиб қолган душман шовқин билан ўзини билдириб қўяди ва шаҳар ҳимоячилари томонидан даф қилинади. Гўё шу вақтдан бошлаб, чўпоннинг бу жасорати учун тепаликнинг энг баланд жойига мачит қурилиб, у Чўпонота мачити деб атала бошланади. Унинг қурилишининг бошланиши XIV асрга тўғри келади дейилади. Лекин китобларда бу мачит ҳақидаги тарихий маълумотларнинг XVI асргача бўлган даври учрамайди.

Хазина ғаладони

Чўпонота тоғлари бир хил тоғ жинсларидан ташкил топганига қарамасдан, фойдали маъданларга бой бўлиб, улар жуда қадим замонлардан буён ишлатилади.

Агар Омонқўтон тоғларида истиқомат қилган неандерталь одамлар ўзларига керакли тош қурулларни яшаган жойларидан топишган бўлса, юқори палеолит даврида Самарқанд шаҳри ўрнида яшаган одамлар (уларнинг истиқомат ўрни шаҳар марказидаги парк-кўлдан топилган) ўзларига тош қурулларни Зарафшон дарёси бурилишларида ёки Чўпонота тепаликларидан топишган. Одам яшаган, ёши 30 минг йилдан кам бўлмаган бу жойдан чакмоқтош ва қизил охра топилган. Бу қизил охра кони Лайлакхона тепалигида, кремнийли чакмоқтошлар эса бутун Чўпонота тепаликларида учрайди. Лекин улар қазиб олинган жой эҳтимол Қирча деб номланган жойда бўлса керак. Бу жой Сиёб ариғи соҳилида бўлиб,

кристалл тоғ жинслари ер юзига яқин чиққан ва атрофида сув ҳамда ов кўп бўлган.

Юқорида таърифланган Лайлакхона тепалиги ўзининг тузилиши билан ҳам Чўпонота тепаликларининг қимматбаҳо «ғаладонидир». Бу жойда палеоген даврида пайдо бўлган оҳактош ва гипслар, неоген даври кварцитлари, кулолчилик тупроғи ва конгломератлар бор. Бу материалларнинг бари ўтмишда қурилиш материаллари бўлиб хизмат қилган.

Соз тупроқ асосан кулолчиликда ишлатилиб, чинни ишлаб чиқаришда ҳам қўшилган. Қалинлиги 30—40 метрга етувчи соз тупроқдан ғишт ва пахса деворлар яратилган. Гипсни эса ганчга айлантирганлар. Тоза кварцли қум эса шиша ишлаб чиқаришда қўлланилган. Бу қумларни асримизнинг 30-йилларигача ковлаб олинган, унинг изи — ғорлар ҳозиргача сақланиб қолган.

Тепанинг шарқий қисмида очилиб қолган оҳактошлар оҳак олишда ишлатилган. Эҳтимол бу очиқ кон узоқ ўтмишда Самарқанд учун катта аҳамиятга эга бўлгандир. Шаҳарнинг бошқа томонидаги Оҳалик конидаги оҳак олувчи печлар X—XI асрларда қурилиб, асосан, икки асрлар кейин Самарқандда кенг қурилиш авж олганда тўлиқ қувват билан фойдаланилган. Чўпонотадаги печлар эса асримизнинг эллигинчи йилларигача ишлаб турган. Шу кунларда Чўпонотада қумтош ва сланец ковлаб олувчи бир неча очиқ конлар бор. Олинган маҳсулотлар қурилишда кенг қўлланилади.

Чўпонота Самарқандга келган барча олимларни қизиқтирган. Бу ерда биринчи илмий изланишлар 1869 йили А. П. Федченко томонидан ўтказилган. Кейинчалик бу ерда машҳур рус олимлари П. П. Семенов — Тянь Шанский, Н. М. Пржевальский, И. В. Обручев ва бошқалар бўлишган. Бу олимлар томонидан ўша даврдаёқ Чўпонота тепаликлари бағрида марганец, темир, қалай ва бошқа нодир маъданлар белгилари борлиги айтиб берилган.

Яшил тасма

Чўпонота атрофи ўтмиш даврлардаёқ дам олиш зонасига айлантирилган. Бу жойлар фақат ҳозирги сайёҳларнигина ўзига жалб этмаган. Ўтмишдаги кўплаб сайёҳлар, ўша давр аслзодаларининг кўплаб боғлари Чўпонота тепаликларида жойлашганлигини ёзишади. Масалан, Бобур ўзининг хотираларида ёзади: «Самарқанд атрофларида чиройли майдонлар жойлашган. Улардан машҳурларидан бири — Кониғил бўлиб, у Самарқанддан шарққа қараб чўзилади. Ариқча Кониғилнинг ўртасидан оқади. Самарқанд султонлари бу жойни қўриқхона, деб эълон қилишган ва ҳар йили улар бу майдонга бир ёки икки ой чиқиб, шу жойда яшашади. . .»

Бу ер ҳозир Чўпонота тепалигининг жанубий қисмида жойлашиб, Сиёбнинг бутун водийсини эгаллаган. Темур ва Улуғбек даврларида бутун Кониғилдан хиёбон ўтиб, унинг икки тарафида дарахтлар ўтқазилган, пиёдалар юрувчи йўлкалар атрофида каналлар ва ҳовузлар қазилган. Бу хушманзара хиёбон ҳозирги Тайлоқ посёлкасигача чўзилган. Бу жойда кўп чойхоналар жойлашган ва сайиллар ўтқазилган. Навбатдаги ҳарбий юришдан қайтаётган Темур бу жойда бир неча кун тўхтаб ўтган.

Чўпонота атрофларида XIV—XVI асрларда амирларнинг кўплаб ёзги оромгоҳлари қурилди. Бу оромгоҳлар тўғрисида Темурийлар замондошлари Шарафиддин, Ҳофиз Абру, ибн Арабшоҳ, Бобурлар хабар беради. Буларнинг ичида энг гўзали Боғибаланд бўлиб, у Чўпонотадан ғарбда — Сиёбнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ундан бир мунча шарқроқда Боғимайдон жойлашиб, унинг чеккасида ёзлик қаср Чулустун ва кичик боғ «Боғча» жойлашган. Кейнроқ Боғибаланд олдида дарвеш Муҳаммад Тархон боғи пайдо бўлган.

Мутахассислар фикрига кўра ўша даврлардаги шаҳар ташқарисидagi боғлар ўйлаб қурилган ва тартибли

бўлган. Уларни жойлаштиришда режалаштириш мавжуд бўлиб, ҳовузлар ва бинолар маълум қонуният асосида қурилган. Буларнинг ҳаммаси ўша даврдаги боғбонларнинг улкан ҳаётий тажрибасидан далолат беради.

Қайта тикланаётган тепаликлар

Ҳозирги вақтларда Конирил хиебонларининг шон-шуҳрати қайта тикланмоқда. Оби-рахмат аригининг икки тарафида дам олиш зонаси, профилакторий ва катта боғ барпо этилган. Чўпонота тепаликларининг бошқа қисмларини ободонлаштириш давом эттирилмоқда.

Чўпонота тепаликлари яшил бойлигини тиклаш бўйича биринчи изланишлар 1927 йилдан бошланган. Шу даврдаги ўлкашунослар фикрига кўра, бу тепаликларда қурғоқчиликка чидамли дарахтлар экиш мумкин экан. Лекин ёш Совет давлати учун оғир йилларда табиийки, ўрмонни қайта тиклаш учун маблағ етишмасди. Биринчи тажриба дарахтлар ўтказиш қирқинчи йилларда тепаликлар шарқий ёнбағрида ўтказилди. Бу кўчатлар ичида айниқса, акация ва айланта дарахт кўчатлари тезда шароитга мослашиб кўкариб кетди.

Ҳозир Чўпонота ёнбағирлари яйдоқ ерларини кўкаламзорлаштириш ишлари кетмоқда. Бу жойларда яна қайин дарахтлари тез шароитга мослашиб, ўрмон хўжалиги посёлкасини иссиқ ва чангдан яхши ҳимоя қилмоқда. Лайлакхона тепалиги ёнбағри ва Оби-рахмат ариги ёнбағирлари яшил тўн билан қопланди. Бу тепаликлар ёнбағрида жойлашган 8-автоколонна майдони-га экилган мевали дарахтлар ҳосилга кирганига ўн йилдан ошди. Чўпонота тепалигининг ғарбий ва шимолий ёнбағрига экилган кўчатлар кўкка бўй чўзди.

Ерларни суғоришнинг илғор усулларини қўллаш асрлар давомида қўл тегмаган жойларда хилма-хил мевалар, узум, полиз экинлари ҳосилини йиғиш имкониятини бермоқда. Тепаликлар ёнбағри бўйлаб кела-

жакда чиройли кенг кўчалар, баланд иморатлар ва хиёбонлар тушади. Бу жойда етти тепалик устида янги шаҳар барпо бўлади.

ОҲАЛИК

Самарқанд шаҳри жанубида жойлашган тоғли хушманзара Оҳалик қишлоғи шаҳар меҳмонлари ва самарқандликларнинг деярли ҳаммасига таниш. Тоғ ва дарё ёқасида, боғларнинг қалин соясида пионер лагерлари ва дам олиш базалари, санаторийлар жойлашган. Дарё қирғоқлари ва тоғ ёнбағирлари бўйлаб улкан дам олиш зонаси деярли ўн километрга чўзилиб кетган.

Оҳалик қишлоғи Қоратепа тоғининг шимолий ёнбағридаги барча тоғ қишлоқлари каби узоқ ўтмишда—қадимий Суғд эли ўзининг пойтахти атрофини ўзлаштираётган даврда пайдо бўлган. Оҳаликнинг пайдо бўлиши тўғрисида тарихий маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин бу тоғ воҳаси ичидаги икки қўрғон қолдиқларига қараб, бу майдонларни меҳнатсевар деҳқонлар Қушонлар даврининг бошидаёқ ўзлаштирганини, шаҳар атрофларида улкан сув омборлари ва каналлар қурганини тахмин қилиш мумкин.

Бу даврга қадар Оҳалик ўрнашган тоғ дарасидан чорвадор аҳоли яйлов сифатида фойдаланган бўлиши, ундан олдинги — бронза даврида бу ерда овчилар яшган бўлиши керак. Бу ҳақда Оҳалик майдонида топилган камоннинг чақмоқтошли ўқлари хабар беради.

Эҳтимол бу ерлар узоқ вақт давомида Самарқанд олий табақаси учун дам олиш жойи бўлиб хизмат қилгандир. Чунки уларнинг шаҳар ташқарисидаги қасрлари дарё бўйида жойлашган бўлган. Бу ер истироҳатгоҳ бўлганлиги учун савдо-сотиқ ва косибчилик билан шуғулланмаганлар. Шу сабабли на араб географлари, на бошқа Зарафшон водийсини ўрганган олимлар ўзларининг хотираларида бу жойдаги косибчилик ҳақида

эслашмайди. XIX асрда Самарқандда бўлган барча сайёҳлар Оҳаликда бўлишган. Булар қаторига Хаников, Вамбери, Федченко, Обручевни кўрсатишимиз мумкин. Қишлоқнинг Оҳалик деб номланишига айрим сабаблар бор.

Биринчидан, IX асрдан бошлаб, бу ердаги маҳаллий аҳоли тўлиқ оҳак қазиб олишга мутахассислашган бўлиб, бу ердаги оҳак ғамламаси ҳозиргача жуда улкандир. Оҳак кенгаяётган Самарқанд учун керак бўлиб, илгаридан шаҳарни ана шу қурилиш материали билан таъминлаётган Чўпонота маҳсулоти етишмай қолган.

Оҳалик қишлоғининг номи ҳам шу даврда пайдо бўлиб, асли Оҳаклик, яъни «о»—«ой», «хок»—«тупроқ», яъни ойнинг оқ тупроғи маъносини англатган. Унинг ёнида жойлашган Оқбўйра қишлоғининг номи ҳам бу ердаги оҳак ғамламасидан хабар беради. Ҳақиқатан ҳам узоқдан бу жойга қарасангиз оқ тепаликларга биринчи кўзингиз тушади.

Иккинчидан, қурилаётган Самарқанд шу даврларда мустаҳкам ва чиройли қурилиш материалига эҳтиёж сезарди ва бу материаллар Темурийлар даврида қурилаётган маҳобатли биноларга керак бўларди. Мармарни эса Нуротанинг Ғозғон ва Омонқўтоннинг Гурмак конларидан олиб келишарди. Улкан гранит бўлаклари эса яқиндаги тоғлардан олиб келинарни. Шу кунларда ҳам Оқбўйра қишлоғи яқинидаги тош конларида ярим йўнилган гранит блокларини кўриш мумкин.

Учинчидан, Темур ва темурийлар вақтида Қашқадарё водийсидаги Тарағай қишлоғига йўл Оҳалик орқали ўтган ва ундан Сангтўра довонига (1860 м) кенг карвон йўли мавжуд бўлган. Тарағай қишлоғи мутахассислар фикрича Темурнинг уруғи барлос қабиласи юрти бўлган.

Бу тоғ йўли инқилобгача Туркистонга контрабанда товарларини Шарқий Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Шерободдан олиб келувчи яширин йўлга айланган.

Гражданлар уруши даврида бу тоғ йўли Қашқадарёдан келувчи душман тўдаларини тўсиб қўйиш учун ёпилади ва Довонга, йўлнинг тор қисмларига соқчилар қўйилади. Ёз фасли кунларидан бирида душманларнинг кўп сонли тўдаси тўсиқларни ёриб ўтади. Оҳалик олдида бу тўда ва хитойлик командир Пау-Ти-Сан бошчилигидаги байналмилал жангчилар ўртасида бир неча соат давом этган жанг бўлиб, душман енгилади ва тоққа қараб қочади.

Оҳалик қишлоғининг этник состави хилма-хил бўлиб, асосан ўзбеклар ва тожиклардан иборат. Қолган миллат вакиллари бу жойга Паргар ва Киштут қишлоғидан инқилобга қадар кўчиб келишган. Кейинчалик Урмитон қишлоғидан ҳам ўнлаб хонадонлар кўчиб келган.

Оҳалик атрофидаги ер майдонларининг камлиги сабабли қишлоқ аҳолиси вақти-вақти билан бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлган. Шу йўл билан оҳаликлилардан иборат Оқати, Оқбўйра қишлоқлари вужудга келган.

Ҳозирга келиб Оҳалик майдони Самарқанд шаҳри учун энг қулай даволаш ва спорт-туристик марказдир. Ҳар йили бу жойдаги пионер лагерларида, санаторийларда, «Ёшлик» турбазасида ўн мингга яқин киши дам олади. Баҳор фаслида эса табиатнинг бу гўзал бурчагига юз минглаб Самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари дам олишга чиқади.

Оҳалик қишлоғи атрофида кўпгина табиат мўъжизалари мавжуд. Пасттоғлик зонада — оҳактошлар мавжуд. жойларда ғорлар, эски штолнялар ва оҳак куйдиришда ишлатилган печлар учрайди. Тоғ жинслари ичида синчков сайёҳлар исланд шпати доналарини топиши мумкин.

Қоратепа тоғининг асосий қисмини ташкил этган гранитлар ва гранодиоритлар ичида графит, хрустал шодаларини учратиш мумкин. Тоғ бағрида эса қалай, вольфрам, молибден ғамламалари бор.

Бу районнинг асосий сув манбаи бўлган Оқдарё во-

дийси ҳам такрорланмас гўзалликка эга. Бу жойда олча, қайрағоч, бодом дарахтларидан ташкил топган боғлар кўп. Дарё ўзанининг тор жойларида шаршаралар мавжуд. Сайёҳлар учун Оқдарёдаги катта шаршара Бошсувтушар, айниқса гўзал бўлиб, у Авфон довонига чиқишда жойлашган.

Қишлоқ юқорисида — тоғнинг юқори қисмида (1700—2200 м) баъзи бир жойларда табиий ҳолда ўсаётган арча сақланиб қолган. Кексаларнинг гапига қараганда илгари уларнинг сони анча кўп бўлган. Бу ердаги арчалар сонининг камайишига асосий сабаб, уларнинг оҳак печларида ёқилғи сифатида ишлатилганидир.

Тоққа чиқувчиларни бу ердаги қояли чўққилар ҳам жалб этади. Улар ичидаги Камқўтон чўққиси (2189 м) Қоратепа тоғидан баландлигига кўра иккинчи ўринда туради. Чўққи улкан гранит қоя шаклида бўлиб, ёнбағирлари тикдир. Унинг ёнида кичкина, шаффоф сувли Қулбобо кўли жойлашган бўлиб, табиат томонидан тайёрланган табиий ўйиқча тўлдирилгандир. Камқўтондан кейин Кичкинасойни ярим ҳалқа шаклида гранит қоялар ўраб олган. Улар «Оҳалик тожи» дейилади ва 1900—2100 м баландликдаги Тошбақа, Қоратош, Досттўда каби номлар билан аталади. Бу чўққиларга кўтарилиш ҳатто спортчилар учун ҳам унчалик енгил эмас.

Қишлоқ атрофидаги «тош ҳайкалларни» томоша қилиш ҳам анча мароқлидир. Бундай табиат мўъжизалари бу ерда анча. Оқтош массивида от, динозавр ва хаёлий ҳайвонларга ўхшаган тош бўлакларини кўриш мумкин. Булар ичида ҳажми жуда улкан тош бўлақлар ҳам учрайди. Буларга «Тошбақа», «Шоҳтош», «Сомонтош» ва «Игна» чўққиси киради.

Оҳаликдан қўшни водийларга кўп сонли сайёҳ сўқмоқлари ўтади. Бу сўқмоқлар тоғ чўққиси орқали Сангтўда, Авфон, Бешозор, Говхона довонлари орқали Амир Темур ғорига, Тарағайсойга, Алвасти кўлига ва Омонқў-

тонга ўтади. Сазвас довони орқали «иккимингинчи» чўққилар Қамқўтон, Игна, Қизилтоққа кўтарилиш ёки Сазвасдарё водийсини кесиб ўтиб, Қоратепа қишлоғига бориш ёки Илонсойга тушиш ёки Ёнтоқ ясси тоғи орқали тўғри йўл билан Тераксойнинг юқорисига чиқиб, Қайнарбулоққа тушиш мумкин.

Оҳаликдан сўқмоқ йўл билан Миронкўлга, олти шаршара ўлкасига ёки Оқбўйрага ҳам ўтиш мумкин.

Лекин табиатнинг бу гўзал бурчагини томоша қилиш вақтида, унинг муҳофазасини ҳам ўйлашимиз керак. Бу жойдаги ҳамма нарс—гиёҳлар, булоқлар, тошлар ҳимоя талаб қилади. Дам олишга келувчиларнинг сони ошган сари, бу гўзал масканнинг табиатига зарар келтирилмоқда. Ўсимлик дунёси камаймоқда. Дам олишга борувчилар ўйлаб ўтирмай бойчечак, лола, ёввойи пиёз, доривор ўтларни юлишади. Буларнинг кўпчилиги эса Қизил китобга кирган ва йўқолиш арафасида турибди. Биз эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ҳайвонот дунёсининг аҳволи бундан яхши эмас. Кўп нодир ҳайвонлар браконьерлар дастидан йўқолиб кетди. Дарёдаги балиқлар кимёвий дорилар ва электр токи таъсиридан йўқолиш арафасида турибди. Қушлар уяларини ташлаб одамлар кўзидан йўқолмоқда. Ҳозир Оҳалик атрофида бир вақтлар кўп бўлган ёввойи чўчқа, бўри ва бўрсиқнинг изини ҳам учратмайсиз. Қуён, тулки, жайра-лар ҳам камайиб кетди.

Табиатнинг бу гўзал инъоми Оҳаликни сақлаб қолиш учун вақт ўтмасдан уни давлат ҳимоясига олиш ва қўриқхона эълон қилиш керак. Бу жойда овнинг барча турини овлашни, мева ва ўтлар теришни тақиқлаш лозим. Йўқолган ҳайвон ва қушлар турларини қайта тиклашга уриниш ва ўрмон экиб мелиорация ишларини амалга ошириш керак.

Сайёҳлар ва ўлкашунослар бу жойда табиатнинг содиқ дўстларига айланишлари керак. Ҳозирча кичик-кичик участкаларда сайёҳлар томонидан табиатни тиклаш-

га бўлган уриниш бор. Бунинг учун улар маҳаллий материаллардан фойдаланишмоқда, яъни ёввойи дарахт ва чангалзорларнинг қалин қисмини қисман сийраклаштириб, шунга ўхшаш иқлимли кўчатни жойларга кўчириб ўтказмоқдалар. Мўъжиза рўй бериб, кечаги тақир жойларда инсон томонидан яратилган ўрмон шовулламоқда.

ОМОНҚҶТОН

«Табиат — санъатнинг абадий нусхасидир». Виссарион Белинскийнинг бу сўзлари жумҳуриятимизнинг такрорланмас бир бўлаги бўлган — кичик тоғ майдони Омонқўтонга ҳам тегишлидир.

Ўтган аср охирларида инсон онги ва меҳнати табиатга ёрдамга келди ва ҳалокат олдида турган майдон қайта тикланди. Биз қўйида Омонқўтоннинг кечаги ва буғунги куни ҳақида ҳикоя қиламиз.

Тоғ олди тепаликлари орасида кулранг сариқ тусли ўсимликлар билан қопланган йўлдан боришингизда охириги кўтарилишдан кейин кўз олдингизда чиройли бир манзара намоён бўлади. Чўққилари оппоқ қор билан қопланган баланд қоялар этагида инсон қўли билан яратилган ўрмон шовуллайди.

Омонқўтон жумҳуриятимиздаги кўпчиликка ёшликдан таниш. Ахир бу ерда кўпчиликнинг ёшлиги ўтган машҳур «пионер республикаси» жойлашган. Кўпчиликнинг ҳаётдаги она табиатга бўлган биринчи қадами шу ердан бошланган. Бу жойдаги неандерталь одам макони тўғрисида бутун дунё билади. Табиатнинг бу бўлаги жумҳуриятдаги бетакрор табиат-тарих хазинаси бўлиб, осмон гумбази остидаги улкан бир музейдир.

Афсоналар нимани сўзлайди

Омонқўтон ва унинг айрим жойлари тўғрисида бир қатор афсоналар мавжуд. Шу ерлик оқсоқоллар Гурмор

тоғидаги тошга айланган илон, Тахтақорача доғонидаги баджаҳл жинлар, Шохаксойдаги Улуғбек яширинган жой ҳамда Афлотунсой ҳақида сизга ҳикоя қилиб беришади.

Лекин асосий афсона Омон исмли чўпонга аталган бўлиб, гўё у ўз жасорати билан одамларга бахт ато этган, яъни сойга киришни қўриқлаб турган улкан илонни ўлдириб, бой яйловли ва ҳосилдор тупроқли ерни ундан озод этган. Шу сабабли бу жой Омонқўтон деб аталган эмиш дейишади. Лекин бу жойнинг энг кекса номи суғдча Гурмак бўлиб — шу номи қишлоқ Консойнинг юқори қисмида ҳали ҳам сақланиб қолган ва у эрамизнинг биринчи асрларида ташкил топган. Кейинчалик Омонқўтон Тахтақорача номи билан Ғиёсиддин Алининг «Темурнинг Ҳиндистонга юриши хотиралари» китобида тилга олинади. Темур ва Улуғбек даврида қурилган ёзлик қаср ҳам Тахтақорача номи билан аталган.

Қашшоқлашган ер

Арчазорлар қирқилиб кетганидан кейин одамлар учун Омонқўтоннинг файзи йўқолди. Булоқлар қуриди, яйловлар ўтсиз қолди, иқлим қуруқлашди, сел оқимлари тоғ ёнбағридаги барча нарсаларни ювиб кета бошлади. Ёки бошқа сўз билан айтганда одамлар бой яйловларни хароб қилиб, бу жойни бошқача ном билан Ёмонқўтон деб атай бошлашди.

Бу жойлардаги арчалар қирқилишига яна бир сабаб бор эди. XVIII асрдан бошлаб бу жойда чўян ва темир эритила бошлади, улар ўз навбатида дарахтдан қилинган кўмирни талаб этарди. Бундай кўмирни эса арча дарахтни куйдириб олишарди. Шу сабабли майдони 24 квадрат километр бўлган арчазор атиги 10—20 йил ичида қирқилиб кетди.

Ҳаммаси қандай бошланди

Биринчи бўлиб Омонқўтоннинг иқлими ва тупроғига эътибор қилган, ташаббускор-ўрмончи генерал Н. И. Корольков бўлди. У ўрмончилик бўйича мутахассислар С. Н. Навроцкий ва М. И. Невский билан биргаликда ўтган асрда водийнинг шимолий ёнбағрига ўрмон экишни бошлади. Чунки ўша вақтда бу ёнбағир сел босиши учун энг хавфли эди. Бу ишларни улар асосан ўз ҳисобларига олиб боришарди, чунки бу иш учун хазинадан жуда оз маблағ ажратилганди. Бу ерда жаҳонда биринчи бўлиб махсус Омонқўтон усули ишлаб чиқилди, яъни ёнбағрда кўндалангига супасимон шаклда текисликлар яратилиб, кўчатлар экилди. Бу кўндаланг супасимонлар тагидаги ариқлар ўз навбатида ёмғир ва қор сувлари тезлигини камайтирар, уларни тупроқнинг ўзига йиғар ва об-ҳаво қуруқ вақтида ўсимликларга берар эди. Кейинчалик Корольковнинг бу усули француз ўрмоншунослари томонидан юқори баҳоланган ва у Шуҳрат Легиони ордени билан мукофотланган эди. Шу йўл билан 1879 йил 500 десятин жойда ёш ниҳоллар ўтқазилди. Ўша вақтлар учун бу жуда катта иш бўлиб, бунинг устига у асосан ташаббускорлик ҳисобига бажарилди. Лекин тезда маблағ етишмаганлиги сабабли ишни тўхтатишга тўғри келди.

Аммо шу билан Омонқўтонда ўрмон барпо қилиш иши тўхтамади. 1887 йили ўрмоншунос К. Раунер Газармасой бошида қарағай кўчатлари экди (ҳозир бу жойда 117 улкан қрим қарағайи ўсиб ётибди). Уларнинг баландлиги 20 метргача, танасининг кенглиги 0,8 метрга етади. Қарағайлар ўзлари учун нотаниш қуруқ иқлимга яхши мослашди.

Ун йилдан кейин бу жой яқинида игна баргли дарахтлар ва оқ қайинни иқлимлаштириш бўйича тажриба ўтказилди. 1908 йил Омонқўтонсой бошида Апрелевский ўрмон дачаси ташкил этилди. Бу жойга қарағай ва оқ

қайин экилди. Ҳозир бу кичик ўрмончани Қумбелсой устки қисмида — П. Морозов номли пионер лагери территориясида кўриш мумкин.

Ўрмон ва янги мезбонлар

1908 йилда Омонқўтоннинг инқилобга қадар ўзлаштириш даври тугади. Бу даврнинг сел ва сурилмаларнинг олдини олишдаги майдонни янада кўриш жараёнини чеклашдаги хизмати катта. Бу воҳанинг пайдо бўлиши кўп жараёнини ўзгартирди, илгари ёз жазирамасидан қуриган, қақраган ёнбағирлар кўм-кўк дарахтлар билан қопланди, кўчиб келган янги мезбонлар — қушлар қўшиғи билан тўлди, ҳатто илгари номсиз сой Булбулзорсой деб атала бошлади, ёввойи чўчқа, бўри, бўрсиқлар пайдо бўлди.

Совет ҳукуматининг биринчи йилларидан бошлаб табиий бойликларни кўпайтиришга фаол киришилди. 1933 йилга келиб Омонқўтонда ўрмон хўжалиги тузилди ва майдонни ўрмонлаштириш қизғин давом этди. Шу ернинг ўзида махсус кўчат ўстирувчи участка ташкил этилиб, бу ерда етиштирилган кўчатлар бутун ўрмон хўжалиги бўйлаб тарқатилди. Ҳозир Омонқўтоннинг ҳамма бурчакларида бодомзорлар, қайрағочзорлар, олмазор ва ёнғоқзорлар ташкил этилган.

Эндиликда Омонқўтон ўрмон дачаси 2200 гектар ерни ташкил этади. Ўрмон ташкил қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Янги ўзлаштириладиган майдонлар ҳисобга олиниб, келажақда улар эскилари билан қўшилиб, бир умумий боғни ташкил этиши керак.

Шу кунларда Омонқўтон базасида миллий боғ ташкил қилиш масаласини кўтарадиган вақт келди. Чунки, инсон қўли билан яратилган бу хушманзара ўрмон, унинг ҳимоясига муҳтож бўлиб қолди. Омонқўтонни томоша қилиш учун ҳар йили кўп минглаб самарқандликлар, сайёҳлар, чет эллик меҳмонлар келишади. Шунинг

учун ҳам табиатнинг бу нодир бурчагини ҳимоя қилиш вазифаси туради.

Мўъжизалар ғаладони

Ҳар ҳолда Омонқўтон нимаси билан одамларни жалб этади. Биринчидан, йирик саёҳат шаҳри Самарқанддан уни атиги 40 километр ажратиб туради. Иккинчидан, тоғлар билан ўралган бу водийда алоҳида микроиклим мавжуд бўлиб, текисликка нисбатан у ерда деярли 3 марта кўпроқ (йилига 1000 мм. га) ёгингарчилик бўлади. Ҳавонинг ҳарорати эса шаҳарга нисбатан деярли 4—5 даража пастдир. Бу жойда ёзнинг энг жазирама кунларида ҳам енгил шабада эсиб, салқин бўлиб туради.

Омонқўтоннинг кўп сонли булоқлари ҳамма вақт муздек ва хуштаъмдир. Қишда эса чанғичилар бахтига бир метрлик қор қопламаси ҳам пайдо булади.

Бу тоғлик жойда бир қатор экскурсион ва туристик объектлар мавжуд. Табиат ёдгорликларига ўрмонни ҳам қўшиш мумкин. Чунки бу ерда эндемик ўсимлик дунёси ҳам учрайди.

Омонқўтоннинг табиий бойликлари ҳам мўл. Бу жойда юқори сифатли мрамор, оҳактошлар, қум, марганец ва темир рудалари, дала шпати, ярим қимматбаҳо гранат минерали, слюда ва графит ғамламалари бор. Водийни улкан ва гўзал қоялар ўраб олган. Сайёҳларни тоғлар юқорисида учрайдиган сувайирғичдаги карст воронкалари, ғорлар, Қуруқсой ва Қумбел даралари ўзига тортади.

60 — 100 минг йил олдин Омонқўтон ибтидий одамлар томонидан ўзлаштирила бошлаган. Бу жойдаги ғорлардан бирида тош қуроллар, гулхан қолдиқлари, ёввойи ҳайвонлар суяклари топилган. Палеолит, мезолит, бронза асрига хос қолдиқлар учрайди.

Афлотунсойнинг юқори қисмида V — VII асрда қу-

рилган қоровул қасрларнинг қолдиқлари учрайди. Водийнинг юқори қисмидаги Тахтақорача довони тўғрисида академик В. В. Бартольднинг фикрича, бу ерда араб истилоси даврида араблар ва маҳаллий халқ ўртасида энг катта жанг бўлиб ўтган. Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи ходимлари томонидан бу жойда археологик изланиш ишлари олиб борилмоқда. Бу жойдаги X—XI асрларда қурилиб, XVIII асрлар ўртасигача эксплуатацияда бўлган бино қолдиқлари ўрганилмоқда. Шу жойнинг яқинида қадимги Буюк ипак йўлининг тармоқларидан бири бўлган «Шоҳлар йўли»нинг қолдиқлари топилган.

Эҳтиёт қилиш шарт

Шу кунларда Омонқўтон орқали 20 та саёҳат маршрутлари ўтади. Ҳар йили 15 — 20 минг шаҳарликлар дам олиш вақтларини, минглаб пионер ва ўқувчилар ёзги таътилларини бу ердаги пионер лагерларида ўтказишади. Ҳеч ким томонидан назорат қилинмайдиган кўп минглаб сайёҳлар бу жойнинг гўзаллигига зарар етказишмоқда. Дарахтларда касаллик белгилари, фойдали ўсимликлар ареалининг эса қисқариш ҳоли кўринмоқда. Бир вақтлар мусаффо тиниқ сув манбаи бўлган булоқларнинг суви камайиб, ифлосланмоқда.

Айниқса, пионер лагерлари атрофлари, дарахтлар тагидаги дам оладиган жойлар тез ифлосланмоқда. Бу жойлардаги баланд мусиқа товушларидан чўчиган қушлар инларини ташлаб кетмоқда.

Нима учун сафарга чиққан пионерларга таёқ ушлаш одат бўлганини ҳеч ким айта олмайди, лекин ёш дарахт новдалари кесилиб, нобуд бўлаётганини кўпчилик кўриб турибди. Дам олиш жойларида гулхан ёқиш одати туфайли неча кубометр ўтинлар ёқилиб кетмоқда, лекин улар орасида янги ниҳоллар — игнабаргли дарахтлар ёки арчаларнинг қирқилишига нима дей-

сиз. Бу оловда ҳалок бўлаётган майда жониворларнинг-ку сон-саногини йўқ.

Биз ҳали ҳам табиатни эҳтиёт қилишни билмай-миз. Ахир баҳорда ва кузда пионер лагерлари атрофини тозалаш, унга янги кўчатлар экиш, янги павильонлар қуриш, келган ота-оналар учун суҳбатхоналар ташкил этиш, тонгда ва кечқурун радиолар овозини пасайтириш, пионерлар ўртасида табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш қийин эмас-ку.

Сиз ҳам эҳтимол ўз автомашиналарига «эҳтиёткор» хўжайинларнинг қандай қилиб тиниқ тоғ дарёсида шахсий мулкни юваётганини кўргандирсиз. Бунинг натижасида сувни булғаётган мой ва бензин дарёдаги охириги хонбалиқларни заҳарламоқда.

Альпинист сигирлар

Ҳозир Омонқўтонда ажойиб томоша — альпинист сигирларни кўришингиз мумкин. Улар тўда-тўда бўлишиб, шунча меҳнат эвазига ўстирилаётган ёш дарахт новдаларини емоқда. Улар орқасида юрган «ўтлар сартароши» бўлган эчкилар эса ўтларни илдизи билан еб, дарахтларнинг пўстлогини кемирмоқда. Ахир бу ҳайвоннинг ўтларни илдизигача ейиши натижасида ҳамда улар боқилган ва кўпайган ерларда тупроқ эрозияси келиб чиқади-ку. Улар етказган зарар фойдасидан ҳам ошиб тушганини сезган Югославия каби давлатлар аллақачон эчкиларни яйлов усулида боқишдан воз кечиб, таъқиқловчи қарорлар чиқармаганмиди? Нима учун биз инсон меҳнати билан яратилган Омонқўтоннинг яна ҳам камбағаллашишига сабабчи бу жониворларни бойлигимиз бўлган дарахт ниҳолларини нобуд қилишига бефарқ қараб турамиз.

Халқимиз турмуши фаровон. Ҳар бир хўжаликда бир неча сигир, ўнлаб эчкилар бор бўлиб, улар табиат-

нинг нозик бир бурчагида истаган ерида ўтлаб юрибди. Эҳтимол маҳаллий ҳокимият Омонқўтон ўрмон зонасини ўз ҳимоясига олиб, бу жойда уй ҳайвонларини боқишни тақиқлаш ҳақида қарор чиқарар. Албатта, бу қарорда фақатгина уларни боқишни тақиқлашдан ташқари, халқнинг ризқ-рўзи бўлган бу жониворларни асраш учун бошқа жойдан яйлов ажратиш ёки уларни қўлда боқиш учун ем-хашак ажратиш масаласи ҳам кўрилар. Акс ҳолда, тақиқловчи бу қарор, ўтган йилларда ўйламай берилган буйруқларга ўхшаб самарасиз бўлади.

Ургут районида берилган тамаки режасини бажариш учун Омонқўтонга яқин жойлашган Калинин номли колхоз тамаки экиш учун тоғ ёнбағридаги ҳосили кам бўлган тоғ олди зонасига ҳам тамаки эка бошлади. Тамакининг-ку ҳосили кам, фойдасидан зарари кўп, лекин ундан олинадиган фойдадан ҳам табиий ўсаётган ўсимликлар йўқолишининг зарари ҳаммасидан ошиб тушаяпти.

Минг афсуслар бўлсинки, табиатнинг бу гўзал бурчагини яратган инсон, ҳозир Омонқўтон ўрмонларининг биринчи душманига айланди. Кейинги 20 йил ичида узунлиги атиги 14 километр бўлган водийнинг аҳолиси 3 марта ошди. Турар-жойлар қурилиши эса эгасининг хоҳишига қараб, исталган жойда қурилмоқда.

Омонқўтон аҳолисининг кўпайиши икки зарарли оқибатга олиб келди. Биринчидан, сув манбалари аҳолининг сувга бўлган талабини тўлиқ қондира олмайди. Водийдаги асосий дарёда сув кам йиллари деярли камайиб кетмоқда. Бунинг орқасида ўсимликлар ҳалок бўлмоқда. Иккинчидан, бинолар қурилиши учун ёғоч манбаи керак. Шунинг натижасида ўрмон кодекси бузилмоқда. Ўрмончилар эса қонда бузувчиларни аниқламай фақат арраланган дарахтларни ҳисобга олишга мажбур бўлмоқдалар.

Бунинг устига ўрмон хўжалиги маъмурияти ўрмондаги қуриган дарахт ва шох-шаббаларни олиб кетишни

таъқиқламайди. Натижада пастга кўпинча навқирон дарахтлар яширинча олиб кетилади.

Бошқача айтганда инсоннинг табиатга ҳужуми жуда кучайиб кетди. Натижада табиат ўзи эришган экологик мувозанат ҳолида туролмаяпти ва йўқотган ўз ўрнини тиклай олмаяпти. Энди бу ишга қонун аралашиб Омонқўтоннинг табиий бойликларини ҳимоя қилишни ўз қўлига олиши керак. Бунинг учун биринчи навбатда бу зонага кирувчи дам олувчилар ва сайёҳлар сонини камайтириш керак. Пионер лагерларида болалар ўртасида тарғибот ишлари йўлга қўйилиши лозим. Қелажақда бу районда янги қурилишларни тақиқлаш, умуман олганда табиатни муҳофаза қилиш ишларини тезроқ амалга ошириш зарур. Ахир яширишнинг ҳожати йўқ. Биз қонунни билган ҳолда, уни бузувчиларга—нодир ўсимликларни юлаётганлар, сув ҳавзаларини булгаётганлар, лолани юлиб бозорда сотаётганларга бефарқ қараяпмиз.

Ўрмон ҳўжалиги режаларида озмунча тиклаш чоралари кўриляётгани йўқ. Ҳар йили янги ниҳоллар экилмоқда, уруғлар сочилмоқда. Лекин бу ишда фақат мутахассислар, ўрмоншунослар, табиат ҳимояси билан шуғулланувчи географлар, биологлар, кенг жамоатчилик ёрдами камлик қилади. Ахир табиатга зарар келтиряётганларнинг жиловини тортиб қўйиш ҳаммамизнинг қўлимиздан келади-ку! Бундан гўзал Омонқўтон фойда кўрса, у ҳаммамизнинг фойдамиз-ку! Халқ мулки—табиат мўъжизаси бўлган Омонқўтон бугун, эртага ва ҳамиша бор бўлиши керак!

УРГУТ

Чакилкалон тоғларининг тик ёнбағри пастида Зарафшон водийсининг йирик шаҳарларидан бири бўлган Ургут шаҳри жойлашган. Эҳтимол қардош Тожикистон майдонидаги Панжакент шаҳри ўзининг аҳолиси сони ва жойлашган ўрни билан Ургутга ўхшаб кетар. Лекин

Ургут қўшни шаҳардан фарқлироқ тоғ олдида эмас, ўзида жойлашган. Ургут шаҳри тоғнинг ичига ёриб кирган сой бўйида жойлашиб, икки томондан улкан қоялар билан ўраб олинган. Шаҳарнинг ўртасидан ёзда анча сершовқин, баҳорда эса улкан тошларни копток сингари ўйнатиб оқизадиган дарё оқади. Ургутнинг илонизи кўчалари водийнинг рельефига бўйсунган бўлиб, ундаги барча паст-баландлик ва қияликларни такрорлайди.

Ургутга келган вақтингизда беихтиёр ўзингизни тоғда эканлигингизни сезасиз. Боғлар ва уйлар орқасига яширинган тоғлар ўзининг борлиги ҳақида енгил салқин шабадаси-ю, гуллар ва ўтлар ҳиди билан билинтиради. Ёзнинг саратонида қуёш чарақлаб турган тақдирда ҳам ҳамма вақт салқин бўлади ва осмон мусаффо тиниқлиги билан ажралиб туради. Салқинни дарёнинг бошланишидаги кўп сонли булоқ сувлари яратиб, улар ўз атрофидаги боғлар ва экинларнинг ҳаёт манбаидир.

Ургут жумҳуриятимиз харитасидаги ёш ва айни бир вақтда тарихдаги кекса шаҳарлардан бири. Кейинги 1500 йил ичида у бир неча марта вайрон бўлди ва яна қайта тикланиб шаҳарга айланди. Ҳатто навбатдаги душман уни ёқиб, йўқ қилиб юборган тақдирда ҳам у шаҳар номини йўқотмас эди. Хароба ва кулхоналардан яна қаср деворлари, аҳоли яшовчи ва меҳнат қилувчи маҳаллалар пайдо бўларди, бу жойларда ҳаёт қайнаб, машҳур Ургут бозори кўп тилли аҳоли билан тўларди. Магиан ва Фаробдан, Варганзидан ва бошқа тоғли жойлардан келган одамлар бозорни тўлдирарди.

Биз бу аҳоли пунктининг қачон пайдо бўлганлигини аниқ билмаймиз. Лекин унинг жуда кексалиги ҳақида қояда топилган суратлар хабар бериб, мутахассислар фикрича, бу расмларнинг ёши 5—6 минг йил экан.

Шаҳар ёнидаги қояларнинг бирида нодир сурат топилган бўлиб, у асрлар қаъридаги номаълум овчи бошига тушган мусибат ҳақида хабар беради. Қоя ёнида елкаси билан чалқанча ётган одам тасвирланиб, қўл-

лари икки тарафга ёйилган. Унинг ёнида ерга ташланган камон ва отилмаган ўқ ётибди. Овчи ёнида икки илон ётибди. Эҳтимол бу одам заҳарли илонлар қурбони бўлган бўлса керак.

Антик давр юнон тарихчиларидан бири Аррианнинг Александр Македонский тарихий жангларидан бирини таърифлаб ёзишига кўра македонияликлар Мароқанд (Самарқанд) ёнидаги диндан қайтганлар шаҳрини вайрон этишган. Уларнинг авлодлари анча олдин Грециядан Суғдиёнага келиб, тоғ олдида кичик қишлоқ ташкил қилишган экан.

Ургутга яқин жойдаги Сўфиён қишлоғида археологлар христианларга оид граффитлар (ганчдаги расмга ўхшаш тошга қабариқ ҳолда туширилган расмлар) топишган, унда хоч расми ва эрамизнинг биринчи асрига хос арий хатлари бўлган. X асрда яшаган араб тарихчиси Истахрининг қуйидаги маълумоти эътиборга молик: «Ибн Хаукал бу жойда (Ургутда) кўп месопатамиялик христианларни кўрган, улар бу ерга ҳоли жой ва тоза ҳаво қидириб келишган» Христианлар жамоати жойлашган жой аниқ кўрсатилган, у Вазкерт қишлоғи (ҳозирги Қинғир қишлоғи).

Ургут билан боғлиқ кўп тарихий маълумотлар бор. Масалан, V—VII асрларда бу жойда Зороострийлар — ўтга сиғинувчиларнинг олов турадиган ибодатхоналари жойлашган. Суғдиёнада Самарқанддан кейин Андак (суғдлар вақтидаги Ургут) иккинчи ўринда дин маркази бўлган. Эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўртала-ридаёқ шарқ бозорларида Ургутнинг майизи ва туршаги машҳур бўлган.

Қадимий Ургут ёнидаги кичик қишлоқ Қоқишбағида алоҳида ибодатхона бўлиб, унда фақат турк йигитлари навбатдаги босқинга боришдан олдин ибодат қилишган.

VIII асрнинг биринчи ярмида араблар Ургут қалъасини жанг билан эгаллаб олишган ва унинг сув билан таъминловчи мураккаб суғориш тармоқларини бузиб

ташлашган. Ургут бу фалокатни ҳам бошидан ўтказиб, қайтадан бош кўтарди. Тўғри, шу даврдан кейинги йилномаларда Ургут тўғрисида, бирон оғиз сўз учрамайди. Афтидан ўзаро урушлар фақат катта шаҳарларнигина эмас, кичик шаҳарларнинг ҳам шон-шухратини йўқ қилган. Лекин Ургутнинг шифобахш ҳавоси ҳақидаги шухрати сақланиб қолган. Бу жойда ёзнинг жазирамасидан қочиб, вақт ўтказиш учун Бухоро амири келадиган бўлган. Маҳаллий аҳолининг айтишига кўра Ургутга Сангжуман ва Магитан довлари орқали маҳсус йўл қурилган. Ўша вақтларда саккиз қорабайир от қўшилган арава суткада тоғ йўлларида 50 километрга қадар йўл босган. Бу йўлнинг қолдиқлари баъзи жойларда сақланиб қолган.

1868 йилнинг май ойида рус подшо армияси кучли жанглардан кейин Ургутни эгаллаб, қалъа деворлари ва ички истеҳкомларни бузиб ташлаган. Қеласи йил бу жойни келиб кўрган Ўрта Осиёнинг биринчи текширувчиси А. П. Федченко ўз ҳисоботида қуйидагиларни ёзди: «Ургут шаҳри 5000 аҳолига эга ва Шаҳрисабз тоғларининг тор дарасида жойлашган. Кенггина бозори, бир неча мачити ва ҳозир бузилган қалъаси бор». Ҳисобот давомида олим шаҳарнинг эътиборга лойиқ жойларини таърифлайди: «Чорчинор боғи элликлар атрофидаги кекса дарахтлардан ташкил топади. Кўпчилик дарахтларда улкан коваклар бўлиб, улардан бири ва энг каттаси кенггина хона шаклида бўлиб, унда мўйсафид қоровул яшайди».

Совет ҳокимияти Ургутда Самарқанддан кейин ўрнатилди, лекин олдинда ҳали уни мустаҳкамлаш учун беш йиллик жанглар турарди. Атрофдаги тоғларда душманлар яшириниб олиб, фаолларни ўлдиришар, большевикларни ва комсомолларни гулханда ёқишар, деҳқонларга босқинчилик қилишар, уйларни, экинларни бузишарди.

1923 йилнинг ёзида—матчолик душман тўдалари

тугатилиши билан ургутликлар учун инқилобга қарши кучлар билан кураш йўллари тугатилди. Шу даврда шаҳар чеккасида Одилов ва Балаев бошлиқ 45 қизил отлиқ ўзларидан 10 марта кўп бўлган душман тўдаси билан кутилмаганда тўқнашди. Бир кун давом этган бу жангда кучлар тенг эмас эди. Тўда бу жангга чидаш беролмади. Уларнинг қолганлари тоққа қараб қочди ва кейинчалик кўпчилик душманлар Совет ҳукуматига ихтиёрий таслим бўлди.

Ҳозир Ургут гўзаллашмоқда. Кенг кўчалар ва хиёбонлар пайдо бўлди, кўп қаватли бинолар қурилмоқда, тамаки-ферментлаш заводи маҳсулот бермоқда, гилам заводи маҳсулоти атрофга тарқалмоқда. Шаҳар аста-секин тоғ олди зонасига сурилиб, эски шаҳарнинг кўп асрлик қисмлари сақланиб қолмоқда.

Бундан 100 йил олдин А. П. Федченко айтган жойлар ҳам сақланиб қолган. Чорчинордаги 300 йиллик чинорларнинг барглари шабадада шитирлайди. Дарахт танасидаги ковакда жойлашган хона ҳам ўз жойида ва бу жойга баъзида дам олиш зонаси қоровули кириб туради. Шаҳардан юқориқдаги икки тошқин тармоқлари — Яхтон ва Муринак бирлашган жойда эса пионер лагерлари жойлашган.

Энди Ургут номига ҳамоҳанг гуллаётган шаҳар номи баралла айтилмоқда.

ЕР ОСТИ СУВ ОМБОРИ

Жумҳуриятимиздаги табиат томонидан яратилган нодир ер ости сув омбори баланд тоғ устида — Қирқтоғ яси тоғида жойлашган. Бу табиат мўъжизаси Самарқанд вилоятининг Ургут райони майдонидадир.

Халқ афсоналарига кўра қадим замонларда Шаудар тоғи сувсиз ва ҳаётсиз бўлган экан. Тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқлар сувсизликдан қийналиб, одамлар асосан тоғда нима топилса, шу билан овқатланишган экан.

Лекин тоғнинг энг баланд жойида, чўққилар билан ўраб олинган жойида, бойлиги беадад очкўз бир бой яшаган экан. У эгаллаган жойда сув мўл, яйловлар серўт экан. Унинг хизматкорлари ерни чопишар, ҳовузлар ва фавворалар қуришар, хўжайинларнинг ҳисобсиз бойликларини қўриқлар эканлар.

Кунлардан бир кун камбағалларнинг сабр қосаси тўлиб, бой ёнига жасур ва кучли йигитларни юборишибди. Улар тик қоялар ва «тош дарёларни» кесиб ўтишиб, тоғ тепасидаги гуллаб ётган ялангликка чиқишибди. Вакиллар бойдан пастга қараб жуда бўлмаганда битта ариқ ўтказишни кўп илтимос қилишибди, лекин ҳеч натижа чиқариша олмабди.

Бой бу ердаги сувни умуман одамлардан яширмоқчи бўлибди. Унинг буйруғи билан хизматкорлар бир кечада қирқта қудуқ қазибди. Тонг отганда эса бой ўз жойини таний олмабди. Ҳаёт манбаи бўлган сувлар қудуқлар ичига кириб ғойиб бўлиб, ҳовузлар тагидаги тошлар ер юзига чиқиб қолибди. Ўсимликлар сувсизликдан сўлиб, боғлар қурибди ва хизматкорлар ҳар тарафга қочиб кетибди.

Юқоридан ҳеч нарсага эриша олмай қайтиб келаётган йигитлар эса пастда кўм-кўк майсазор ва гуллаб турган боғларни кўришибди. Тоғ тагидаги булоқлардан сув отилиб чиқиб, серсув ариқлар пайдо бўлибди. Шу даврдан бошлаб пастдаги гуллаб турган жой Ургут деб, тоғ устидаги ясси тоғ эса Қирқтоғ деб аталармиш.

Қирқтоғ ясси тоғи... Бунга ўхшаган жойни Ватанимиз ва чет элларда топиш қийин. Тоғ тепасидаги 25 квадрат километр жойдаги бу текисликда жуда кўп сонли карст шакллари, воронкалар, ҳавзалар, кўллар, қудуқлар ва шахталар жойлашган.

Ургут райони жойлашган Зарафшон тизма тоғларининг бир қисми Чакилкалон тоғи дейилади ва у ўзига хос геологик тузилишга эга. Бу ерда кўп йиллик оҳактошлар 10—12 километр қалинликда ётади. 250—300 миллион

йил олдин бу оҳактошлар йирик гранит тана — магма ичига жойлашган. Оҳактошлар яхлитлиги эса кўп сонли ёриқлар билан бузилган. Бу ёриқлар кесишган жойга юқоридан тушиб келаётган қор, ёмғир сувлари тўпланади ва оҳактошлар эришига сабаб бўлади ҳамда тик каналлар ҳосил қилади. Кейинги миллион йиллар ичида бу тик каналлар шунчалик кенгайганки, улардан бемалол одам ўта оладиган табиий қудуқлар, шахталар пайдо бўлган ва баъзи бир жойларда уларнинг кенглиги 30—40 метрга етган. Ҳозир ғоршунослар ҳаракати натижасида ясси тоғнинг бутун ғарбий қисми харитаси тузилди. Бу харитада 310 та табиий воронкалар, карст кўли Сариктол ва чуқурлиги 15 метрдан 200 метргача борган 56 та шахта кўрсатилган.

Карст жараёнларини фақат ер ости бўшлиқлари ташиқил қилиб қолмай, балки маълум қисмининг лой, қум билан тиқилиб қолиши ёки юқори қисмининг ўпирилиб тушиши натижасида ёпилиб қолиши мумкинлигини эътиборга олсак, унда ҳар бир кичик қудуқнинг ҳам ёпилган қисмларини текшириб, уни сайёҳ ғоршунослар учун илмий-спорт аҳамиятига эга объектга айлантириш мумкин.

Биринчи марта Киев шахтаси ўрганилганда 420 метр чуқурликда ғоршунослар олдида шахтанинг ўпирилиши натижасида тўсилган қисми пайдо бўлди. Уни қўл билан тозалаб очишганда яна 100 метрдан кейин олдиларида юқоридагидек тош тиқин турарди. Фақат оғир меҳнатгина ғоршуносларни бундай қийинчиликларни енгиб, 955 метргача олиб кела олди. Бу ерда эса... улар олдида ер ости кўли туриб, у табиий шахтанинг бу қисмини қизил лой қатлами билан тиқилиши натижасида ҳосил бўлганди. Воронкалар ва шахталар — табиат томонидан яратилган ер ости сув омборларидир. Булар бор жойда шудринг, ёмғир, қор сувлари бекорга nobуд бўлмайди. Атмосфера ёғинлари воронкалар ёнбағридаги каналчалар орқали йиғилиб тагидаги понора деб номланган те-

шик орқали ер остига ўтади ва ер ости дарёлари ва кўллари ҳосил қилади. Ер остидаги иссиқлик эса 2—4 даражадан ошмайди ва шунинг натижасида бу жойда буғланиш бўлмайди: Нам кам йилларда шу йўл билан йирилган ер ости сувлари кейин аста-секин сарфланади.

Чакилкалон шимолий ёнбағридаги посёлкалар, Ургут, Камангарон, Зинак олдидаги сон-саноқсиз булоқлар ва жанубдаги Қашқадарё водийси булоқлари ҳам шу йўл билан Қирқтоғ ҳисобига сув олмоқда. Ҳар дақиқа бу ясси тоғ ўртача 200 кубометр атрофида сув бермоқда (бу эса ўртача Самарқанд олдидаги икки Дарғом каналига тенг). Бу маълумот асосида Қирқтоғ ясси тоғининг тоғ олди зонасини суғоришга таъсирини билиш мумкин.

Лекин афсуски, кейинги вақтларда Қирқтоғ ясси тоғидан оқилона фойдаланилмаслик оқибатида унинг экологик мувозанати ўзгармоқда. Бунинг олдини олиш учун аввало, бу жойни қўриқхона деб эълон қилиш керак. Бу чора сув йиғиладиган Қирқтоғ ҳавзасини қўй-эчки подаларидан ҳимоя қилади. Қирқтоғдаги заиф ўтли яйловларнинг ҳаддан ташқари эксплуатация қилиниши, кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчи навбатда ер устидаги ўсимлик қатлами қаттиқ зарарланади, кейин тупроқ нураши кучаяди ва ниҳоят ёғин-сочин сувларини йиғувчи карст воронкалари ва шахталарининг ўзи ҳам нураган тупроқ ва лой билан тикилиб қолиб, сувни бошқача тақсимлай бошлайди. Бундан ташқари, энг катта хавф, чўпонлар табиий чуқурликларга ҳалок бўлган ҳайвонларни ташлашидир. Ер ости бўшлиқларининг ифлосланишига яна тез-тез ва кўп кишилар қатнашадиган саёҳат экспедицияларидир. Киев шахтаси кейинги 15 йил ичида шунчалик ифлосландики, уни тозалаш зарурати пайдо бўлди. Қўриқхона ташкил қилинганда ҳаваскор ёршуносларнинг ер ости бўшлиқларига тушиши тартибга солинган, ер остида бўлиш вақтлари белгилаб берилган, базалар ва лагерлардаги санатория қондаларини бажариш текширилган бўларди.

ТОҒЛАР ҚАБРИСТОНИДА

Илон изи шаклидаги кенг ва яхши текисланган тоғ йўли бизни Мингдона қишлоғидан ҳам юқорига, шу ном билан аталган водий бўйлаб Зарафшоннинг бошланиш қисмига бошларди. Тоғ ёнбағирлари борган сари тик бўлиб, оҳактошлардан тузилган қоялар ёнбағирлари очилиб қолар, ўсимлик дунёси борган сари камбағаллашиб борарди. Ниҳоят бу оғир йўл тугади. Биз бутунлай бошқа оламга, фотосуратларда кўрган ой манзарасига ўхшаган жойга тушиб қолдик. Бу ерда 1300 метр абсолют баландликда, Туркистон тоғларининг жанубида бундан 30—35 миллион йил илгариги палеоген даврида, саёз денгиз тагида пайдо бўлган қалинлиги 300 метрга етган оҳактош ва гипс қатламлари ер юзига кўтарилиб чиққан. Бу тоғ жинслари деярли горизонтал ҳолда қатламлар шаклида ётади ва кенг тўлқинсимон ясси тоғлик ташкил этган бу жой катта чуқурликкача икки асимметрик дара билан кесилган бўлиб, сув оқиб чиқмайдиган тоғорасимон водий билан тугайди.

Яқиндаги биринчи қояни кўздан кечирамиз. Бу қоя оппоқ бўрсимон оҳактошлардан ташкил топган бўлиб, унинг ичида денгиз чиғаноқлари қолдиқлари ҳам учрайди. Бу қоянинг устига чиққанда эса инсон ақли лол қоладиган манзарани кўрамиз. Бу жой узоқ-узоқларгача ҳар хил шакл ва ҳажмдаги жуда қиррадор қоя бўлаклари билан тўлиб кетган. Улар қора ва оқ оҳактошдан, қизил қумтошдан ҳамда ҳар хил рангга кирган гипс бўлакларидан ташкил топган. Баъзи бир тошларнинг жойлашиш ўрни одамни ҳайратга солади, бирлари тик ёнбағир устида, баъзи бирлари ўткир қирра устида бўлиб, ҳаттоки енгил қимирлаб ҳам қўйишади.

Маҳаллий аҳоли бу жойни «Гўрикўҳ», яъни тоғлар қабристони деб аташади. Бу жойнинг келиб чиқиши ҳақида афсона ҳам бор бўлиб, гўёки бу майдонда уч дев ўртасида жанг бўлиб, шиддатли урушда улар барча қоя-

ларни парчалаб ташлашган, кейин бир-бирини уриб, ер остига киритиб юборишган экан. Фақат ер остида улар ярашишган ва ўша жойдан ер устига ғор қазиб чиқишган экан. Ҳақиқатдан ҳам Мингдона қишлоғи ёнида узунлиги 30 метрга етувчи ғор бўлиб, у Седев (уч дев) деб аталади.

Албатта, Гўрикўҳ ясси тоғи карст ва нураш жараёни ҳосилдир. Атмосфера ёғинлари таъсирида, яъни ҳарорат ўзгариши, шамол ва ёғингарчилик натижасида ғовак оҳактошлар ва гипслар ҳар хил бўлакларга бўлинган, сув ва газлар таъсирида эриб, ғорлар ва бошқа ер ости шакллари ташкил этган.

Аста-секинлик билан тошлар қабристонини ичидан олға борамиз. Бирдан олдимиздан тик қоялик пайдо бўлди. У улкан тоғорасимон водийнинг қирғоғи экан. Унинг айланаси ярим километр, чуқурлиги эса 250 метрга етарди. Бу улкан «чуқурнинг» текис тағи ғовак ётқизиқлар билан қопланган бўлиб, чеккаларида вақтинчалик кўлнинг тўлқин излари сақланиб қолганди. Тахминан кўлнинг чуқурлиги энг тўлишган вақтида 5—6 метр, ҳажми эса 800 квадрат метрга етган бўлиши керак.

Ҳавзанинг олдида унга ўхшаган, лекин бир мунча кичикроқ иккинчиси жойлашган бўлиб, унинг тағида узунлиги 30 метр, эни 10 метр бўлган кўлча ялтирарди. Кўлчанинг чуқурлиги 4 метр бўлиб, унинг қирғоқлари қамиш билан қопланган, сувда икки ёввойи ўрдак сузиб юрарди.

Бу жойда биз 300 та карст воронкаларини, тағи ясси ҳавзалар, конъонсимон чуқурликлар ҳамда товоқсимон ҳавзаларни санадик, уларнинг ҳаммаси юзаси атиги 25 километр квадрат бўлган Гўрикўҳ устига жойлашганди. Гипс қоялар устида карст шаклларида жуда қизиги каррларни учратдик. Каррлар тароқсимон ва игнасимон шаклда бўлиб, қоя юқорисидан пастига қараб оққан ёмғир сувлари таъсирида пайдо бўлганди.

Умуман, бу жойдаги мўъжизаларнинг кўпини сув яра-

тиб, у карстланувчи тоғ жинсларини эритиш, ювиш ҳамда оқизиб кетиш хусусиятига эга бўлиб, бу жараён карбонатли оҳактош, сульфатли гипс моддаларида айниқса тез боради.

Кейинги миллион йиллар ичида сув ер остида улкан иш бажариб, улкан бўшлиқлар яратган. Кейинчалик эса бу бўшлиқ устидаги қопловчи тоғ жинслари қулаб тушиб, бир вақтлардаги, ҳозир очилиб қолган бўшлиқ тагида, юқоридан қулаб тушган тошлар тартибсиз ҳолда жойлашган тошлоқзорни ҳосил қилган.

Ҳисобимизга қараганда ҳар йили Гўрикўҳ ясси тоғи ўзининг ер ости бўшлиқларига 50 минг кубометргача атмосфера ёғинлари ва эриган қор сувларини йиғади. Карст жараёнлари атмосфера сувлари кам бу районда тез ривожланиши, рельеф шакллари улканлиги, воронкаларнинг зичлиги ҳамда катталиги билан Гўрикўҳ ўзининг баланд тоғда жойлашган «ҳамкасби» Қирқтоғ ясси тоғига ўхшаб кетади. Зарафшон тоғларидаги бу карст райони ўзининг мураккаб ва мукамаллиги туфайли қуруқлик районларида карст жараёнлари ривожланишини ўрганувчи олимларга кўп янги сирларини очади.

АФСОНАЛАР ИЗИДАН

Кўпинча афсоналар ва маҳаллий географик номлар ўзида ўша жойдаги табиий жараёнлар ва ўтмишдаги воқеалар ҳақида маълумот беради. Кўп асрлар давомида ҳар бир ердаги аҳоли ўша жойдаги жараёнларга ёки ўтган авлодларга эътибор бериб қараган. Кейин эса шу жараёнга қараб ном беришга ҳаракат қилган. Демак, ҳар бир ном ўша жойдаги табиат ҳақида ёки яшаётган аҳоли, уларнинг қабиласи, уруғи ҳақида хабар беради.

Уч ўчоқ

«Қачонлардир узоқ даврларда — ҳикоя қилинади бир афсонада — тоғда уч ака-ука яшаган экан. Улар овга

бирга боришар, ерни бирга ҳайдашар, бирга мол боқишаркан. Уларнинг кенг уйи ҳамиша қуёш нурига ва ўчоқ тафтига тўлиқ экан. Лекин ака-укалар уришиб қолишибди. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига алоҳида ўчоқ қурибди, тош девор билан ўралиб олибди, улар биргаликда ёққан ўчоқдаги олов сўнибди. Шундай қилиб узоқ тоғларда битта ёрқин олов ўрнига, учта камтарона машъаллар пайдо бўлибди.

Анча вақт ўтгандан кейин ака-укалар ўзларида бир-бирларига интилиш сезишибди. Лекин уларнинг учовидан бири ҳам ярашиш учун биринчи қадам ташламабди. Кунлардан бир кун уч ака-ука ерларида бир сеҳргар пайдо бўлибди. У ака-укаларнинг ҳар бирининг уйида бўлиб чиқибди, арзларини тинглабди. Кейин уларга пастда—водийда яшовчи донишманд чолникига боришни маслаҳат қилибди.

Бир-биридан яшириниб, ака-укалар пастга йўл олишибди.

Тоғда эса уларнинг ўчоқлари тош учбурчаклар шаклида қотиб қолибди». Уч ўчоқ деб Туркистон тоғлари шимолий томонида, Зоминсувнинг юқорисидаги учта конуссимон чўққилар номланган. Улар палеозой даври оҳактошларидан ташкил топган. Бу абсолют баландлиги 3500 метрга етувчи пирамидалар ҳар тарафидан улкан жарлар билан ўралган. Чўққилар устини қалин арчазорлар қоплаб, улар орасидан сўқмоқ йўллар ўтади. Бу тоғ йўллари Зомин миллий паркининг Ўрикли, Супа деган жойигача боради.

Уч ўчоқ табиатнинг ижоди намунасидир. Янги тектоник ҳаракатлар натижасида ясси тоғсимон тоғ устида аста-секин учта чўққи пайдо бўлган. Улар эрталабки чиқаётган қуёш нурида ва кечки шафақда қизғиш рангга кириб товланади. Кундуз кунлари эса найзасимон учини осмонга қараб чўзади. Шу сабабли улар ўнлаб километр жойдан — Шаҳристон довонидан, Шумқора ва Ўралашдан кўриниб туради.

Дарада

«Бири кетидан бири уч ака-ука донишмандникига йўл олишибди. Олдингиси қаршисидаги тош қояларни йўл очиш учун уриб майдалаб ташлабди ва унинг орқасида тош уюмлари қолибди. Унинг орқасидан келаётгани тош уюмларини водийнинг ёнбағирларига иргитибди. Учинчиси эса уларни тозалаб ўзига йўл очибди».

Шу йўл билан гўёки Каттатушар дараси, ундаги шаршаралар, тош уюмлари, силкинувчи қоятошлар пайдо бўлибди.

Ҳақиқатдан ҳам бу ўрмон билан қопланган ва харсанг оҳактош бўлакларидан ташкил топган дара ёдда қоладиган ва ўзига хос гўзалдир. Унинг узунлиги тўрт километрга етсада, эни 30 метрдан ошмайди ва ҳамма қисми шаршарали тоғ дарёси билан банддир. Шаршаралар бири кетидан бири келади ва ҳар қайсиси табиатнинг нодир асаридир.

Даранинг икки тарафида тик қоматли арчалар ўсиб ётади. Тик қирғоқларда ўнлаб ёрлар оғзи қорайиб кўринади.

Каттатушар дараси, албатта, инсон қўли билан яратилиши мумкин эмас. Узоқ ўтмишда тизма дарё йўлига кўндаланг тушиб қолган. Вақт ўтиши билан дарё тизма тоғни 600 метргача кесиб ўтган ва бу жараён ҳали ҳам давом этаяпти. Оҳактошнинг баъзи қатламлари ювилишга тез берилган жойда шаршаралар пайдо бўлган. Иккинчи чеккада ётган тош уюмларининг пайдо бўлиши эса ёнбағирдаги қояларнинг нураб пастга тушиши натижасидир. Қиш вақтларида дарадан қор силжиши бўлади.

Зичлашган тонналаб қорлар йўлида учраган ҳамма нарса—тошлар, дарахтларни суриб олиб кетади ва баҳор пайтида дарё қирғоқларида янги тош уюмлари ва қулаган дарахтлар пайдо бўлади.

Чортанги

«Бу йўлдан ўтгандан кейин ака-укалар ҳар қайсиси ўз йўлига кетмоқчи бўлибди. Йўлларида улар мустаҳкам қояларни синдириб ўтишибди, кўп куч йўқотишибди, оёқ, қўл, таналарини ярадор қилишибди. Фақат донишманд уйи олдидагина уларнинг йўллари бирлашибди. Улар бир-бирларига қарашибди ва алоҳида бўлиш мумкин эмаслигини тушунишибди. Ака-укалар қучоқлашиб, уларни қарши олишга чиққан донишманд тарафга юришибди».

Зоминсув ҳавзасида Чортанги (тўрт тор дара) деб аталган жой бор. Бу улкан дара узунлиги 10 километрга, чуқурлиги 1000 метрга боради ва учта кўзга кўринарли бўлмаган тоғ дарёлари — Қашқасув, Қизилмозор ва Кўлсув томонидан яратилган. Бу учала тоғ дарёси бир улкан дарёга айланишдан олдин улкан тоғ орасидаги текислик жойдан кесиб ўтади. Бу текислик ҳам аслида ичкарига қараб букилган ва тўлқинсимон рельефга эга. Бу жойнинг анча қисми ғовак ва ёш тоғ жинсларидан ташкил топган. Булар асосан лойлар, қумлар, қизил рангли конгломератлардан ташкил топган. Бу қатламлар қадимий текислик устида жойлашиб, унинг ёши 200 миллион йилдан кам эмас. Қизилмозор қишлоғидан шимолроқда бу текислик унча катта бўлмаган бурчак остида ер юзига чиқади, кейин эса деярли 2 километрга яқин жарлик ҳосил қилиб, Зоминсув дарасида тугайди. Қачонлардир ер ости кучлари бу ердаги палеозой плитасини кўтарган ва натижада нураш жараёнлари активлашган. Қашқасув, Қизилмозор ва Кўлсув уни учта дара шаклида кесиб ўтган. Кесиб ўтиш жараёнида улар ҳар хил қаттиқликдаги тоғ жинслари устидан ўтган ва шаршаралар ҳосил қилган. Кейин бу уч дара бирлашган ва жуда улкан тўртинчи дарага айланган, унинг пастида ўтган замонлардан бери маълум бўлган кичкина қишлоқ жойлашган.

Бу қишлоқнинг номи шундай деб аталади ва афсонага кўра ака-укалар учрашган жойларида то умрларининг охиригача бирга яшашган ва шу қишлоққа асос солишган. Бу жойда дара тагида улар томонидан уйлар ва олов ибодатхонаси қурилган бўлиб, бутун дунёдан бу жойга сиғинишга одамлар келишган.

Археологлар олиб борган изланишлар кўрсатадики, Миқ қишлоғи одамлар яшаган қадимги жойлардан бири экан. Бу жойда эрамининг биринчи асрларида одамлар яшашган. Бу жойда суғд руҳонийлари—мағлар яшаган (қишлоқ номи ҳам шундан келиб чиққан). Миқ орқали кекса Зоминдан тоғ устидаги Зарафшон юқорисида жойлашган Паргарга йўл ўтган. Эски сўқмоқ йўл ҳозирги вақтда бир неча жойда сақланиб қолган. Бундан ташқари, қадимий одатга кўра ҳозиргача Туристон тизмасидаги Жандар ва Лангар доволари тагидаги кулбалар ремонт қилинади, у ерда ҳаво ёмон пайтда сайёҳлар жон сақлашган. Академик А. Миддендорф экспедициясининг аъзоси зоолог В. Руссов 1878 йили Миқ қишлоғидаги актив ҳаётни тасвирлаб, бу жой қийин тоғ йўлларида чиқишдан олдин тўхтаб ўтадиган жой деганди.

ФАН ТОҒЛАРИДА

Помир-Олой тоғлари гуруҳида гўзалликда такрорланмас бир тоғ бор. Бу тоғда қора қоялар ичида улкан музликлар ётади, минглаб ирмоқлардан Зарафшон пайдо бўлади, тор ва чуқур дараларда шаршаралар шовуллайти, музликлар орасида гўзаллиги беқиёс кўллар жойлашган ва улар сатҳининг ранги осмон ранги билан рақобат қилади. Қуёшли ёнбағирлардаги дарахтлар шоҳида хушовоз қушлар куйлайди, паст-у баландликларида нодир ҳайвонлар чопқиллаб юради. Қоялар ёнбағридаги илон изи сўқмоқлар арчазор ва чангалзорлар

орасидан ўтиб, тоғ дарёлари орасига шўнғиб кетади, ундан ўтиб булутлар ичидаги доvonлар томон кўтарилади. Бутун оламга машҳур Фан тоғлари Кўҳистон иқлими ва табиатининг бетакрор бир бўлагидир.

Кейинги йилларда Фан тоғлари сайёҳлар ва алпинистлар ўртасида энг машҳур жойга айланди. Келаётган сайёҳлар сонига кўра, у Кавказ, Карпат, Олтой регионлари билан рақобат қилиш даражасида. Эрта баҳордан то биринчи қор тушгунча ҳамиша гавжум. Тоғларда сайёҳатни ёқтирганлар учун Қўликалон ва Аловуддин кўллари, ўрмонли Арча водийси ва Арчамайдон, музликлар, Қазноқ, Чимтарға, Алло доvonлари, кўпчилиги беш минг метрдан ошган тоғ чўққилари ва жанубга—Ҳисор водийсига ҳамда шимолга—Зарафшонга кетувчи хушманзара жойлардан ўтувчи тоғ сўқмоқлари мавжуд.

Фан тоғларини кўпдан буён «Кўҳистон марвариди» деб аташади. Унинг ҳавоси, қуёши ва суви минг бир хил доридан кучли бўлиб, ўнлаб томоша қиладиган қизикарли жойлар, юздан ошиқ тоғ доvonлари мавжуд. Кўҳистоннинг даралари ва кўллари бўйлаб эликдан ошиқ саёҳат маршрутлари ўтган. Бундай жойни ҳатто саёҳат маркази бўлган Алп тоғларидан ҳам топиш қийин. Фан тоғлари табиати тўғрисида СССР да ва чет элларда машҳур альбом чиқарган чех сайёҳи Р. Пушкеш ҳам шу фикрларни билдирган.

Лекин Фан тоғларининг машҳурлиги унинг табиатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили унчалик катта бўлмаган бу районни 5000 мингдан ошиқроқ киши келиб кўрмоқда (майдони 3 минг кв. км). Ҳозирнинг ўзида қулай майдон ва булоқ топиш қийинлашмоқда. Табиат ҳар йили катта талофот кўрмоқда.

60-йиллар ўрталаридан Фан тоғлари «Тоғ туризми Маккасига» айланди. Шу даврнинг ўзидан бошлаб эса табиатда салбий ўзгаришлар кўрина бошлади. Машҳур арча ва оқ қарағайли ўрмонлар сийраклаша бошлади,

нодир доривор ўсимликлар ўсаётган чангалзорлардан файз кетди. Булоқлар ва кўллар ифлослана бошлади. Сайёҳлар одатда тўхтаб ўтадиган жойларда ахлат уюмлари, синиқ шишалар, консерва банкалари сони ошмоқда.

Маҳаллий ўрмончилик ташкилотининг берган маълумотига қараганда кейинги йигирма йил ичида ўрмон майдони 18—20 фоиз камайди, айниқса, «Артуч» лагери атрофидаги ерлар кўп шикастланди. Бу жойда илгариги дарахтларнинг ярми ҳам йўқ. Улар ўрнида кўл қирғоқларида ва тоғ ёнбағрида дарахтларнинг ёниб битган тўнкалари-ю, қуриб ётган таналари ётибди. Машҳур Кўликалон ўрмони аёвсиз қирқилмоқда. Нодир ҳайвонлардан ҳилол, тоғ барси — ирбис, туркистон айиғи жуда камайиб кетди. Илгари кўп бўлган қуён, жайра каби ҳайвонлар ҳам сийраклашиб қолди. Ёввойи чўчқалар бу ерларни ташлаб, доvonлар оша Зарафшон тоғининг шимолий ёнбағрига ва Ҳисор тоғининг жанубига ўтиб кетди. Кўликалондаги 2700 метр баландликда яшовчи маринка балиғи ҳам йўқолиш арафасида.

Фан тоғлари том маъноси билан бошқарилмайдиган сайёҳлар қўшини томонидан ҳужумга учради. Ҳар куни гулханларда юзлаб кубометр дарахтлар ёқилмоқда. Тоғ сўқмоқлари чанг йўлларга айланмоқда. Қурилаётган йўл энг чиройли Аловуддин кўлига хавф солмоқда.

Фан тоғлари табиати инсон кўмагига муҳтож. Агар яқин йиллар ичида аҳвол ўзгармаса, табиатни муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўрилмаса, Помир-Олойнинг бу гўзал бурчаги тоғ устидаги саҳрога айланади.

Фан тоғларини сақлаб қолишнинг асосий йўллари-дан бири, уни миллий парк деб эълон қилиш, назоратга олинган сайёҳат маршрутлари белгилаш, шунингдек, дам оладиган уйчалар, томоша қиладиган майдонлар ва зарур жойларга арқон йўллар тортилиши керак. Албатта, бу келажак иши. Ҳозирнинг ўзида эса назоратсиз сайёҳлар сонини кескин камайтириш, келаётган одамлар

сонининг ҳисобини олиш, айниқса, мумиё ва доривор ўсимликларни йиғувчилар билан қаттиқ кураш олиб бориш керак. Ўрмон устидан назорат кучайтирилиши, браконьерлар ва табиатга нодонлиги туфайли билмай зарар етказаётганлар билан ҳам аёвсиз курашиш лозим. Энг муҳими Фан тоғларига ҳақиқий эга керак бўлиб, у бир уюшган ташкилот сифатида бутун тоққа халқ мулки деб қарасин ва унга жавоб берсин.

ТОҒ ҚУЛЛАРИ

Тоғли Зарафшон... Уни яна Кўҳистон ёки тоғлар ўлкаси ҳам деб аталади. Халқ ўртасида юрувчи бу ном булутлар орасига яширинган тоғлар тўғрисида тушунча беради. Ҳақиқатан ҳам Яғноб, Қиштут, Магиан тоғларининг қояли чўққилари 5000—5600 метрлик баландликка бўй чўзади. Улар ораси чуқур даралар ва доvonлар билан бўлинган бўлиб, уларнинг мураккаблиги кўпчилик оламга донғи кетган дара ва доvonлардан фарқ қилмайди. Тоғ чўққилари улкан музликлар билан қопланган, атрофлари эса кўп йиллик қорларнинг қотган фирн қатламлари билан қопланган. Тоғларнинг баланд чўққиларида кўп асрлар давомида миллиардлаб тонна сув ғамламалари йиғилган.

Қор, фирн ва муз — бу эртанги кун сувлари, шаҳар ва посёлкалар, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар учун келажакдаги сув ғамламасидир ва юқори ҳосил манбаидир.

Ёки бошқача қилиб айтганда, сув қувурларидан жўмракка келаятган оби-ҳаёт кечаги тоғ чўққиларида йиғилган намликдир. Эртанги кунда фойдаланиладиган сувлар эса ҳозирча табиат тоғ омборларига, музликлардан қояларга, қоялардан дарёларга оқиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда текислик зоналарида янгидан-янги ерлар ўзлаштирилиб, саҳро ва чўлларга оби-ҳаёт юборишдан олдин тоғдаги сув омборла-

ри тақдири ҳақида ўйлашимиз керак. Уларни ўрганиш билан биз эртанги кун сув муаммосини ҳал қилишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Қўҳистоннинг тоғли кўлларини ўрганишда самарқандлик сайёҳлар ва ўлкашунослар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишди. Улар бир неча йил ичида хари-таларга номаълум дарёлар, булоқлар, кўллар ва муз-ликларни топиб киритишди.

Ўзининг табиий гўзаллиги билан доврўғи чиққан Фан тоғлари мураккаб саёҳат маршрутлари билан бўйига ва энига кезиб ўтилган. Бу жойда ҳозирга қадар 78 та музлик ва 25 та кўл харитага туширилган. Булар ичида энг кичиги Пиёла кўли бўлиб, у Чордара дара-сида жойлашган ва 380 квадрат метр юзага, 2 минг куб метр сув зонасига эга. Энг каттаси эса Искандаркўл бўлиб, майдони 8 квадрат километр, сув ғамламаси 0,4 куб километрдир. Бошқа йирик сув ҳавзалари — Қўликалон, Аловуддин ва Қорақўлдир. Бу кўллардаги сақланаётган табиатнинг инъоми — сувнинг ғамламаси 3—3,5 куб километрга етади.

Фан тоғлари билан қўшни Моргузар тугунидаги ҳам-мага маълум етти кўлга яна бир қатор кўп сонли кичик сув ҳавзалари қўшилиб, улар Ҳисор тоғларининг шимо-лий соҳили бўйлаб чиройли шокила шаклида Қазноқ чўққисидан Северцев музлигигача чўзилади. Самарқанд вилояти сайёҳлари томонидан ташкил қилинган экспе-диция Шинг устида олтита тоғ кўли ва Сувбоши, Оқ-соқота, Хонақасув устида саккизта тоғ кўлини ўрганиш-ди. Уларнинг барчаси 3200—3700 метр баландликдаги музлик олди зонасида жойлашган. Улардаги ҳисоблан-ган сув ғамламаси 0,7 куб километрни кўрсатди. Мор-гузар системасидаги кўллардаги умумий сув ғамламаси 1,3 куб километрга етади.

Экспедиция бундан ташқари тоғ сув ҳавзаларининг сув бера билиш қобилятини ҳам ўрганди. Тоғли За-рафшондаги барча кўлларни уч туркумга бўлинади —

мореналар тўсиши натижасида пайдо бўлган кўллар (Искандаркўл, Чукурак, Ҳазорчашма), моренали (музлик ётқизиқларида пайдо бўлганлар) ёки уларнинг қуйи қисмида ушлаб қолинган кўллар (Кўликалон, Душахе, Аловуддин) ва сурилмалар натижасида пайдо бўлганлар (Нежикон, Сол, Нофсен, Моргузар). Уларнинг барчаси қуйи томонидан табиий тўғонлар билан тўсилган бўлиб, уларга турли жараёнлар сув ювиш хавфини солиши мумкин.

Иزلанишлар шуни кўрсатадики, йиғилган сувни бериш бўйича энг кўп сув бера оладиган ёш (10 минг йил атрофида) моренали кўллар бўлиб, уларнинг таги одатда тош бўлаклари билан тўлган ва юзаси лой билан кам қопланган. Қиш ва баҳорда йиғилган сувлар йирик тош бўлаклари орасидан сизиб ўтиб, пастда дарё шаклида чиқади ва водийга томон оби-ҳаёт бера бошлайди. Бу кўлларда сув қанча кўпайса, унинг босими шунча кўп бўлади ва табиийки, сувнинг сизиб ўтиши ҳам шунча кўпаяди. Сув тошлар орасидан оққанлиги сабабли унинг буғланишига сарфланадиган қисми ҳам иқтисод қилинади. Эски моренали кўллар сув бериш бўйича бирмунча «бахил» бўлади, яъни улар тагидаги кўп даврдан бери йиғилган лой қатлами сувни сизиб ўтишга қўймайди. Йиғилган сув аста-секин кўтарилиб, пастдаги тўғон устидан ошиб туша бошлайди ва кўпинча тўғоннинг ювилиши натижасида кўл ўз-ўзини йўқотади.

Сурилмалар натижасида пайдо бўлган тоғ кўллари икки гуруҳ ўртасида туради. Масалан, Нофин кўли тўғони ҳар йили 2—4 сантиметр, Моргузар тўғони эса 4—5 сантиметр силжиши аниқланган. Бу силжиш 5—8 минг йилдан бери давом этаётганини эътиборга олсак, қуйидаги Шинг ва Филмандара аҳолиси учун хавф борлиги янгилик бўлмайди. Музлик ичидаги кўллар табиатнинг энг қизиқ маҳсулоти ҳисобланади. Уларнинг юзаси одатда кичик бўлади ва музлик ҳаракат қилган томонга қараб чўзилиб кетади.

Бундай «музлик ванналари» музлик устидаги сув кенгайтирган ёриқларда ётади ва жуда қисқа вақт — 15—20 кун умр кўради. Эриган муз устидаги бундай кўлчалар совуқ тушиши билан яна музга айланиб, текис майдончалар ташкил этади. Бунинг устига кеча-кундуз давомида бу кўллар ўз кўринишини ўзгартиради, эрта-лаб ва кечқурун (албатта, тунда ҳам) у 2—3 сантиметрли муз билан қопланади, кундузи эса муз эриб кетади. Бу ҳол ҳар куни, ҳар йили давом этади.

ИСКАНДАРКУЛ

Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган кўпчилик халқларда Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) номи нимагадир алоҳида тантанали тилга олинади. А. П. Федченко 1861 йилдаёқ шунга эътибор бергандики, Зарафшон дарёси юқори оқими атрофида жойлашган кўпчилик беклар ўзларини Искандар Зулқарнайннинг бевосита авлодлари деб ҳисоблашади. А. П. Федченко қуйидаги мисолни келтиради. Матчоҳ беки рус императорининг Самарқанддаги элчисига хат йўллаб, у Искандар Зулқарнайн авлоди бўлгани учун атрофдаги ҳамма жойга ҳақи бор, шу сабабли рус Туркистонига қўшиб олинган Панжакентни қайтариб беришларини талаб қилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон территорияларида бизнинг вақтимизгача бир қатор жой номларида юнон лашкарбошисининг исми бор. Буларга Зулқарнайн қишлоғи, Искандар канали (ўзгарган Эски ангор), дашти Искандар чўли, Искандар қишлоғи, Искандар станцияси ва ниҳоят Фан тоғларидаги Искандаркўл.

Зарафшон водийсининг тоғли қисмидаги аҳоли ўртасида Искандаркўлнинг пайдо бўлиши ҳақида қизиқ афсона тарқалган.

Мароканддаги суғд қўзғолони бостирилгандан кейин ватанпарварларнинг кўпчилиги Кўҳистоннинг чиқиб бўл-

мас тоғларига яширинишган. Бу жойдан улар юнонлар устига юриш қилиб туришган. Александр бу «партизанлар» билан ҳисоблашмоқчи бўлган. Кучлар тенг бўлмаган қўшин ўртасида жанг бўлиб ўтган. Кучлар кўп бўлишига қарамай юнонлар суғдларни енга олмагач, Искандар олдида оқаётган дарёни тўсиб, унга қаршилиқ қилаётганларни шу сувда чўктирмоқчи бўлади. Келгинди қўшин беш кеча-ю беш кундуз ишлаб, улкан тўғон қуради ва ниҳоят дарё тўғон орқасини тўлдириб улкан ва чуқур кўл ҳосил қилади. Бу кўлда жасур суғдлардан анчаси ҳалок бўлади. Лекин бир қисм суғд лашкарлари тўғонни яширин кесиб ўтиб водийга бекинади. Шунда Искандар тўғонни бузишни буюради, токи пастга оққан сув қочқоқларни қувиб етсин. Шу даврдан бошлаб ярим бузилган тўғон орқасидаги чиройли тоғ кўли Искандаркўл деб аталади.

Афсона афсоналигича қолади. Чунки бундай улкан тўғон қуриш учун ўша вақтларда фақат табиатнинггина кучи етарди. Ҳақиқатдан ҳам бу кўлни Ҳазормеч ва Саритоғ дарёлари бошидан тушиб келувчи улкан музлик яратганди. Бу музлик эриб чекинаётган вақтда ҳозирги Нарват посёлкаси жойлашган жой билан келажакдаги сув ҳавзаси ўртасида қуйи морена деб аталган эриган муз орқасида қолувчи тош уюмлари пайдо бўлди. Унинг узунлиги беш километр, эни 1,2 километр ва баландлиги 220 метрлар атрофида бўлган. Морена таназидаги тошлар ҳажми 1.200 миллион куб метрга етган. Ундан юқорироқдаги эски Ҳазормеч ва Саритоғ музликлари кесишган жойда катта тоғ оралиғида чуқурлик пайдо бўлиб, кейин у сув билан тўлган. Ўша даврларда, яъни 10—15 минг йил олдин, Искандаркўлдаги сув сатҳи анча юқори бўлган.

Лекин шунга қарамасдан юқоридаги афсона ҳақиқатдан ҳам Искандаркўл бошидан ўтган табиий ўзгариш, яъни унинг сатҳининг 17 метрга пасайиб, сувининг Искандар дарё орқали чиқиб кетганидан хабар беради.

Бу оқиб чиққан улкан сув массасининг белгиларини Искандар дарёнинг ўрта оқимлари ҳавзасида йиғилиб қолган улкан тош бўлақларга қараб билса бўлади. Бу воқеа эрамизнинг биринчи асрларида бўлиб ўтган.

Ҳозир Искандаркўлнинг чуқурлиги 40 дан 70 метргача боради. Жадал ривожланиб бораётган Искандаркўл шаршараси ундан 300 метр пастроқда жойлашган. Хомчўтларга қараганда агар бу шаршара ўз кучи билан тошни емириб, ўрта ҳисобда ҳар йили 5 сантиметрдан кўлга яқинлашганда навбатдаги кўл сув сатҳини 45 метрга туширувчи сув оқими чиқиши учун 27 минг йил керак экан. Эҳтимол бу жараён бирмунча эрта ёки кеч бўлар, булар шаршара тагидаги жинсларнинг қаттиқ ёки юмшоқлигига ва нурашига боғлиқ. Лекин инсоннинг табиатга бўлган муҳаббати Искандаркўл атрофидаги ва ундаги такрорланмас гўзал ландшафтни сақлаб қолиши керак.

ОЙҚОР

Ойқор чўққиси «ой» ва «қор» сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан бўлиб, у Сангзор водийсининг кўрки ва Туркистон тизма тоғларининг бир қисми бўлган Чумқартоғнинг баланд жойида жойлашган. Чумқартоғнинг Ойқордан ҳам баландроқ қисмлари кўп бўлса-да, улар ичида Ойқор ўз гўзаллиги билан ажралиб туради. Ойқор улкан, мукаммал ва ёдда қоладигандир. Унинг гумбазсимон чўққиси нимаси биландир ўчган вулқон конусини эслатади ва узоқдан улканлиги билан кишида таассурот қолдиради. Чўққи худди уфқ устида ўзининг тик ёнбағирлари билан муаллақ тургандек кўринади.

Ойқор чўққиси ёзнинг фақат икки ойидагина қор қатламидан ҳоли бўлади. Бу даврда ёнбағирларни қалин ўт ва гуллар гилами қоплайди. Бошқа вақтларда, ҳатто водийда саратон жазирамаси бошланган даврда ҳам унинг чўққисида қор бўлади. Ойли тунларда қор

қоплами ўзидан сеҳрли оқ нур таратгандек бўлади. Шимолга қараган баланд тик ёнбағир ўзгача ёрқин ой нурига чўмади. Ойқорнинг денгиз сатҳидан 3200 метр, Ўснат посёлкасидан 2500 метр баланд бўлган улкан гавдаси бундай тунларда ой нурида биллурдек ялтирайди, айниқса, тўлин ойли кечаларда ажойиб таассурот қолдиради.

Шу сабабли Ойқор тоғлар ичида шундай гўзал ном билан аталган.

Халқ ўртасида бу афсонавий тоққа атаб кўплаб афсоналар, ҳикоялар ва ҳаттоки қўшиқлар тўқилган. Афсоналардан бирида тоғ этагидаги тарихи узоқ асрларга боғланган Ўснат қишлоғи (ҳозир Ўснат посёлкаси) номининг келиб чиқишига изоҳ берилган.

Афсонага кўра, бир вақтлар тоғ этагидаги аҳоли ўзидан кучи бир неча марта ошиқ бўлган Александр Македонский лашкарига қарши жангга киради. Жаҳонгир бу жойдан бой Ўсрушана ўлкасига ўтиб кетаётган эди. Лекин кам сонли Ватан ҳимоячилари бир неча тун-у кун мардонавор жанг қилиб, бирин-кетин ҳалок бўлишади. Фақатгина кам сонли жангчилар жасур бошлиқлари Ўснат бошчилигида душман ҳалқасини ёриб чиқишади ва дарага киришади. Қувиб келаётган душман кўз олдида улар ой нурида биллурдек ярқираб турган тоғ ёнбағрига кириб ғойиб бўлишади. Душманлар яқинлашган вақтда эса ой булут остига яширинади ва ёнбағир зулматга кўмилади. Кейинчалик аҳоли тоғ ичига кириб кетган қаҳрамон шарафига қурилган қишлоқни унинг номи билан Ўснат деб атай бошлайди.

Албатта, афсона бу афсона, лекин у гўзал жойга ҳусн берувчи янги бир қўшимчадир.

Лекин қадимги юнон тарихчиларининг ишларида шу район атрофида босқинчилар билан Ватан ҳимоячилари ўртасида бўлиб ўтган бир жанг ҳақида хотира бор. Александр Македонский Ўсрушана ўлкасига боришида йўлни қоялар устига чиқиб олган 30 минг қуролланган

маҳаллий аҳоли тўсади. Шиддатли жангда Александр Македонский биринчи марта тиззасидан ярадор бўлади. Лекин кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли Ватан ҳимоячиларидан кўплари қояларда душман ўқидан ҳалок бўлади.

Шуниси қизиқки, тоғли Зарафшоннинг кўп қисмида Александр Македонский номи билан боғлиқ жойлар кўп бўлса (масалан, Искандаркўл), Самарқанддан шарқда ва Жиззах атрофида бундай номлар йўқ. Бу эса, албатта, Александр Македонскийнинг Усрушана аҳолисида энг ёмон таассурот қолдиргани учун, атайлаб халқ унинг номини унутганида бўлса керак.

Ойқор ҳозирги ёзувчилар ўртасида ҳам машҳурдир. Унинг ҳақида М. Шевердин ва Нурали Қобул ўз китобларида кўп эслашган. Ойқорни ўтмиш сайёҳлари кўп ёзишган. Унинг ҳақида IX—XII аср араб сайёҳлари ва Бобур ҳам ёзиб кетган. Фақат Ойқорнинг гўзаллигини ўз кўзи билан кўрган сайёҳгина, уни кўрган ва билган ўтмиш сайёҳларининг у ҳақда куйламаслиги мумкин эмаслигини тушуниши мумкин. Ҳозирги вақтда Ойқор дам олувчилар учун ажойиб масканлардан бўлиб, у ерга дам олиш учун Жиззах, Ғаллаорол ва бошқа жойлардан аҳоли чиқади. Қишда ҳам, ёзда ҳам дам олиш мумкин бўлган Ойқор ёнида қишлик чанги спорти баъзаси ташкил қилинса, бу базадан деярли 5 ой—ноябрдан мартгача фойдаланиш мумкин.

Ойқор олди зонаси келажак зонасидир. Агар тоғ олди зонаси яхши ўрганилиб, йўллар солинса, табиат ва тарих ёдгорликлари таъмирланса, саёҳат маршрутлари тузиб чиқилса, келажакда Ойқор саёҳат бўйича энг машҳур жойлардан бирига айланади. Шу кунларда ҳам Ойқор олдидаги Науқаннинг карст булоқлари-ю олтин балиқлари, салқин боғлари-ю, ундаги XIX асрда қурилган мачит эл оғзида.

Бахмалсойдаги уч юз йиллик улкан чинорлар, Оқтошсойдаги бронза даврида ибтидий одам чизган расм-

лар галереяси сайёҳлар хотирасидан ҳеч қачон чиқмайдди. Каттасойдаги арчазорларнинг соф ҳавосини айтмайсизми?

Бу ерга келган сайёҳларга ҳар хил кўринишдаги бир неча маршрут таклиф этиш мумкин. Булардан Оқтошсой, Каттасой ва Кўктепа довонига (2600 метр) қилинадиган саёҳат маршрутлари машҳурдир. Автосайёҳлар учун эса, бу жойдаги Бахмалсой, Гўралаш ва Зоминсувни кесиб ўтувчи асфальт қопланган ва бир неча тоғ поясини, гўзал арчазорларни кесиб ўтувчи катта йўл доим хизматда.

БАХМАЛ

Табиат ҳамма нарсага қодир ва унга барча нарсага рухсат этилган. Асосан у ақлли меъмор ва қурувчи. Бизни ўраб турган ландшафтлар — саҳролар, чўллар, ўрмонлар, тоғлар табиатнинг такрорланмас ижод намуналари бўлиб, биз улардан ҳаётимиз давомида фойдаланамиз, демак уларни муҳофаза қилишимиз керак. Фақат табиатга бўлган муносабатдагина биз ўз ҳаракатларимизга баҳо бера оламиз. Фақат шу вақтдагина биз руҳан ўсамиз ва шаклланамиз.

Табиатнинг мукамаллиги, такрорланмас гўзаллигини саҳро ва тоғ олди зонаси орасида жойлашган ва Туркистон тоғларининг икки тизмаси орасида турган кичик тоғ ичи зонаси Бахмалга тушганда биламиз.

Ҳақиқатга ўхшаган эртақ. Узоқ ўтмишда бу юртларда шоҳлар ҳукмронлик қилиб, халқ ночор яшаган вақтда Самарқанд ҳукмронларидан бири ўз элидаги барча уста тўқувчиларни йиғиб, уларга қизининг тўйига гўзал ва беқиёс сўзана тўқишни буюрибди.

Қун тун билан алмашиб, иш қизиб кетибди, усталар тиним билмасдан меҳнат қилишибди. Ниҳоят кутилган вақт келиб, усталар ҳукмрон қошига сўзаналарни келтиришибди.

Сарой амалдорлари ҳар бир сўзана гўзаллигини кўриб, лол қолишар, фақат шоҳгина улар ишидан хурсанд эмасди. Тўқувчилар эса бундан хавотирланиб, ҳукмрон қаҳридан қўрқишарди. Навбат ёш ва ҳеч ким танимайдиган устага келибди. У эски, чанг босган кийимига қараганда узоқдан келганга ўхшарди.

Шу вақтга қадар у камтарона чеккада турар ва қўлиғига қўлбола бўз тугунга ўралган енгилгина нарсани қўлтиқлаб олганди.

Тўқувчи навбати келгач, тугунни очиб, уни силкитди ва тугундаги ҳарир сўзана осмонга яшил рангли булут шаклида сузиб кетди. Бу афсонавий булут ер юзига оҳиста тушди ва саройнинг мармар деворларини чулғаб олди. У чулғаб олган ҳамма ёқ фирузасимон яшил рангга кирганди, ҳавода дала гуллари ҳиди пайдо бўлди, баҳор гуллари очилди, тоғ шабадаси пайдо бўлди ва қаср атрофлари қуёш нурлари билан ёритилган яшил гилам билан қопланди.

Барча ҳайрон ва ҳаяжонда қотиб қолди. Шоҳнинг ўзи ҳам узоқ вақтгача бирон сўз айтолмади.

— Бу қандай мўъжиза? — ниҳоят сўради у.

— Бахмал, — соддагина тушунтирди тўқувчи. — Бу менинг Ватанимнинг жилосидир.

Шу вақтдан бошлаб камалакнинг барча ранглари билан товланувчи гўзал матолар Бахмал деб, атала бошланган экан.

Молгузар ва Чумқортау орасида жойлашган Бахмал водийси ҳақида шундай гўзал афсона тўқилган.

Ҳақиқатан ҳам бошқа жойларда кишини Бахмалдагидек лол қолдирадиган гўзал табиат манзараларини кўрмайсиз. Тоғларнинг ва кенг дарёнинг супасимон ёнбағирлари эрта баҳордан бошлаб майсалар бахмал тўшови билан қопланади, ёзга бориб атроф олтиндек бугдойзорга бурканади, улар ўртасида боғлар ва ўрмончалар ҳалқалари қорайиб кўринади. Сал юқорироқда—тоғлар ёнбағрида арчазорлар ҳукмронлик қилади, ундан

ҳам баландроқда эса алп ўтлоқлари ва қишки қорлар кўриниб, улар чўққилар орасидаги чуқурликларни эгаллаб ётади.

Табиат уни Қизилқум ва Мирзачўлнинг жазирама иссиғидан ва Помирнинг абадий совуғидан атайин ҳимоя қилгандек, бу жойларда меҳнат ва дам олиш учун қулай иқлим яратгандек.

Йил фасллари

Бахмал йилнинг ҳамма фаслида, ҳаттоки иқлим ноқулай вақтлар—довул ва жазирамада ҳам такрорланмас гўзал. Фақат бир жойнинг ўзида йилнинг тўрт фаслини кузатиб, ҳар фаслда унинг ўзига хос гўзалликини кўрасиз.

Майли, тоғларнинг чўққиларини қорамтир булутлар ўрасин ёки атрофни оппоқ совуқ туман боссин, барибир бу жой ўз гўзаллиги билан мафтун этади.

Бу ерда қиш такрорланмасдир, у ўз номига мос келади. Арчаларнинг тик қоматини, яшил баргларини оппоқ қор қоплаган. Қалин ва момиқ қор ер юзи пастбаландлигини текислаб, баҳордаги тошқин сув изларини яшириб, ерни текислашга интилгандек қоплаб ётади. Кўпчилик жойларда оппоқ қор устида ёввойи чўчқалар ёки ҳуркак қуёнларнинг изи бир-бирини кесиб ўтади.

Қуёш-чи? У шунчалик ёрқинки, гўёки оппоқ қорни ойна сингари ялтиратиб, нур қайтаришга мажбур этишга интилгандек ёритади ва бу ялтираган ёнбағирда арчалар худди қора холлардек ҳар жой, ҳар жойда кўринади.

Эрта баҳорда тоғларнинг пастки қисмидаги қор илиқ ғарбий шамол таъсирида тезда эриб кетади ва шарқираб оқувчи ирмоқлар шаклида борлиқни тўлдиради. Лекин кўпинча улар қўшилиб, тош-қум билан тўйинган

вақтинча ариқлар ҳосил қилади. Бу ариқлардаги лойли-сувли бўтқалар енгил автомобиль тезлигида қишлоқлар кўчаларига бостириб киради ва йўлида учраган барча нарсани ювиб кетади.

Тоғда эса қор аста-секин эрийди, гўёки қиш ўзи эришган муваффақиятини қайтариб беришни орқага сурмоқчи бўлгандай ҳаракат қилади.

Қорлар худди баҳордан яширингандай чуқур жарлар, қоялар орасига кириб олади. Лекин барибир чекинишга мажбур бўлади, қорлар эриган жойни эса баҳор кўкатлари гилами қоплайди, улар орасидан оқ, сариқ бойчечаклар, кўм-кўк чучмомалар юқорига бош кўтаради.

Баҳор ёмғири билан тозалангандек мусаффо ҳавода, фируза рангли кўкатлар баргидаги шудрингда қуёш нурлари жилва қилади. Бодом, қайрағоч, ёнғоқ кўчатлари кўкаради.

Кейин бирдан ҳақиқий баҳор келади. Бахмал ўз номига мос бахмал сўзана билан қопланади. Баҳор қишнинг қолдиқлари устидан босиб ўтиб, унинг охириги қалъаси тоғ чўққилари томон интилади. Ҳавода нам тупроқ, гуллар, шудринг ҳиди ҳукмронлик қилади.

Ёзнинг бошланишида Бахмал бир неча кун қип-қизил лолақизғалдоқлар билан қопланади. Бу лолақизғалдоқларни ҳамма жойда кўрасиз. Уларни буғдойзорда, боғларда, ҳаттоки уйларнинг томларида кўришингиз мумкин. Лолақизғалдоқлар келаётган ёзни, унинг оппоқ осмонини, иссиқ ҳавосини, саёзлашган дарё ва ариқларини эслатиб туради.

Улардан кейин бирданига яшил ўтлар қурийди, буғдойзорлар эса олтин рангга киради. Баҳорда кенг водийдаги улкан тошларни думалатиб оқизган дарё саёзлашиб, тагидаги тошлар кўринади. Шунинг учун ҳам бу дарёни Сангзор деб аташади.

Баланд тоғларда эса ҳали ҳам баҳор билан ёзнинг кураши давом этади. Бу кураш бутун ёз давомида ба-

қор фойдасига ҳал бўлгандек, ёнбағирларни кўм-кўк ўтлар гилами қоплаб ётади, улар орасида қизил, сариқ лолалар кўзга ташланади. Енгил шабада арчазорлардан ўрмон ва елим ҳидини олиб келади.

Ёзнинг охирида эса тескари жараён бошланади. Баланд тоғлиқлар биринчи бўлиб кузни кутиб олади. Кечалари кучли совуқ тушади, шамол кучаяди. Эрталаб тошлар юзасида шудринг пайдо бўлади. Лекин бу шудринглар биринчи қуёш нурлари таъсиридаёқ йўқолади. Куз аста-секин ўз кучини кўрсата бошлайди ва водийда ҳам намоён бўлади. Лекин унинг таъсири тоғдагидек кучли эмас. Фақат эрталаб сариқ ўтлар устида шудринг ялтираб кўринади.

Мана биринчи сариқ барглар ҳам кўринди. Дарё ёқасидаги чангалзорлар қизғиш тусга киради, ҳаво борган сари софлашади ва тиниқлашади. Ариқчалар ёнида ҳали ҳам янги кўкатлар пайдо бўлади, аммо улар тез-тез тушаётган совуқдан кўп яшамайди. Ниҳоят тоғда биринчи қор тушади — у одатдан ташқари оппоқ ва ялтироқдир. Унга кузнинг илиқ кунлари хавфли эмас. Қор кўпайиб, ўз майдонини кенгайтиради ва чўққилардан водийга томон аста-секин пасаяди.

Дараларда биринчи қор кўчкисининг баланд товуши Бахмалга қиш қайтганини тантанали эълон қилади.

Ҳаммаси инсонга

Бахмал бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки географик райондан ташкил топган.

Биринчиси, Сангзор дарёсининг кенг ўзани бўйидаги тепалик жойлардир. Қадимги денгиз супасимон ёнбағирларида ва адирларда кўп сонли қишлоқлар, боғлар, буғдой ва арпа экилган майдонлар ястаниб ётади. Бу зона 80 километрдан ошиқроқ жойни эгаллаб, Ғаллаторол шаҳридан Қорашақшақ қишлоғигача боради ҳамда сайёҳларни баҳор ва кузда ўзига жалб этади.

Иккинчиси, ёзнинг жазирамасида сайёҳлар тоғли зонага, ўрмон ва сув, салқин ҳукмрон бўлган жойга интилишади.

Сангзор ҳавзаси ёнидан ўтиб, Зоминсувга кетувчи автомобиль йўли қурилгандан кейин Бахмалга бориш қулайлашди. Автосайёҳлар бу асфальт йўлдан бориб, Авлиё, Ўснат, Дангари, Қўкжар ва Қашқасувни томоша қилишлари мумкин. Пиёда юришни яхши кўрган сайёҳлар учун содда ва мураккаб маршрутлар бор. Уларнинг эътиборини ўрмонли Алдашман, Такоба, Ўснат, қояли чўққиларга ва чуқур дараларга бой Молғузар тортиши мумкин. Спорт даражаси унча юқори бўлмаган сайёҳлар ҳам бемалол Чашмор ва Қўктепа, Лабанд ва Лангар, Паргар ва Чандир доvonларидан қийналмай ўта олишади. Баландлиги 3000 метрдан юқори бўлган Чумқартау, Ойқор, Оқтош, Учқизга кўтарилиш учун, албатта, тажриба ва маҳорат кўпроқ бўлиши керак.

Бахмал атрофида кўпгина экскурсион объектлар — Науқа ва Авлиёнинг карст булоқлари ва ундаги балиқлар, кўп асрлик чинорлар ва қайрағочлар, ғорлар, эски қасрлар ҳаробалари, қадимий қўрғонлар, мачитлар ва мақбаралар бўлиб, уларнинг кўпчилиги тарихий аҳамиятга эга.

Бахмал келажакда жумҳурият аҳамиятига эга дам олиш зонасига айланади. Бу жойда янги дам олиш уйлари ва санаториялар, соғлиқни тиклаш базалари ва кемпинглар, пансионатлар ва пионер лагерлари, шу ерда тайёрланган қимиз билан доволловчи шифохоналар қурилади.

Минглаб кишилар бу жойда дам олиш кунларини ўтказадилар.

Шу сабабли ҳозирдан кўп нарсаларни ҳисоблаб чиқиш, ўрганиш, дам олиш зоналарини лойиҳалаштираётганда дарёлар тозалигини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сонини сақлаб қолиш чорасини кўриш керак.

ҚУРУҚЛИКДАГИ ОРОЛ

Самарқанддан унча узоқ бўлмаган, шинамгина Фарҳод шаҳарчаси жойлашган жойда Зарафшон дарёси иккига бўлинади. Унинг шимолий ирмоғи Оқдарё, жанубийси Қорадарё деб аталади, кейин бу икки ирмоқ бирлашиб, қурғоқлик устидаги орол Миёнқол ҳосил бўлади.

Зарафшоннинг бу икки ирмоғи рангига қараб қўйилган номларни шу дарёлар қирғоғида бўлганингиздагина тушунасиз. Оқдарё ўзанида сон-саноқсиз майда оролчалар бор бўлиб, у оқиш рангдадир. Сувининг бирмунча саёзлиги ва ёзилиб оққанлиги туфайли у яна ҳам оқроқ кўринади. Қорадарё эса аксинча, битта кучли оқимда ва анча чуқурда оққанлиги туфайли суви қорамтир кулранг рангда. Бу икки ирмоқ юз километр атрофида бир-бирига ёнма-ён равишда ғарбга оқади ва Хатирчи районининг Янгиработ посёлкаси олдида бир-бири билан яна туташади. Шундай қилиб, Оқдарё билан Қорадарё қуруқлик устидаги бу оролни икки тарафдан сувли ҳалқа шаклида ўраб олади ва майдони 120 квадрат километрли орол ҳосил қилади.

Бу майдонда ўнлаб хўжаликлар жойлашган, улар пахта, гуруч, полиз экинлари, мевалар етиштириш билан шуғулланади. Орол устидан тўғри чизиқлар шаклидаги бош каналлар ва улардан ажралган ариқлар тармоғи тарқалиб кетган.

Миёнқол ороли энг қадимий даврлардан бошлаб, Зарафшон водийсининг иқлими қулай жойларидан бири ҳисобланган. Бу жойда ўтган ва ҳозирги даврда ҳам деҳқончиликдаги суғориш ишлари учун қулай шароитлар мавжуд.

Миёнқол ороли Ўрта Осиёдаги энг қадимий деҳқончилик маркази эканлиги тўғрисида, ундаги антик даврда қурилган сув иншоотлари хабар беради. Бундан ташқари, қадимда ижод қилган муаррихларнинг Миёнқол

оролидаги ривожланган хўжалик тўғрисидаги маълумотлар сақланган. Бу ерда яна қадимги асосий аҳоли пунктлари жойлашган. Ўрта асрларда яшаган араб сайёҳи ал-Истаҳри ёзган эди. «Суғд энг ёқимли ва чиройли жойлардан бири бўлиб, у дарё бўйича узлуксиз давом этади.» Бундан ташқари оролнинг номи Эрондаги кўпчиликка маълум Миангканг (каналлар ўлкаси) деган номга ҳамоҳанг бўлиб, ўша вақтда унинг оламга машҳурлигидан далолат беради.

Бу оролнинг жумҳуриятимиздаги иқтисодий роли маълум бўлсада, унинг табиий-географик шароити ва келиб чиқиши бирмунча жумбоқдир. Унинг пайдо бўлиши тўғрисида бир нечта фаразлар мавжуд. Уларнинг ҳаммасида ҳам бир нарса қайд қилинади: дарёнинг иккига айрилишида асосий ролни тектоник ҳаракатлар ўйнаган ва бу жараён яқин ўтмишда бўлган.

Тахминан 15—20 минг йил олдин, юқори антропоген даврида унинг тоғли қисми ҳали музликларини сақлаган. Ҳозирги мавжуд музликларнинг ҳажми эса ўша вақтда 3—5 марта каттароқ бўлган. Масалан, Зарафшон муз қатлами узунлиги 100 км (ҳозир 28), Яғноб музликлари битта умумий муз дарёси шаклида (ҳозир улар бўлакланган ва юпқа). Фан тоғлари эса ҳамма тарафидан муз қоплами билан то 1800 метр баландликкача қопланган эди.

10—12 минг йил аввалги иқлимнинг кескин исиши бу муз массаларининг эришига сабаб бўлган ва катта миқдорда ёмғир ва қор ёққан. Жуда катта сув массаси палеозарафшон дарёсининг тор водийси бўйлаб ҳаракатга келган ва ўзи билан тош, шағал бўлакларини олиб келган. Ҳозирги Миёнқол ўрнида эса Зарафшоннинг энг кенг қисми жойлашган бўлиб, унинг кенглиги 20 километргача етган. Вақт ўтиб сув массаси камайиши билан тоғли қисмда Зарафшоннинг кўп ирмоқлари қуриган ва дарё саёзлашган. Бунинг натижасида дарё кенг ўзан орасида иккига бўлиниб оқа бошлаган.

Қизиғи шундаки, шимолий ирмоқ — Оқдарёнинг мавжуд бўлишига борган сари хавф пайдо бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби Туркистон тоғлари ва унинг тармоғи бўлган Нурота юқорига қараб аста-секин таъсир этувчи тектоник жараёнлар натижасида ўсмоқда ва бу ўсиш Зарафшон тоғларига нисбатан бирмунча кучлироқдир. Бунинг натижасида Зарафшон ҳам аста-секин жанубга томон силжимоқда. Бу силжишда Оқдарё бирмунча тезроқ бормоқда ва у аста-секин Қорадарёга яқинлашмоқда.

Шу сабабли Оқдарёнинг сув ҳажми ҳам аста-секин камайиб бормоқда. Бу жараёни қадимги суғориш мутахассислари ҳам таъкидлашган.

Зарафшон тармоқланган жойда сувни тақсимлаш қадимдан мавжуд бўлган. Эрамизнинг биринчи асрларида бу ерда сув тақсимлагич дамба қурилган. XVI асрда эса тош ва пишган гиштдан сув айирғич кўприк қурилиб, унинг арки бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Кейинчалик эса, бу ерда тўғон қурилган. Лекин бир неча марта дарё ювиб кетиши натижасида яна тикланган. Ўтган аср охири ва асримиз бошларида Зарафшоннинг сувини ёғоч дамба билан тўсиб, бўлмоқчи бўлишган, лекин бу иншоот қиммат ва ишончсиз бўлиб чиққан. Зарафшон сувини бўлиш учун ишончли сув айирғич қуриш масаласи фақат бизнинг вақтимизда ҳал бўлди. Ҳозир сув иккига бўлинадиган жойда мустақкам темир-бетон Оқдарё гидроузели қурилиб, у сувни автоматик равишда тақсимлайди.

КУКСАРОЙ

Самарқанд вилоятининг ғарбидаги Оқтоғда Кўксарой деб аталган водий жойлашган. Водий ўртасида ўзига хос шаклга эга бўлган кичик тоғ бўлиб, у Жинўтти деб аталади. Умуман олганда, у тоғ эмас, кўпроқ қоя бўлиб, унинг ёнбағирлари тик ва устида текис майдонча бор.

Маҳаллий чўпонлар Жинўтти олдида подаларини боқишмайди. Бунинг сабаби у ерда ўтнинг камлиги ёки сув йўқлигидан эмас. Балки Жинўтти тўғрисида илгаридан ёмон фикр туғилган ва шу ҳақида афсона тўқилган.

«Жуда ўтган замонларда, — ҳикоя қилинади афсонада, — одамлар Кўксаройни ўзлаштира бошлаганлар. Шу вақтда ушбу ерда жинлар ҳам ўзларига макон қуришадди. Кўп ўтмай қўшничилик жинларга ёқмай одамларга зарар етказа бошлашади. Гоҳида қўй-қўзилар йўқоладди, гоҳида сел уйларни суриб олиб кетади, гоҳида тоғдан тошлар ёғилади. Одамлар қўшнилариининг бу қилиқларига чидай олмай уларга қарши жангга отланадилар. Жанг узоқ давом этар, охири кўринмасди. Жангни тезроқ тугатиш учун одамлар орасидан Тар деган баҳодир чиқади. Улкан калтак ясаб олиб, жинлар яшаётган дарага йўл олади. Баҳодирни жинлар бирлашиб кутиб олишади ва уни салкам ҳалок қилаёзишади. Унинг устига тош ёмғири ёғади, сел оқими унинг йўлини тўсди, оёғи остидаги ер бирдан ёниб кетади.

Жасур баҳодир Тар буларнинг барини енгиб чиқади ва жинларга қарши боради. Жанг етти кун-у етти тун давом этади ва ниҳоят паҳлавон жинларни енғади. Жинлардан фақат бири омон қолади ва тошлардан улкан қоя ясаб, унинг устига чиқиб олади. Эрта-ю кеч Тар қоя ёнига тош ййғади аста-секин тошларга тирмашиб, ниҳоят чўққи устига чиқади ва жинни пастга ирғитиб юборади. Жин ерга урилиб, ер ютади.

Табиат ва одамлар золим жиндан қутулганига хурсанд бўлишади. Водийда серсув дарёлар пайдо бўлади, шаршаралар товуши чиқади, ер устини қалин ўт гилами қоплайди, ингичка кўчатлар эса кучга тўлиб, бақувват дарахтларга айланади ва улар баланд бўлиб, кўкка бўй чўзади».

«Шу даврдан бошлаб, — дея ҳикоя қилинади афсонада, — бу қуёшга тўлган чиройли водий Кўксарой деб

аталади, жин яширинган қоя эса «Жинўтти», яъни жин ўтган йўл деб номланади. Қишлоқнинг номи баҳодирнинг номи билан—Тарпай деб атала бошланади. Шу даврдан сақланиб қолган дарахтлар эса ўзининг улканлиги билан киши ақлини лол этади.

Ҳақиқатан ҳам Қўксаройга саёҳат қилган сайёҳ Оқтоғ учун хос бўлган хилма-хил манзараларни учратади. Бу жойларда май ойидан ноябргача бир томчи ҳам ёмғир ёлмаган йиллар бўлади. Қўпчилик дарё ва булоқларнинг суви камаяди. Лекин Қўксарой водийси табиатнинг бу қонуниятига гўёки бўйсунмайди.

Ҳамма вақт қалин ўтлар билан қопланиб ётадиган бодомзорлар-у қалин қамишзорлар бошқа жойлардан фарқ қилади. Ёши 150 дан 400 йилгача етган ёнғоқ, тут дарахтлари учрайди. Энг қизиғи шундаки, Қўксаройда учровчи арча на Оқтоғда, на қўшни Нурота тоғида учрайди. Бу ерда баъзи бир арчаларнинг ёши 700—800 йил атрофидадир.

Водийнинг кўп жойида энг қуруқ йиллар ҳам қоялар ёригидан булоқлар чиқиб ётади. Дарёда балиқлар мўл. Тушуниш қийин йўл билан улкан сувсиз майдонни ўтиб, бу ерларда ондатра пайдо бўлган. Дарё этагида жумҳуриятимизда кам учровчи қора лайлакни учратиш мумкин. Водийнинг энг юқорисида улкан ва чиройли Дара деб аталган қисмида оҳақтошлар худди Шимолий Американинг «Катта конъон»ига ўхшаб ер юзига чиқиб ётибди, давлат томонидан қўриқланаётган архарлар бор.

Қояларнинг шамол ва ёгингарчилик таъсирида минг йиллар ичида силлиқланган юзасида учровчи одам, эчки, от, туя ва ҳаттоки шер расмлари бу жойнинг одамзот пайдо бўлган даврдан буён ўзлаштирилганини кўрсатади.

Тарпай қишлоғи ёнидаги учта тепалик археологлар томонидан ўрганилганда, эрамининг биринчи асрларида


ишланган идиш-товоқ синиқлари топилган. Идишлар шу жойда учровчи лой, қум ва шағаллардан ясалганлиги маълум бўлган.

Махсус ўлкашунослик экспедицияси иш олиб бориб, Қўқсаройни меҳнаткашларнинг дам олиш зонасига айлантириш масаласини ўрганди. Бу жойда пионер лагерлари, турбазалар, ёзлик дам олиш зоналари ташкил этиш мақсадга тўғри келар экан. Қўқсаройдаги экскурсия объектлари ва эътиборга молик жойлар кўплиги ажойиб саёҳат маршрутлари очиш имкониятини беради. Тоғнинг тик ёнбағирлари эса юқори малакали альпинистлар тайёрлаш учун махсус ўқув майдони бўлиши мумкин.

Афсона эса бу жой учун қўшимча файз беради.

САҲРО МЕДАЛЬОНИ


Асфальт йўлдан енгил учиб бораётган автомобиль эрталабки туман билан қопланган Зарафшон воҳасини ортда қолдириб, жануби-ғарбга—уфқда кўриниб турган чўққили тоғларга интилмоқда. Орқада Зиёвуддин станцияси, қадимий Нарпай канали ва йўл чеккасидаги ихота ўрмонлари бирин-кетин ортда қолди. Тоғ олди текислиги аста-секин қирларга уланди. Чап томонда Зирабулоқ тоғининг қия ёнбағри жойлашган бўлиб, ёмғир сувлари таъсирида ювилавериб, сон-саноксиз каналчаларга айланган. Унга тепаликлар, улар аста-секин қояли Зиёвуддин тоғига уланиб кетади. Биз кетаётган йўл кенг тоғлараро текисликка чиқади, бу жой мутахассислар томонидан Қарноб букламаси деб аталган. Унинг асосини палеозой даврининг хилма-хил тоғ жинслари ва мезокайнозой даври қатламлари эгаллаган. Бу қатламлар орасида ҳар хил фойдали қазилмалар ва сув бор. Қарноб букламаси бир вақтнинг ўзида Қашқадарё ва Зарафшон ҳавзаларининг ҳам ер усти, ҳам ер ости сув айирғичлари ҳисобланади. Йўл аста пастла-




«Фан тоғлари»даги «Зиндон» музлиги.



«Фан тоғлари»даги «Қазноқ» дараси.



«Кўли-Калон» йўлидаги тоғ шаршараси.




«Зиндон» дараси олдидаги қуриган
ярча.

«Уруг» дарасида тонг.




«Еттинчи Моргузор» кўли.



Дарёлар ана шундай бошланади.



«Зиндон» дарасидаги «Юбилейний» довони.



«Күл-Калон» кўлининг «Юбилейний»
чўққисидан кўриниши.



«Арча-майдон» дарасида.




Тоғ гуллари.

Тоғ гуллари.




«Зиндон» дараси.






«Имат» дарасидаги шаршара.




Тоғ гуллари.




Тоғ гуллари.




8 «Кўли-Калон» кўли ва «Фан тоғлари».



Арча.



8 «Катта Аловуддин» кўли.



«Кўли-Калон» кўли ва «Мирали» деворининг «Чукурак»
довонидан кўриниши.

шиб бизни айни бир вақтда тарихнинг қизиқарли ва кўпчилиikka номаълум бўлган Қарноб посёлкасига олиб боради.

Шу кунларда посёлка жумҳуриятимиздаги йирик қорақўлчилик маркази ҳисобланади.

Посёлка тожикча номланган бўлиб «тошаётган сув» маъносини билдиради. Демак, маъно жиҳатидан келиб чиқсак, бу ернинг асосий сув манбаи булоқ бўлиши керак. Ҳозир булоқ посёлканинг марказида. 50-йилларда эса посёлка чеккасида жойлашган эди. Булоқ девор билан ўралган бўлиб, юқориси пахса гумбаз билан ёпилган.

Қарноб қадимий аҳоли пунктидир. Биринчидан, одамлар маъдан эритиш ҳунари билан бронза асрида — учининг йил олдин шуғулланишган. Иккинчидан, аҳоли пункти номининг келиб чиқиши камида IX—Хасрларга тўғри келиб, Маворауннаҳрда ҳукмрон бўлган суғд тили айрим жойларда ғарбий эрон тили гуруҳи билан алмашина бошлаган ва бу тил ҳозирги тожик тили бўлган. Учинчидан, Қарноб қулай географик ўрнига кўра тоғ олди деҳқонлари ва чўлдаги чорвадорлар ўртасида савдо маркази бўлган.

Шундай қилиб, Қарноб эрамизнинг бошларида «Буюк ипак йўлининг» жануби-ғарбий тармоғида Шарқ давлатлари ва Ғарбий Оврупони боғлаб турган йўл ёқасида пайдо бўлган. Бу савдо йўли Хитой ва Оврупони 2000 йилдан ошиқроқ боғлаб турган.

Қарнобдан унча узоқ бўлмаган жойда эрамизнинг биринчи асрларида Дабусия шаҳри барпо этилган бўлиб, кейинчалик Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон қилинган. Дабусия шаҳрининг қолган қолдиқлари ҳали ҳам ўзининг ҳажми билан киши ақлини лол этади. Александр Македонский юришларини ёзган антик давр тарихчиларининг маълумотларига ва ҳозирги замон тарихчиларининг фикрига кўра, айнан шу жойда

эрамизга қадар IV асрда (ҳозир пахтазорлар ва боғлар билан қопланган майдонда), «Скиф саҳроси олдидаги текисликда» юнон қўшинларининг бир отряди Спитамен бошчилигидаги суғд қўзғолончилари томонидан қириб ташланган. Уша жанг майдони ҳозирги Зиёвуддин ўрнида деб фикр юритилмоқда, унинг олдида эса Дабусия шаҳри жойлашган.

Уз вақтида бу шаҳар йирик карвон йўллари кесишган жойдаги Суғднинг йирик маркази ҳисобланган ва товар алмашиш бўйича Самарқанддан кейин иккинчи ўринда туриб, «савдогарчилик-хунармандчилик ва суд-хўрлик шаҳри» бўлган. Дабусия Зарафшон воҳасининг ўрта қисмидаги қулай стратегик ўрнига кўра, Самарқандга интилаётган душманлар йўлидаги «мустаҳкам ёнғоқ» ролини ўйнаган. Водийнинг адир зонасида жойлашган Дабусия энг қадимги Нарпай каналдан сув ичган қулай иқлим шароитига эга эди. Минглаб кишиларнинг жонига қасд қилувчи безгак касаллиги кам бўлган. Унгача яқин бўлган йирик савдо марказлари Қармана ва Рабинжонгача бир кунлик Қарнобгача эса ундан ҳам камроқ йўл босилган. Қарноб араб сайёҳлари хотираларида Қизилқум орқали кесиб ўтувчи оғир йўлнинг бошланиши ҳисобланган. Фақат шу жойдагина сайёҳ қумга кириб кетиш олдидан булоқдан чучук сув ғамлаб олиши, охирги марта қайрағоч соясида дам олиши, йўлбошловчи ёллаши, туя ва отлар сотиб олиши мумкин эди. Кичкинагина чўл воҳасидан кейин теп-текис чаласаҳро бошланиб, тақир ва туз босган жойлар, саксовулларнинг жазирамада қуриган таналари учрарди. Фақат ҳар жойда карвон йўли ёнида шўр қудуқлар учраши мумкин эди. «Буюк ипак йўли» нинг жануби-ғарбий тармоғи Зарафшон водийсини энг қисқа йўл билан Дабусиядан бой савдо шаҳри Пойкентга (ҳозир Қашқадарё вилоятида) олиб чиқарди. Бухоро орқали унга йўл анча олис; ўзаро уруш йилларида хавфли эди.

Ҳозирга қадар Қарноб норасмий «чўл пойтахти» ҳи-

собланади. Қадимий карвон йўллари ва сўқмоқлар сақланиб қолган ва ҳозиргача одамларга хизмат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги автомобиль йўлларига айлантирилган. Улар Қарнобни Тим, Дарантут, Зирабулоқ, Саҳоба, Қоровулбозор, Муборак, Қарши билан боғлайди. Бундай карвон йўллари ўрнида газқувур трубалари ётқизилган.

Фақатгина сув манбаларининг камлиги кичик, аммо табиий ўрни қулай қишлоқнинг ривожланишига имкон бермади. Сониясига 30 литр сув бера олувчи булоқ кичик қишлоқ аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Кейинчалик «Буюк ипак йўли» нинг мавқеи пасайгач, Қарноб ривожланаётган тараққиётдан жуда четда қолди ва чўлдаги чорвадорларнинг қишлик турар жойи-ю ҳар замонда ишловчи бозорга айланди. Энди қишлоқнинг ягона эътиборга лойиқ жойи ундаги «сахро медалъони», яъни булоқнинг тиниқ ва чучук суви бўлди. Қарноб булоғининг ўзига хослиги, у Зирабулоқ тоғидаги бошқа булоқлардан фарқли равишда, қишнинг қаҳратонида ҳам музламайди ва шу хусусияти алоҳида эътиборга молик.

Қарнобдаги булоқ тектоник ҳаракатларнинг оддий кучи билан пайдо бўлган. Яъни чуқур ер остида ётган гранит тана, тектоник ҳаракатлар натижасида ҳар хил йўналишда, қалинлик ва катталиклда бўлган ёриқлар билан парчаланган. Йилнинг нам фаслларида атмосфера ёгинлари — ёмғир, шудринг ва қор шаклида тупроқнинг юпқа қаватидан сингиб ўтади ва тош бағридаги юқорида айтилган ёриқлар бўйлаб ер ички қаватининг ҳарорати юқори бўлган жойларига тушади. Сувнинг ҳарорати 23—25° гача исигач, ҳажми кенгайиб, юқорига кўтарилувчи оқим таъсирида ер юзига исиган ҳолда чиқади. Сувнинг исиши эса ер ички қатламларидаги оддий юқори ҳарорат таъсирида бўлади. Бу ердаги пегматитлар — гранитнинг нодир қайта ишлашга берилувчан турлари, айниқса юқори баҳоланади. Яна турмалин, корунд

ғамламалари аниқланган. Зирабулоқтоғ марказида темир моддаси учрайди. Бу ердаги барча фойдали қазилмалар саноатимиз захираси ҳисобланади. Лекин ҳозир ҳам ва барча вақтларда табиатнинг буюк мўъжизаси бўлиб, «сахро медалъони»—Қарнобота булоғи қолади.

ТИМ

Зирабулоқ тоғининг жанубида, тоғ олди ва чўл зоналари ўртасида жойлашган Тим қишлоғи асоссиз равишда экскурсион маршрутлардан чеккада қолмоқда. Аслида эса бу табиат меъморлик комплекси ҳамма томондан қизиқ. Бу жойда ландшафтшунослар, маданият тарихини ўрганувчилар ва дам олишни ташкил қилувчи мутахассисларни қизиқтирувчи бой материаллар талайгина.

Тимнинг бой экскурсион имкониятларини ишга солиш кўп харажат талаб қилмайди. Биринчидан, транспорт йўли мавжуд, иккинчидан, Каттақўрғон шаҳрига олиб борувчи йўл ҳар қандай транспорт учун қишин-ёзин очиқдир. Қишлоқ олдидаги дарёча ва карст булоқлари дам олувчиларни тоза ва тиниқ сув билан таъминлайди. Агар сув омборлари қурилса, қирғоқда пляж ташкил этиш мумкин. Ўрмон мелиорация ишлари яшил зона ташкил этиш имкониятини беради. Энг муҳими бу ердаги иқлим ўзгариши натижасида об-ҳаво анча мўътадил ва дам олиш учун қулайдир.

Табиатшунослар ёнбағирдаги палеозой даври ётқиқларини, ҳар хил ёшдаги тектоник сурилмалар ва интрузив (магматик) тоғ жинсларини томоша қилишлари мумкин. Зирабулоқ тоғининг жанубий этаги бўйлаб тоғни чўл зонасидан ажратиб, рельефда яхши кўринувчи қатлам ўтади. Бу бўртган қатлам Помир-Олой ва Тўрон плитаси орасидаги чегарадир. Бошқа жойларда эса бу тектоник уланган жой ёш ғовак қатламлар ортида қолиб кетгандир.

Тоғ ёнбағридаги қояларда кўп сонли ғорлар, дарё ёқаларида эса карст булоқлари мавжуд. Барча чўл ва паст тоғликларнинг таркибий қисмлари ўзаро боғлиқдир. Ёш сайёҳлар учун бу икки зонанинг табиий географияси ўқув қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тимда минг йиллик арча бор бўлиб, у гўё Қарноб чўлидан келаётган жазирамага қарши кўкрак кериб турган паҳлавонга ўхшайди.

Тарихчилар учун Тим бир ажойибхонадир. Бу ерда петроглифлар — ибтидоий одамлар чизган суратлар мавжуд. Келажакда Тимда ўтказиладиган археологик изланишлар ҳам самарадор бўлиши керак. Бу ҳақида кўпчилик сайёҳлар топаётган тош қуроллар дарак беради. Айниқса меъморлик ёдгорликлари ҳақиқий хазинадир. Улар ичида X асрда қурилган Аработа мақбараси ажралиб туради. У Ўрта Осиёда жуда нодир. Аработанинг ўзига хос хусусияти унинг гул билан безатилган равоғи бўлиб, у ўша давр меъморчилиги учун янгилик бўлган. Аработа ёнида XII асрда қурилган мачит бор. Улар ўртасида баланд тепалик Қултепа бор бўлиб, тепалик VI—VII асрларда қаср бўлган. Агар бу ёдгорликлар яхшилаб таъмирланса, Тим қишлоғи учун энг яхши совға, сайёҳлар учун янги объект бўлади.

Тоғли жойларга саёҳат учун Тимдан шимолдаги тоғлар катта имконият яратади. Тор даралар ва очиқ конлар, енгил чиқиш мумкин бўлган тоғ доволари, ўткир тоғ чўққилари ҳар хил даражадаги маршрутлар яратиш имкониятини беради. Зирабулоқ тоғларининг пастлигини эътиборга олсак, у кўпчилик чиқа оладиган енгил маршрут бўлади.

III. ЖАНУБИЙ УЗБЕКИСТОН ЕР ОСТИ ҚАСРЛАРИ

Самарқанд жанубида Тахтақорача довонидан ошиб тушганда Жанубий Ўзбекистон тоғлари — Зарафшон тизмасининг жанубий қисмига тушасиз. Жанубий ёнбағирдан кейин кенг текислик зонаси бошланади ва уни кесиб ўтсангиз, тоғлик ўлка—жануби-ғарбий Ҳисор тизмасига етиб борилади.

Тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари жумҳуриятимиз жанубида ва шарқий Туркменистон территориясида 17.000 кв км майдонни эгаллаб, бир-бирига ёнма-ён чўзилиб ётувчи 4 та тизма тоғликни ташкил этади. Ўзбекистон ва Тожикистон жумҳуриятлари чегарасида жойлашган 3.700 м баландликдаги Осмонтараш чўққисидан бошланадиган биринчи тизма Яккабоғ тизмаси деб аталади ва Бешнау, Эшакмайдон, Хонтахти, Майдонак, Тойталаш деб аталувчи тоғлардан ташкил топиб, улар шимоли-шарқдан, жануби-ғарб томон чўзилиб боради ва аста-секин Қорасирт, Мадун, Усмонтоз, Кесик, Сайфи, Тубегатон, Ғавурдоқ деб аталмиш паст тоғларга айланиб, қардош Туркменистон территориясига ўтиб кетади.

Иккинчи тизма тоғлик Чақчар деб аталади ва унинг майдони қисқа.

Учинчи тизма тоғлик Бойсунтоғ номи билан машҳур бўлиб, у жануби-ғарб томон Кетмончопди, Саримас,

Сувсизтоғ, Кулбаттоғ ва ниҳоят Кўҳитангтоғ деб номланган тармоқлари билан чўзилиб, Туркменистон территориясига ўтиб кетади.

Тўртинчи тизма тоғлик жануброқда жойлашган бўлиб, Сурхонтоғ деб аталади. Мана шу тоғлиқларнинг йиғиндиси географик адабиётга Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари номи билан кирган. Бу тоғлар ўз навбатида кичик қолдиқ тоғлар, шу жумладан, Келиф-Шеробод ва Шеробод-Сариқамиш тизмалари билан ўраб турилади.

Жануби-ғарбий Ҳисор ўзига гўзаллиги билан ажралиб туради. Кўз олдингизда бутун ҳусни жамолини кўз-кўз этган осмонўпар тоғлардан тошдан-тошга урилиб шўх дарёлар шарқираб оқади, улкан арчазорлар пастида зилол булоқлар чарчаган сайёҳни «кел, муздек сувимдан ичиб, сояда дам ол», дегандек қайнаб туради. Узоқларда оппоқ пўстин ёпинган улкан чўққилар азамат кўксиларини виқор билан кўтаргандай мағрур турдилар. Теварак атрофда эса бошқа ҳеч ерда учрамайдиган ранглар камалаги жило қилади.

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғларида сизни фақатгина ер устидагина эмас ҳатто ер ости ҳам мафтункор ва мўъжизали унутилмас саёҳат кутади. Бу ўлка ғорлар, яъни улкан, сеҳрли қоронғилик қаърида яшириниб ётувчи, ўзининг хилма-хил қайтарилмас нақшлари ва безаклари билан сайёҳни ўзига ром этувчи қасрлар ўлкасидир. Бу ғор — қасрлар бағрида салобат билан ер ости дарёлари оқади, девор ва шипларида хилма-хил шакл ва жилоли сталактит ва сталагмитлар ўсиб ётади. Ғорлар табиатшунос сайёҳларнигина қизиқтириб қолмай, балки бошқа хилма-хил касб эгаларини ҳам ўзига чорлайди. Археологлар бу ердан қадимги одамлар қароргоҳларини, геологлар ота-боболаримизни ўз жилваси билан мафтун этган лаъл-ҳақиқ ғамламаларини излайдилар. Минералоглар янги минералларнинг пайдо бўлиш жараёнини кузатсалар, тиббиётчиларни илгаридан

халқ тиббиётида кенг қўлланилган мумиё ёки шифобахш минерал сувлар ғамламаси қизиқтиради. Ҳозиргача бу территорияда 100 дан ортиқ йирик ғорлар топилган бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 9000 метрдан ошиб кетади.

Жануби-ғарбий Ҳисор ва Зарафшон тоғларида Ўрта Осиё территориясидаги энг йирик ғорлардан Қопқўтон, Ҳошимўйиқ, Каптархона, Амир Темур кабилар жойлашган. Ғорлардан жанубий жумҳуриятлар ичида ягона ҳисобланувчи қадимий одам калла суяга ва тураржойи қолдиқлари топилган. Баъзи ғорлар деворларида қадимий аجدодларимиз истеъдодидан дарак берувчи ибтидоий одамлар чизган суратлар бор. Территориядаги ғорлардан қимматли ҳақиқ, мумиё ғамламалари, водород сульфидли шифобахш сув топилган.

Табиатни севган, ер ости сайёҳатини хуш кўрган сайёҳ ва ғоршунослар нодир ер ости қасрларига сайёҳат қилишлари мумкин. Уларни такрорланмас гўзаллик ва сеҳрли олам кутади.

ҒОРЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БУЛАДИ?

Ғорлар пайдо бўлишига кўра, сунъий ва табиий турга бўлинади.

Сунъий ғорлар асосан инсон қўли билан яратилади, яъни ер тагидан маъданларни қўп йиллар давомида қазиб олиниши натижасида ҳосил бўлади. Бундай ғорларни Кўҳитангтоғ ғарбий ёнбағрида, Сурхонтоғнинг айрим жойларида учратиш мумкин.

Табиий ғорлар эса асосан эрувчан тоғ жинслари — оҳактош, доломит, гипс, ангидрид ва туз тарқалган ерларда сув таъсирида пайдо бўлади ва бу жинслар геологияда карстланувчи жинслар деб аталади.

Эрувчан тоғ жинслари мавжуд жойларда ғорлар пайдо бўлиши учун бир қанча шарт-шароитлар мавжуд

бўлиши шарт. Яъни эрувчан тоғ жинслари орасига сувакира олиши учун майда ёриқлар бўлиши, жинсларнинг эриши учун сув ҳарорати юқори ва ис газига тўйинган бўлиши, сувлар шу ёриқларга сингиши ва сувнинг сингиб кетиши учун жинслар қатламининг қалинлиги катта бўлиши керак. Юқоридаги шароитлар мавжуд бўлгандагина улкан табиий ғорлар бунёд бўлади ва бу жараён илмий адабиётда «карст» деб аталади¹. Карст жараёни натижасида фақат ғорларгина пайдо бўлиб қолмасдан бошқа рельеф шакллари ҳам ҳосил бўлади.

Жанубий Ўзбекистон майдонидаги Самарқанддан жанубдаги жануби-ғарбий Ҳисор территориясида карст ғорлари пайдо бўлиши учун кенг имконият мавжуд бўлиб, бу ерда 5700 кв км майдонни карстланувчи тоғ жинслари — оҳактош, доломит, гипс, туз қатламлари эгаллаб ётади. Территорияда йил давомида 790 мм га қадар ёғингарчилик бўлган жойлар ҳам бор. Ёғингарчиликнинг асосий қисми илиқ фаслларда — баҳор ва кузда ёғади. Сувнинг карстланувчи жинслар бағрига етиб бориши учун ҳам шарт-шароит бўлиб, П. У. Ахмедов маълумотига кўра, баъзи жойларда ер юзининг 1 погон метрида 40 га яқин майда ёриқлар мавжуд экан. Карстланувчи тоғ жинсларининг қалинлиги эса айрим жойларда бир неча юз метрни ташкил этади.

Биз рисолада асосан табиий йўл билан карстланувчи тоғ жинсларидан ҳосил бўлган карст ғорлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Сув ер бағрига сингиб борар экан, эрувчан тоғ жинсларининг бир қисмини эритиб, ғорлар ичига олиб тушади ва хилма-хил ҳажмдаги ҳайвон, гул шаклларига ўхшаб кетувчи ўсимталар ҳосил қилади.

¹ Сўз Югославиядаги Карст ясси тоғи номидан олинган бўлиб, карст ҳодисаси бу жойда кенг ривожланган ва дастлаб ўрганилган.

Бир томчи сув изидан

Ҳаммамиз ҳам ёшлигимиздан ўқитувчимизнинг бир томчи сув саёҳати, унинг сувга айланиб ҳавога учиши, булутга қўшилиши, ёмғир шаклида ерга тушиши, ер тагига сингиши ва ундан булоқ шаклида яна ер юзига чиқиб, дарё ва денгизларга қўшилиши ҳақида табиатдаги сув айланиш ҳикоясини ҳаяжонланиб тинглаганмиз.

Биз ғорларнинг пайдо бўлиши сабабларини янада батафсилроқ тушуниш учун бир томчи сувнинг ер остидаги саёҳатини кўздан кечирамиз. Бунинг учун табиатдаги буюк сув айланишининг фақат бир бўлагини, бир томчи сувнинг ер остига сингиши ва унинг булоқ шаклида ер юзига чиққанига қадар даврни оламиз. Бир томчи сув билан сеҳрли ер ости оламига тушиб, унинг қаъридаги одатдан ташқари ҳодисаларини кўриб ҳайратланамиз ва сайёҳ сувнинг ер остидаги узоқ йўли давомида яратган мўъжизакор ишларни томоша қиламиз. Ёмғир ёғмоқда. Ер юзига тушган сувлар бир-бирига қўшилиб, кичик ирмоқлар шаклида ҳар тарафга чопмоқда. Ирмоқларнинг бир қисми ёнбағирлар бўйлаб оқиб ариқлар ҳосил қилади ва шу ернинг гидрологик жараёнига қўшилиб, кўлга ёки дарёга қўйилади. Ёмғир сувининг тахминан учдан бири яна буғланиб кетиб булутларга қўйилади. Ва ниҳоят ёмғир сувининг яна бир қисми ер қаърига сингади.

Ер юзининг оҳақтошли жинслардан ташкил топган ерларида эса ёмғир сувлари анча катта ҳажмда, баъзан эса бутунлай ер қаърига сингади. Шу сингари карст ўлкаларига хос бўлган сувнинг бутунлай сингиб кетиш ҳодисаси, асосан тоғли жойларда кўп учрайди ва кишилар ақлини лол қилиб келади.

Кейинги вақтларда ўтказилган кўп сонли текширишлар натижасига суянган ҳолда, биз сувлар қандай ҳолда ер ички қатламларига кириб боришини, унинг саёҳа-

ти қандай бўлишини, қай ҳолда ўзга жинсларни эритган ҳолда ер ости йўлкалари бўйлаб олға интилишини тасаввур қиламиз. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ғорлар асосий қисмининг пайдо бўлишига ер ости сувлари сабабчи бўлганлиги учун, биз ер ости қасрларида улар ишининг улкан маҳсулини кўрамиз. Лекин биз ҳозир диққатимизни тоғлардан ошиб-тошиб келиб, ўзининг кучли оқимларини ер остидаги зим-зиё йўлақларга олиб кириб кетувчи дарёларга қаратмаймиз. Бу ҳақда кейинги бобларимизда бирмунча батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Биз ҳозирча томчи-томчи шаклида ер остига сингиб кетаётган ёмғир доналарини кузатамиз. Олдин у тупроқ устки қатламга сингиб, ўсимликларга оби-ҳаёт беради. Кейин майда-майда ёриқлар орқали тупроқ устки қаватларини кесиб ўтади ва қаттиқ қатламларига етиб боради. Мана шу ердангина унинг ажойиб ва ғаройиб саёҳати бошланади.

Ёмғир томчилари тупроқ устки қатлампидан ўтаётганда ис (углекислий гази билан тўйинади. Тўйинган сув томчилари оҳақтошли карстланувчи жинслар орасида циркуляция ҳосил қилиб айланар экан, бу жинсларнинг жуда кичик бир қисмини эритади ва ўзи билан олиб кетади. Бу ёмғир томчилари майда ёриқлар билан кунлар, ойлар ва ҳатто йиллар давомида пастга силжийди ва ер ости ғорлари шипигача етиб боради ва ундан сизиб ўтади. Ғордаги ҳаво билан тўқнашган сув томчиларининг бир қисми буғланади ва бирмунча қуёқлашади. Кейин томчилар оғирлашган ҳолда шипдан узилиб тушади ва ғорнинг шипида майда эриган оҳақтошлар зарраларини қолдиради. Давр ўтиши билан улар кристаллашади. Ғорнинг тагига томган томчилар майда-майда зарраларга бўлиниб, сочилиб кетади ва улар ҳам вақт ўтиши билан кристаллашувчи оҳақтошнинг майда зарраларини қолдиради.

Томчиларнинг ёриқлар орқали бир йўналишда минг йиллар давомида томиши натижасида ғор шипларида

ҳамда тагида сумалаклар шакллари пайдо бўлади. Улар сталактит ва сталагмит деб аталади. Сталактитлар ғор шипида ўсади ва ўз шакли билан эрта баҳорда тарновларда ҳосил бўлувчи муз сумалакларига ўхшайди. Сталагмитлар ғор тагида сув томчилари томган жойда ўсади ва сталактитларга нисбатан бирмунча кенгроқ, йўғонроқ бўлади. Агар ғорнинг тўйинган сув томчилари томаётган жойи қаттиқ тошдан иборат бўлса, томган жойини бирмунча намлайди ва ўз қиррачаларини қолдириб, сочилиб кетади. Бу ерда аста-секин оҳактошли яхлит қоплама ҳосил бўлади ва у ўз навбатида кенг ҳамда яхлит сталагмит учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агар ғорнинг таги аксинча, тупроқли бўлса, сув томчилари томаётганда тупроқ устида чуқурча ҳосил қилади. Лекин маълум бир чуқурликка етган сув томчилари ўзининг ўйиш қобилятини йўқотади ва ҳосил бўлган чуқурчада йиғилиб, тушаётган сувнинг зарбини юмшатиш вазифасини ўйнайди. Аста-секин чуқурча ичи йиғилиб бораётган оҳактош қатлами билан тўлиб қолади ва сталактитга қарама-қарши сталагмит ўса бошлайди. Энди сув томчилари ғор шипидан ёки сталактит учидан эмас, балки устун ёнларидан тинимсиз оқиб туради ва устунни оҳактошнинг янги-янги қатламлари билан қоплаб, унинг йўғонлашишига олиб келади.

Илгари вақтларда сталактит ва сталагмитлар ёшини унинг кенглиги ва йўғонлигига қараб билиш мумкин деб ҳисоблашар эди. Лекин бундай оҳактошли қатламларнинг ўсиши бир хилда бўлмай, жуда кўп омиллар таъсиридир. Шунинг учун сталактит ва сталагмитларнинг маълум бир вақт оралиғида ўсишини унинг ҳаржми билан боғлашга уриниш муваффақиятсизликка учраши табиийдир. Ҳар хил ғорларда ва ҳаттоки бир ғорнинг турли хоналаридаги сталактитларнинг пайдо бўлиш ва ўсиш шароити хилма-хил бўлиши мумкин. Турли фактлар, масалан, ер устидаги ёмғирнинг кучи ва давом

этиш вақти ҳам сумалакларнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Ёмғир кўп ёғадиган жойларда оҳактош қатламларининг эриши қуруқ ва ёмғирсиз жойларга нисбатан тез боради. Шунингдек, сув сирқиб ўтаётган тоғ жинсларининг қалинлиги ҳам катта роль ўйнайди. Бу жинслар қанча юпқа бўлса, ундан ўтаётган сув томчилари шунча оҳактош эритмасига кам тўйинади ва сталактитлар ривожига учун кам материал олиб келади. Иқлимнинг ўзгариши ва ёмғир ёғиш тартибининг бузилиши, ҳаттоки, ер юзидаги ўсимлик қопламанинг ўзгариши ҳам сталактитлар ривожига таъсир кўрсатади.

Ҳар ҳолда қандай шароитда бўлмасин қулай ёки ноқулай бўлишидан қатъи назар, сталактит ва сталагмитлар ўсиши йиллар ва асрлар ишидир. У ёки бу сталактит ва сталагмит ёшини аниқлашга уриниш бекорчи ишдир. Лекин айрим ҳолларда оҳактошли ётқизиклар тагидан топилмалар топилиши уларнинг қадимийлигидан далолат беради. Масалан, агар археологлар ғор ичида сталагмитлар тагидан ибтидоий одамнинг чизган суратлари ёки турган жойининг ўрнини топишса, бу унинг қадимийлигидан далолат беради.

Сталактитлар, сталагмитлар ва бошқа оҳактош қопламалар кўпинча хилма-хил шаклда бўлади ва баъзи бир ғорларга жуда мўъжизакор ғаройиб тус беради. Одамларни қадимий даврлардан буён кенг ер ости ҳашамдор заллар, хилма-хил нақшинкор шокилалар қизиқтириб келган. Ғор залларидаги сталактит ва сталагмитлар кўпинча минора ёки саркофагга, хитой пагалари ёки шамчироққа ўхшаб кетади. Ғорда бўлган ҳар бир одам уларни ўзича тасаввур қилиши мумкин. Шунинг учун ғорда саёҳат қилмоқчи бўлган сайёҳларга шаклларнинг кўринишига қараб ном қўйишни уларнинг ихтиёрига қўйиб, ер остидаги сув ва ҳаво таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисалар ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Ер ости ғорларида сталактит ва сталагмит турлари: колонналар, дарпардалар, тошга айланган шаршаралар

шаклидан ташқари оҳактошларнинг яна хилма-хил ўсимталари борки, уларнинг келиб чиқиши кўпинча жумбоқлидир.

Ана шундай жумбоқли ҳодисалардан бири — сузувчи кальций бўлиб, уни биз кўпинча ер ости кўллари устида кузатамиз ва у ҳаракатсиз сув юзини оқимтир чанг шаклида қоплаб ётади. Яқинроқ текширилганда эса, бу чанг бўлмай, балки сувнинг оҳактош билан тўйинилиши натижасида ҳосил бўлган парда эканлиги аниқланади. Агар сувнинг тез буғланиши натижасида эриган оҳактош кўпайса, бу қатлам тўлишади ва охирида ўз оғирлиги билан майда бўлақларга бўлиниб, сув тагига чўкади. Бу ерда эса оҳактош эритмаси кристаллашиб, маржон бўлақлари ёки киши ақлини лол қолдирувчи оқимтир, нозик-сарғиш тусдаги гулдасталар шаклига киради.

«Ой сути» деб аталмиш шаклсиз, ёпишқоқ шаклдаги кальций ўзининг келиб чиқиши билан бошқа оҳактошли ўсимталардан фарқ қилади. У асосан ҳавоси сув буғлари билан тўйинган ғорларда учрайди. Унинг бу шаклга киришига асосий сабаб, сув буғлари билан тўйинган ҳавонинг оҳактош эритмасидаги сувнинг буғланиб кетишига ва унинг кристалланишига йўл қўймаслигидир.

Ер ости суви таъсирида пайдо бўлувчи яна бир оҳактошли шакллардан бири пизолит (ғор марвариди) дир. У илгариги вақтларда қимматли ҳисобланарди, ҳозир эса қизиқарли, аммо кам учрайдиган табиат мўъжизаларидан бири ҳисобланади.

Агар ғор тубида кичик ва чуқур бўлмаган сув ҳавзаси бўлиб, унчалик баланд бўлмаган ғор шипида оҳактошли эритмага бой бўлган сув томчилари томиб, турса, ҳавзадаги сув тагидаги майда-майда қум доналари ва тошчаларини айлантириб туради ва унинг устки қаватини оҳактошнинг юпқа қатлами билан ўраб боради. Вақт ўтиши билан қатлам янада қалинлашиб, қаттиқлашиб боради ва қум дончалари аста-секинлик

билан думалоқ, текис ва жуда қаттиқ шарча шаклига киради. Бундай шарчалар ўса бориб, каптар тухумичалик катталikka етиши мумкин. Кейинчалик оғирлик ортиши натижасида у сув тагига чўкиши ва ҳавза қирғоқларига ёпишиб қолиши мумкин.

Агар шундай ғор марваридини тенг иккига бўлинса, марказида унинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлган қум донасини кўриш мумкин. Яна бундай бўлинган вақтда унинг марказидан кетган йиллик ҳалқалар шаклидаги, тенг бўлақларга бўлинган ҳалқачаларни кўриш мумкин. Кўпинчалик ғор марваридлари сутранг, хира рангда бўлади. Лекин улар ичида оппоқ, ялтироқ, чиннисимонлари ҳам учраб туради.

Баъзи бир ғорларда худди ер тортиш кучига бўйсунмагандек, мўъжизали тарзда ҳар тарафга чўзилган сталактитлар учрайди ва улар эксцентрик деб аталади.

Тузилиши ва кимёвий таркибига кўра, бу сталактитлар оддийларидан фарқ қилмайди.

Лекин бундай ўсишга сабаб бўлган кучлар бизга номаълум. Улар жуда ингичка ипсимон шаклда шипдан полга томон осилиб келади ва бирдан номаълум сабаб билан эгилади ёки бурама шаклга киради. Ё бўлмаса ёнидан тармоқлар чиқариб ёнидаги сталактитлар билан бирлашиб тўсатдан яна шипга қараб ўса бошлайди.

Эксцентрик сталактитларнинг келиб чиқиши ва ўсишига ҳам оддий сталактитлар пайдо бўлиши учун керак бўлган, тўйинган оҳактошли сув томчилари сабаб бўлади. Лекин улар бундай хилма-хил шакл ва вазиятда ўсиши сабабини биз билмаймиз. Эҳтимол, уларнинг бундай бир ёқлама ривожланишига баъзи бир ғорларда бўладиган шамол таъсир этар. Табиатда бир тарафга эсувчи кучли шамол таъсирида дарахтларнинг қийшаёйиши кўп кузатилган ҳодисадир.

Гоҳида оҳактош эритмаси билан тўйинган сув томчилари ўз таркибидаги оҳактошни сталактит ва сталагмитларга беролмайди. Ғор ичида бўладиган кучли сув

оқимлари уларни ўзи билан оқизиб кетади ва ер юзига олиб чиқади. Бу ерда эса улардаги сув тезроқ буғланади ва ер ости сувлари чиққан жойда ғовакли оҳактош модда ҳосил бўлади.

Кейинчалик булоқлар ва қудуқлардан чиқаётган «қаттиқ сув» ер ости саёҳатидан кейин оҳактошли эритмага тўйинган саёҳатчи томчилардир.

Шундай оҳактош эритмали сувлар кўпинча водопровод қувурларида, чойнак ва кастрюллар, буғ қозонлари ва автомашина радиаторларида оҳактошли қатлам ҳосил қилиб, уларни ишдан чиқаради. «Қаттиқ сув»да совун кўпирмайди, ювилган соч қаттиқ ва мўрт бўлиб қолади, бундай сувда қайнатилган озиқ-овқат маҳсулотлари яхши пишмайди.

Биз ғовакли оҳактош ва «қаттиқ сув» ҳақида гапириб, саёҳатчи сув томчиси билан ер юзига чиқиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Демак, бизнинг ер қаъридаги саёҳатимиз тамом бўлибди. Лекин бу саёҳат фақатгина оҳактош қатламларидан ўтиб ва уни эритиб, сталактит ҳамда сталагмит ҳосил қилувчи сув томчилари учунгина тамом бўлади. Ҳолбуки, бошқа сув томчилари учун ер қаърида ишлар кўп.

Ер ости сувлари оҳактошдан ташқари яна кўп моддаларни эритиб, ўзи билан олиб кетади. Масалан, тупроқ нитрати (органик моддаларнинг чириш маҳсулоти) бор жойларда у сув билан ер остига сингиб, ғор тагида кристалланади ва селитра қатламлари ҳосил қилади.

Ер ости сувлари хилма-хил кристаллар, шу жумладан, арагонит ва ҳақиқ ҳам ҳосил қилади.

Инсоният асрлар давомида яратган ер ости олами ҳақидаги афсоналар ғорларга тушиб, хилма-хил афсонавий шакл ва гулларни ўз кўзи билан кўрган одамга оддий ва содда эртақдек бўлиб қолади. Ҳеч бир инсонинг, ҳаёлотини сеҳргар табиат абадий қоронғилик қаърида яратган ер ости мўъжизалари билан баҳслаша олмайди.

Ер юзидаги тинимсиз сув айланиши ер шарининг биологик тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Сув томчисининг ер остидаги саёҳати ва тинимсиз меҳнати эса бу буюк давр, табиат китобининг бир varaғидир, холос.

ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН ЗИЕРАТ ҚИЛГАН ҒОР

Экспедиция асбоб-ускуналари билан лиқ тўлган кадрдон Газ—51 машинаси оғирлик билан Қўҳитангтоғ томон интилмоқда. Атрофимизда июль қуёши аёвсиз қиздирган тоғ олди текислик зонаси, якка-якка учровчи шўра ўсимликлари. Ҳар замонда бу ерларда кўп учрайдиган гипс моддасининг эриб кетиши натижасида ўпирилиб ҳосил бўлган улкан карст воронкалари. Олдинда кўп вақтлардан буён сайёҳлар ва олимларни ўзининг беқиёс гўзаллиги ва улканлиги билан ўзига ром этиб келаётган машҳур Қарлуқ (Ҳошимўйиқ) ғори. Бу ғор ўттизинчи йиллар бошларидаёқ геолог П. П. Чуенко томонидан ўрганилган бўлишига қарамасдан, яқин вақтларгача унинг ҳажми, узунлиги, ҳатто номланиши ҳақидаги маълумотлар турлича эди. Фақат кейинги йилларда олиб борилган текширишлар натижасида ғорнинг ҳақиқий номи аниқланди. Ҳақиқатда ҳам Қўҳитангтоғнинг ғарбий ёнбағрида Қарлуқ қишлоғидан 12 км шарқдаги ғорнинг номи узоқ вақтларгача Қарлуқ деб аталарди. Кейинги текширишлар натижасида яна бир неча йирик ғорлар борлиги, уларнинг йирикларини Қопқўтон, Тошюррак деб номланишини, адабиётда Қарлуқ ғори деб юритилган ғорни маҳаллий аҳоли Ҳошимўйиқ дейиши аниқланди ва ортиқча чалкашликлар бўлмаслиги учун уни шу ном билан атай бошланди.

Ҳошимўйиқ ғори тарихидан яна бир нарсa эътиборга молик. Бу ғор йилномаларда тилга олинган энг қадимий ғордир. У биринчи марта эрамиздан аввалги 329 йилда Искандар Зулқарнайн Урта Осиёга бостириб қирган вақтда унинг лашкари сафида бўлган юнон

олимлари томонидан тилга олинган. Бу ҳақда юнон олими Диодор ўзининг «Кутубхона» номли асарида ёзди: «Александр (Искандар) — Гиркания тарафга йўл олди ва уч кунлик йўлдан кейин Гекатампил деб номланган шаҳар ёнидан лагерь қурди. Бу шаҳар бойлиги ва ҳар хил озиқ-овқатга мўллиги сабабли, у лашкарига бир неча кун дам берди. Шу ердан у 150 стадий олдинга юрди ва катта қоя олдида тўхтади, у қоя этагида ҳаттоки худолар учун ҳам катта ва гўзал бўлган ғор бўлиб, ундан Стибоит дарёси оқиб чиқарди». Искандар Зулқарнайн лашкарлари босиб ўтган йўлни ўрганиш натижасида юқорида айтилган гаплар Ҳошимўйиқ ғори тўғрисида кетаётганлигини аниқлаш мумкин. Искандар лашкарлари эрамиздан аввалги 329 йилда Ҳиндиқуш тоғидан оғир машаққатлар билан ошиб ўтгандан кейин Бақтрияга (ҳозирги Сурхондарё, Тожикистон, шимолий Афғонистоннинг бир қисмига) бостириб кирадилар. Унинг Бақтрияга бостириб киришини тўхтатиш мақсадида маҳаллий аҳоли Ҳиндиқуш тоғининг шимолий қисмини бутунлай ҳароб этиб ташлашади. Лекин шунга қарамасдан юнон лашкарлари маҳаллий қўшинни мағлубиятга учратиб, Дрансак (ҳозирги Қундуз) ва Бақтрия пойтахти Бақтри (ҳозирги Балх) шаҳарларини эгаллашади. Бақтридан Искандар Зулқарнайн ўз қўшинларини Амударёга йўналтиради ва ҳозирги Афғонистон, Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР Давлат чегаралари туташган жойда Кўхитангтоғнинг ғарбий ёнбағрига томон дарёни кечиб ўтади. Кўхитангтоғнинг ғарбий тарафи билан шимолга юради ва бу ерда қоя ёнбағрида Ҳошимўйиқ ғорини кўради.

Ғор гипсда ривожланган бўлиб, геологлар Е. М. Сметхов ва М. Г. Ромашоваларнинг маълумотига кўра, диаметри 8 метр ва чуқурлиги 7 метрли ўпирилиш билан бошланади ва улкан залга туташади. Залнинг узунлиги 70 м, эни 50 м, баландлиги 12 м. Эҳтимол, Диодор «ҳаттоки худолар учун ҳам катта ва гўзал ғор» деганда

шу зални эътиборга олган бўлса керак. Залдан тўғри йўлак кетиб, баъзи жойларда кенгайиб, улкан залларга айланади ва унда сталактит ҳамда сталагмитларнинг гўзал шодалари осилиб туради. Олинган маълумотларга қараганда ғорнинг узунлиги 3 ҳаттоки 10 км га қадар деб ҳисобланарди. Лекин кейинчалик ғорни текширган Е. М. Смехов ва М. Г. Ромашовалар уни 1050 м деб ҳисоблашади. Уларнинг таъкидлашича, ғор улкан зал билан тамом бўлиб, унинг шипи ўпирилиб тушган ва давомини босиб қолган. Эҳтимол, бу ўпирилиш яқинда бўлиб, илгариги кузатувчилар ўтган йўллари босиб қолгандир.

Ҳозирги вақтда Ҳошимўйиқ ғори сувсиз бўлиб, Диодорнинг «у ердан Стибоит дарёси оқиб чиқади» деган фикрига тўғри келмайди. Лекин Е. М. Смехов ва М. Г. Ромашовалар фикрича, тўғри ва кенг заллар мавжудлиги бир вақтлар ғор ичида сув оққанлигидан далолат беради. Ер ости дарёсининг асосий ҳавзаси шимоли-шарқий йўналишдан оққан, ёрдамчи 6 та ирмоқлари эса жануби-ғарбий, шимоли-шарқий ва меридионал йўналишдан оқиб келган. Ғорнинг оғзи эса эҳтимол дарёга оқиб чиқаётган жой бўлган. Кейинги бўлган тектоник ўзгаришлар натижасида ер ости дарёси пастки горизонтларга кетган, ҳолбуки карст ҳодисаси ривожланган районлар учун бу нарсa қонунийдир. Диодорнинг Ҳошимўйиқ ғорини ёзганига 23 аср ўтди. Бу даврда Кўхитангтоғ тектоник кучлар таъсирида анча юқори кўтарилди ва ер ости дарёси Стибоит ўзининг эски ўзани Ҳошимўйиқ ғорини ташлаб пастки горизонтларга сингиб кетган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, барча фактлар Диодор ёзиб кетган ғор Ҳошимўйиқ ғорилигини кўрсатмоқда.

Ҳошимўйиқ ғорининг яна бир ажойиб хусусияти унинг кенг залларида хилма-хил шаклдор, улкан ва гўзал сталактит ва сталагмитлар мавжудлигидир. Бу ҳақда ғоршунос В. Танасийчук ўзининг «Гипсли ғорда»

деган мақоласида тўлиқ ёзиб кетади. Қуйида ушбу мақолани этиборингизга ҳавола қиламиз.

ГИПСЛИ ҒОРДА

Мени кимдир чақиргандек бўлди. Чўчиб уйғониб кетдим. Теварак атроф зим-зиё қоронғи. Учай-ўчай деб турган ацетилен фонарининг хира шуъласи аранг кўзга ташланади. Ғорга кирадиган томонда кучсиз кўкимтир ёруғлик кўринди. Тонг отганга ўхшайди, эҳтимол кун яримлаб, қуёш тиккага келгандир. Ичига қум кириб қолган соатим сафар халтамнинг бир бурчагида ётибди. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ деганларидек, гарчи у менга ҳозирча керак бўлмаса-да, кун ҳисобидан адашиб қолмаслик учун ёнимда олиб юраман. Ўчиб қолган фонарни ёқдим. У ғорнинг баланд, тик деворларини, тартибсиз ҳолда уюлиб ётган қоя тошларини аранг ёритди. Мен катта ўпирилманинг бир четига жойлашиб олдим. Бу жой ғорнинг бирдан-бир текислиги бўлса керак. Ўпирилма юз метр чамаси пастликка чўзилган бўлиб, ғордаги айланма йўл—йўлак ва заллар шу ердан бошланади.

Энди ишга ҳозирлик кўриш керак. Сафар халтамга иккита фотоаппарат, оддий ва рангли плёнка, компас, гугурт, батарея, бир қути карбит, қанд, пробирка, сув, нон ва бошқа керакли нарсаларни жойлаштириб, оғзини маҳкам боғладим-да, йўлга тушдим.

Бир вақт қарасам ялангликка ўхшаш бир жойга келиб қолибман. Нарироқда қандайдир йўлак қорайиб кўринди. Ун беш метрлар чамаси юрганимдан кейин, ўзимни сеҳрли ўрмонда кетаётгандек ҳис қилдим. «Ўрмон» катталигидан охири кўринмасди. Бошим узра кунгурадор сумалаклар осилиб турибди. Оёғим остида қиров ялтирайди. Атроф теваракда қор билан қопланган аллақандайдир нарсалар қалашиб ётибди.

Қиш фаслини эслатадиган бу оқ нарсалар қор ёки

муз бўлмай, гипс кристаллари эканини жуда яхши биламан. Ҳорда ҳарорат қишда ҳам, ёзда ҳам бир хил, яъни 20 даража бўлади.

Мен Туркменистоннинг жануби-шарқидаги Қўҳитангтоғида жойлашган Қарлуқ (Ҳошимўйиқ) ғори тўғрисида кўп ўқиганман ва эшитганман. Бу ғор тез эриб кетадиган оҳактош қатламлари заминида пайдо бўлган ғорларга қараганда бошқачароқ. Бу ғорда сувга чидамли бўлган, қоялар устида юпқа гипсли қатлам вужудга келтирган дарахт, гул ва қандил шакллари киши ақлини лол қолдирадиган даражада ажойиб.

Қизиғи шундаки, ғор ичидаги ҳозирги мавжуд гипслар бир замонлар юқорида, ернинг устки қисмида бўлган. Ер қобиғида юз бериб турадиган тектоник ўзгаришлар натижасида ерда ёриқлар пайдо бўлиб, гипслар бу ёриқлардан сизиб, ер қаърига ўтган. Эриган гипсларнинг бир қисми ёриқларнинг деворларида кристалланиб қолган. Ҳор шу тариқа вужудга келган.

Кенг туннель ичидан ҳамон илгарилаб бормоқдаман. Оёғим остида ҳар хил шаклларни эслатувчи оппоқ қум фарчиллайди. Ҳар икки томонда тахмон, токча йўлақлар учрайди. Бош йўлак бўйида чириб, титилиб кетган ип ва арқон, нарироқда эса бир бойлам симга кўзим тушиб қолди. Бу нарсалар ғорнинг бу ерига мендан ҳам олдин одамлар келганидан далолат беради. Бора-бора ёлғиз оёқ йўллар кўздан ғойиб бўлиб, чорраҳага чиқиб қолдим. Энди қайси томонга юрсам экан деб ўйланиб қолдим. Сафар халтамдан компасни олиб, унинг ғилофига атайлаб тахлаб қўйилган ғор режасини кўздан кечирдим. (Москвалик бир гуруҳ мутахассислар мендан анча илгари ғорни кўздан кечириб, унинг режасини тузишган эди. Мен шу режадан нусха кўчириб олган эдим). Ҳайҳот! Картада кўрсатилган йўллар шу қадар чалкашиб кетган эдики, йўлларнинг қаердан кириб, қаеридан чиқишингни ҳам билмайсан. Картада юзлаб рақамлар қўйилган. Мен 256 рақамли жойда турибман. Беҳосдан

қўлимдаги фонарь чайқалиб кетди: рўпарамда баҳайбат кенгуру турарди. Йўқ кўрганим кенгуру эмас, шунга ўхшаш қоятош экан. Ғор ичида ҳайвонларни эслатувчи тошлар жуда кўп эди. Улардан анчасини суратга олдим. Туннель охири кўринмасди. Йўлкаларнинг у ер, бу ерида вужудга келган ҳар турли шакллар қадим бинолар гумбазига, панжарадор дарвоза ва сарв дарахтларига ўхшаб кетади. Бир вақтлар бу йўлакларда ҳеч қанақа шакл бўлмаган. Йўлакларнинг бирида биллур арчани эслатадиган сталагмитда эскириб кетган бир парча қоғоз осилиб турибди. Қоғозга «Бугун 1931 йилнинг 21 сентябри, биз бу ерга олти киши бўлиб келганмиз», — деб ёзилган экан. Бошқа бир жойдаги тошлар орасидан эса бутун бошли дафтарча топиб олдим. Унга ўнлаб кишиларнинг номлари битилганди. Дафтарча олдида битта қалам ҳам қўйилган экан. Мен дафтарчадаги рўйхат остига ўз номимни қўшиб қўйдим.

Бир оз дам олганимдан кейин ғорнинг энг узоқ жойига — табиат яратган тош гулларни қидириб топиш ва суратга олиш учун йўлга тушдим. Шифти пасайиб бо-
раётган на оқ куббалардан, на гипс қандиллардан асар бўлган бу ғор йўлига қадам қўйганлар оз бўлмаса керак. Бу ернинг ҳавоси ниҳоятда оғир эди. Нафас олиш қийинлашди. Кийимларим баданимга ёпишади, тез-тез тўхтаб дам оламан. Қўлимдаги чироқ тиниқ нур сочиб ёнмоқда, демак ҳаво таркибида карбонат ангидрид гази йўқ экан. Йўлни давом эттириш мумкин. Ғор деворларида худди илонга ўхшаш буралиб тушган, ўзи ажойиб гулларга ўхшаш кристаллар тез-тез учрай бошлади. Қидираётганим худди шу нарсалар эканлигини билиб турсам-да, лекин нима учундир, улар унчалик чиройли эмас. Шунда девор остида қоронғи ва узун ёриқни (дарз) кўриб, унга бир амаллаб кириб олдим. Чироқнинг хира ёруғида аллақандай нарсалар ялтираб кўзга ташланди. Яхшилаб қарасам, булар турли хилдаги шакллар ҳосил қилган гипс толалари экан. Тошдан бунёд бўлган

мингоёқлар менга қараб чангалларини солаётгандай, маржон шодалари эса қотиб қолганга ўхшайди. Қаршимда катта кристалл «ойна» да бошимни кўриб чўчиб кетдим. Фотоаппаратни ишга солмоқчи бўлиб, уни қўлимга олаётганимда шундай бир ажиб воқеа юз бердики, қўрққанымдан ўзимни йўқотаёздим. Девордаги қинғир-қийшиқ дарзларнинг биридан ярим метрлар чамаси узунликдаги илон менга даф қилай деб турибди. Танаси кумушга ўхшаб ялтирайди, думининг учи барг чиқараётган куртакни эслатади. Кўрган нарсам илон эмас, балки илонга ўхшаш шаклга эга бўлган гипслигини се-заётган бўлсам ҳам, тўсатдан кўзга ташлангани учун қўрқиб кетдим. Жой торлигидан «илонни» анча қийинчилик билан суратга олдим.

Сафарим қариди. Мўлжалимдаги ишларнинг ҳаммасини қилиб бўлдим. Ғордаги ажойиботларга сўнгги бор нигоҳ ташлаб, сафар халтамни елкамга олдим. Мана, ниҳоят, ғор оғзига ҳам етиб келдим. Осмонда чарақлаган юлдузларни кўриб, чуқур нафас олдим.

ДАРЁЛИ ҒОР

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғлари бўйлаб саёҳат қилсангиз кўм-кўк дарахтлар орасидан шарқираб оқувчи булоқлари билан машҳур Лангар, ҳозирги вақтда ҳам тош тузи ковлаб олинаётган Кон қишлоқларидан ўтиб, Кўкбулоқ қишлоғига борасиз. Бу ернинг манзараси жуда чиройли бўлиб, йўлнинг икки томонидан хилма-хил ранглардан иборат тоғликлар ястаниб ётади. Тоғлар юзасида қорсимон гипсли жойлар мавжуд. Кўкимтир гилли қатламлар билан сарғиш оҳактошлар тўқ сариқ қумлар билан алмашиб туради. Тўқ қизил гиллар орасига яшил рангли гиллар аралашиб кетган. Бу ерда асосан 2 та кичик ҳажмдаги ғор бор бўлиб, биринчиси Сувчиқар деб аталади ва атиги 40 метр узунликда. Унинг ичидан кичик дарёча оқиб чиқиб, бир неча метрдан

кейин яна ер қаърига сингиб кетади. Иккинчиси Янги-
фор деб аталиб, воронкасимон чуқурлик тагида жой-
лашган. У 120 метр масофага чўзилиб, кичикроқ дарё-
ча шалдираб оқиб ётади. Бу иккала фор ҳам бир давр-
нинг гипсларида ривожланган.

Кўкбулоқ қишлоғидан бир ярим километр шимол-
роқда Сувчиқарсой бошланиш жойида катта воронкаси-
мон ўпирилмага дуч келасиз. Бу ўпирилма тагидан жа-
нуби-шарқий ва шимол томонга катта фор йўлаклари
кириб кетган. Унга кириш қисмининг баландлиги уч
метр, кенлиги етти метр бўлиб, илонизи шаклига эга.
Полда хилма-хил шаклдаги яхши юмалоқланган тош
парчалари бир вақтлар бу ердан сув оққанлигидан да-
лолат беради. Ичкарига кирган сари йирик тош дон-
чалари камайиб, унинг ўрнига қум, лой кўп учрай бош-
лади. Ичкарида қаердандир сувнинг бўғиқ шовуллаши
эшитилади. Бир неча метр юрсангиз атрофни бутунлай
зулмат қоплайди ва қоронғиликдаги бу шовуллаш қан-
дайдир сеҳрли эшитилади. Фор ичига 80 метрча юргач,
унинг учи кенгайиб, залга кирасиз ва номаълум ер ости
дарёси қирғоғига чиқасиз. Бу ерда фор шипининг ба-
ландлиги 8 метрга етади, икки метрча чуқурликда тик
қирғоқ тагида ер ости дарёси қоронғулик қўйнида шар-
қираб оқиб ётади. Дарё форнинг чап тарафидаги кичик-
роқ тешикдан чиқиб, ўнг тарафига кириб ғойиб бўлади.
Олдинда эса тик қирғоқ орқасида форнинг давоми кў-
риниб туради.

Дарё қирғоғидан 36 метрлар чамаси чўзилиб кетган
йўлак бўлиб, у кичик бир залча билан тугайди.

Агар яхшилаб эътибор қилсангиз полдан бир метр-
ча баландликдаги туйнукка кўзингиз тушади. Ундан
эмаклаб ўтилса, деворлари гипсдан ташкил топган ду-
малоқ шаклдаги залга тушилади. Залдан ўтиб, йўлак
бўйлаб 20 метрча олдинга юрсангиз 2 метрча пастликда
оқаётган дарё устидан чиқасиз. Ер ости дарёси форнинг
узун тор йўлаклари билан оқади. Баъзи бир жойларда

йўлак қенгайиб, баландлиги 10—12 метрча келадиган, кенглиги 15—20 метр атрофидаги залларга айланади. Сукунатни сувнинг секин чакиллаб томиши-ю кўршапалакларнинг чийиллаши бузади, холос.

Каптархона ғорининг умумий узунлиги 980 метр бўлиб, у Ўзбекистондаги энг узун ғорлардан биринчисидир.

АМИР ТЕМУР ҒОРИ

Самарқанд оша Тахтақорача довонидан ошиб ўтиб, Тарағайсой бўйлаб, Қоратепа тоғларининг жанубий тармоғидаги тоғ йўллари бўйлаб борсангиз Тарағайсой қуйи қисмида автомобиль йўли тугайди. Бу ердан тоққа чиқувчи тик сўқмоқ йўл бор, холос. Тик сўқмоқ билан тоғ томон юрсангиз эчки юрувчи сўқмоқ илон изи бўлиб, гоҳи тик қоялар ичида ғойиб бўлади, гоҳида яна пайдо бўлиб, кўм-кўк тоғ ўтзорлари ичида давом этади. Деярли икки соатча сўқмоқ бўйлаб олдинга юрилгач, йўл тик қоялар ичида тугайди. Бу ердан одам ўтиши мумкинлигини фақатгина диққат қилиб қараганда, қоя ёнбағридаги оқ доғ бўлиб кўринган, одам ўтиши натижасида силлиқланган жойгина кўрсатиб туради. У ердан ўтилгандан кейингина тик ёнбағир ёнида ғор оғзи кўринади. Ғорнинг бошланиши тўғри чизиқ шаклида меридионал йўналишда 25 метр давом этиб, унинг кенглиги 1,5—2 м, баландлиги эса 2 метрча. Бу ўзига хос йўлакдан ўтилгандан кейин яна ёруғликка чиқилади ва бирмунча юрилиб, ғорга кирувчи асосий йўлакка дуч келинади. Ғорнинг кириш қисми тор ёриқ шаклда бўлиб, 45° гача қиялик билан 0,5 метр кенгликда ва 1,5 метр баландликда. 10,5 метрча шу ҳолда давом этгандан кейин юқоридан катта харсанг тош осилиб тушган ва йўлакнинг баландлиги 1 метргача пасайган. Йўлакнинг бундай пасайиши бир неча ўн сантиметрга давом этади, бу масофа ўтилгандан кейин йўлак 1,5—2 метргача баландлашади. Йўлак 21 метр горизонтал йўналади, кейин

йўлакнинг қиялиги кескин ошади ва 3 метр масофада деярли 2,5 метрча чуқурлашади. Қиялик тугагач йўлакнинг кенглиги ва баландлиги ошади, шипи 3 метрга, кенглиги 2 метрга етади. Ғор шу шаклда 20 метргача давом этади ва охирида қиялиги 40° гача етади. Бу қиялик тугагач, унинг кенглиги ошади ва зал шаклига киради. Бу зални биринчи текширган сайёҳ Л. А. Канаев «Катта зал» деб атаган ва унинг майдони 20 кв метр, шипининг баландлиги эса 15 метргача етади.

Бу катта залдан ғор ғарбга қараб кескин бурилиб, 18 метргача чўзилади ва баландлиги то 12 метргача етган «Кичик зал»га айланади. Бу кичик зал ҳам аста-секин кенгайиб бориб 6 м кенгликка, 15 метргача баландликка ва 25 метр узунликка чўзилади. Ғорнинг асосий қисми шу жойда тугайди деса бўлади. Қолган қисми секин торайиб, баландлиги 70 см, кенглиги 50 см бўлиб, 10 метрга давом этади ва бундай тармоқлар бир нечта бўлиб, ҳар тарафга йўналади. Бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатадики, ғорнинг ҳамма залларида инсон яшаганини кўрсатувчи биронта белги топилмади. Амир Темур ғорининг умумий узунлиги атиги 450 метр. Ғорнинг фақат мутахассисларнигина қизиқтирувчи бир хусусияти бўлиб, юзаки қараганда у гранитларга жойлашганлиги билан ажралиб туради. Отқинди бу жинслар эса эримайдиган тоғ жинслари группасига кириб, бундай жойларда ғорлар мавжуд бўлмаслиги керак. Лекин диққат қилиб қаралса, ғор йўлакларида карстланувчи оҳактош қолдиқларини учратиш мумкин. Демак, гранит жинсларининг ичида эрувчан оҳактош қатлами жойлашган ва карстланувчи қатлам давр ўтиши билан эриб, Амир Темур ғори пайдо бўлган.

АЖИНАҚАМАР ҒОРИ

Сурхондарё вилоятида Кўҳитангтоғ шарқий ёнбағрида жойлашган бир ғор тўғрисида афсона бор. Афсонага

кўра, гўё ғор ичи ажиналар макони бўлиб, улар ғор ичида ўйин қилишар, шунинг учун ўйиндан олдин ўзларига аро бериш учун ғорнинг ҳар жойига кўзгулар илиб ташлаган экан. Ғор ичи дид билан хилма-хил безаклар билан ясалган эмиш.

Кўҳитангтоғ этагида жойлашган Ҳотак қишлоғи гўзал жойда жойлашган бўлиб, бир тарафида тоғ чўққилари виқор билан савлат тўкиб туради, иккинчи ёнида эса кўм-кўк дарахтлар билан қопланган сой чўзилиб кетган. Тоғ қишлоғи ёнидаги катта тепадан ошиб ўтишингиз билан гўзалликда тенги йўқ дарага тушиб қоласиз. Боғлидара деб аталган бу жой текис бўлиб, унда хилма-хил ёнғоқ, гилос каби мевали дарахтлар ўсиб ётибди, икки ёнидаги тик ёнбағирларда эса тоғ лолалари қийғос очилган. Бирмунча юрилгандан кейин дара иккига бўлинади ва ўртада Етимтоғ деб аталган чўққи турибди. Чапга қараб кетган дара ичи билан юрилганда Етимтоғ шарқий ёнбағирдаги 6 метрча баландликда ғор оғзи қорайиб кўринади. Торгина бу жойдан ўтилганда улкан ғорнинг гумбаз шаклидаги биринчи зали намоён бўлади. Залнинг деворларида шокила-шокила шаклидаги гўзал сталактит ва сталагмитлар осилиб турибди. Зал ўртасида вазни 30 тонна атрофида бўлган супа шаклидаги улкан харсанг бор. Залнинг чап қисмида қуйига кетувчи ғорнинг давоми кўриниб, йўлак зинапоёга ўхшаб кетувчи қатламлардан ташкил топган. Ғорнинг қуйи қисми бир мунча кенгайиб деворларида узум доналарини эслатувчи хилма-хил сталактитлар осилиб турибди. У ерда баландлиги 2—2,5 метр, эни ҳам шунча бўлган гумбазсимон харсанг эътиборингизни тортади. Харсангнинг баъзи бир жойлари фонарь ёруғида кўзгудек ялтирайди. Малла рангли, ялтировчи ва қисман шаффоф бу тош соф ҳақиқ тошдир. Бир вақтлар шоҳ ва амирлар қабри устига қўйилган, Амир Темур мақбараси каби жаҳон меъморчилик обидасининг деворларини безатган ярим қимматбаҳо тош кони Ажинака-

мар ғорида эканлигининг гувоҳи бўласиз. Демак, қадимда маҳаллий аҳоли ҳақиқнинг ғор деворларида ялтирашини кўриб, уни ажиналар кўзгуси, ғор шипидаги табиий сталактитларни безаклар деб ўйлашган ва шу сабабли ғорни ажиналар макони деб, ундан қўрқиб юришган.

БОЙҚОБИЛ ҒОРИ

Сангисурх тоғининг ёнида хушманзара, арчазор билан қопланган сой бор. Сой тагидан ариқ шилдираб оқади. Икки тарафида тик қирғоқлар ғоз туради. Бораборганингизча тез-тез булоқлар учраб туради. Улар гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан қоя тагидан шарқираб отилиб чиқиб, сой сувига қўшилиб кетади. Бу Эгамчўлоқ сойидир. Сой бўйлаб олдинга юрсангиз энг юқори қисмида 3 та ғор учрайди ва улар биринчи топиб ичига кирган одам исми билан Бойқобил деб аталади. Улардан иккитаси 18 ва 21 метр узунликда бўлиб унча узоққа бормайди. Лекин шарқий қисмидаги ғор ўзининг улкан заллари, ноёб тош гуллари, ер ости дарёси билан киши ақлини лол этади. Ғор гипсда ривожланган бўлиб, 1935 метр абсолют баландликка жойлашган. Сой тагидан қояга тирмашиб чиқсангиз анча юқорида 2 метр баландликдаги тирқишга кўзингиз тушади. У ичкари борган сайин тораийиб боради ва баъзи бир жойларидан эмаклаб ўтишга тўғри келади. 7 метрлар чамаси юрганингиздан кейин у бирданига кенгайиб, баландлиги 10 метр, узунлиги 16 метрга етадиган залга айланади. Зал ичидаги сукунатни фақат кўршапалакларнинг чийиллашигина бузиб туради. У ердан бир оз юргач, 2 метр баландликда одам зўрға эмаклаб кирса бўладиган тирқишга кўзингиз тушади. Тирқишдан эмаклаб ўтишингиз билан аксадо қаердадир йўқолиб кетадиган киши ақлини лол қолдирувчи улкан залга чиқасиз. Қўлингиздаги кучли фонарь нури шипда қаерлардадир йўқолиб кетади.

Абадий сукунатни ер остидан келаётгандай шалдираб турган сув товуши бузади. 22 метрча юрилгач муздек сувли ер ости дарёси учрайди. У абадий қоронғилик ичида қаергадир шошилиб оқади. Дарё қирғоғида диаметри 6 метргача етадиган улкан гипс бўлаклари бор. Дарё ўзани бўйлаб ғор ичига юрсангиз ҳар қадамда улкан харсанглар учраб, юришингизга ҳалақит беради. Юқоридан ғор шипидан чакиллаб совуқ сув томчилари томиб турибди. Дарё чап қирғоғидаги ғор полининг ва деворининг бир қисмини майда гулларга ўхшаб кетувчи сталагмитлар қоплаган. Мингларча, майда гулсимон сталагмитлар бир-бирига қўшилиб кетган ва бир неча квадрат метр майдонда наққош табиат йўнган, такрорланмас гўзал безаклар ҳосил бўлган. Бу жонсиз гулзордан ўтганингиздан кейин 90 метрча дарё бўйлаб юрилса, сув отилиб чиқаётган тирқишга дуч келинади. Сув сатҳи билан тирқиш шипи орасида 20 сантиметрча масофа бўлиб, у ердан фонарь ёруғида ғорнинг давом этган узун йўлаги, кўринади, лекин сув сатҳи баланд бўлгани учун ўтиш қийин. Эҳтимол ёзнинг иссиқ пайтида сув сатҳи пасайиб, бу ердан ўтиш имконияти туғилар. Бойқобил ғори ўзининг чексиз йўлакларини ўрганувчи жасур сайёҳларни кутмоқда.

СУРАТЛИ ҒОР

Минг йиллик азамат чинори-ю, тиниқ булоқлари билан машҳур бўлган гўзал Сайраб посёлкасидан ўтиб, катта Ўзбек тракти билан 40 километрдан ошиқ йўл босгач, Гулдахна ва Нондахна деб аталган дараларни кесиб ўтилади. Олдимизда ўзининг тарихий суратлари билан машҳур бўлган Зараўтсой пайдо бўлади.

1939 йилда Қўхитангтоғда кезиб юрган овчи ва табиатшунос И. Ф. Ломаев маҳаллий аҳолидан Зараўтсойдаги ғорларда қизил бўёқда ишланган ғалати расмлар борлигини эшитади ва қизиқиб бориб кўради. Расмлар гўзаллигига маҳлиё бўлган сайёҳ иккинчи марта шу

Йилиёқ Зараўтсойга тарихчи Г. В. Парфеновни олиб келади. Парфенов Зараўтсой камаридаги суратларни мукамал ўрганди. Унинг ҳисобича, бу ердаги суратлар палеолит давриники, кейинчалик бошқа тарихчи А. П. Формазов бу ерда 200 та суратларни санайди ва уларнинг бирмунча мураккаб ишланганини кўриб, улар инсониятнинг палеолитдан бирмунча ёшроқ даври — мезолитда солинган деб ҳисоблайди.

Зараўтсойга кирсангиз икки тарафда оҳактошлардан ташкил топган баланд қоялар қад кўтарган. Сўқмоқнинг ўнг тарафидаги сойдан 15 метрча баландликда, тик ёнбағирга жойлашган икки токчасимон ғорга кўзингиз тушади. Суратлари машҳур Зараўткамар ғори шу. Тик ёнбағирдан кўтарилсангиз ғорларга чиқасиз. Улардан каттасининг эни 4,8 м, баландлиги 3,5 м ва чуқурлиги 3,2 метрга тенг. Ғор ичкарисидаги тик тўғри девор ва шипда қандайдир қизғиш доғлар, тўғри чизиқлар кўзга ташланади, лекин уларнинг нималигини ажратиб олиш анча қийин. Агар уларга сув пуркасангиз, худди жодулангандек, моҳирона чизилган суратлар намоён бўла бошлайди. Чаққон чопиб бораётган ҳўкизлар сурати шунчалик усталик билан чизилганки, керилган бақувват кўкраклари олға ташланган, оёқлари бу чопишнинг қанчалик тезлигини кўз олдингизга келтиради. Овчиларнинг елкаларида ҳайвон терисидан ёпинғичлар. Қўлларида ёй ва яна қандайдир қуроллар бор. Улар калтак ҳам, австралия бумеренгига ҳам, шақилдоққа ҳам ўхшаб кетади. Итлар, ҳашаротлар кўринишига ўхшаб кетувчи суратлар ҳам бор. Эҳтимол, ов вақти сурати чизилгандир. Бундан ташқари қандайдир тушуниб бўлмас тўғри чизиқлар, геометрик шакл бор. Иккинчи ғорда ҳам шунга ўхшаш суратлар кўп.

Яна шу сўқмоқ билан пастга тушсангиз, бир оз юргандан кейин чап тарафдаги кичик ғорга кўзингиз тушади. Лекин бу ғор тўғрисида шу вақтгача адабиётларда эслатилмаган. Ғор ичида қизил охра билан солинган

шакллар ва кўпроқ ёзувлар мавжуд бўлиб, қуйироқда тўқ ранг билан араб алифбосида қатор жумлалар кетган. Юқоридаги оч қизил рангдаги ҳарфлар эса қадимий ҳинд ҳарфлари бўлиб, худди шундай ҳарфларни форшунос Л. Дядюченко Фарғона водийсидаги Чилустун ғорида топган, кейинчалик у ёзувлар СССР Фанлар Академиясининг Ленинграддаги Осиё халқлар институтида ўқиб чиқилиб, санскрит тили — девонагари шакли деб топилганди. Лекин у Фарғона водийси, бу ер эса Сурхон водийси — Зараўтсой. Бу ёзувларни ким ёзган. Ҳинд сайёҳими ёки фоний дунёдан воз кечиб, бу ерларга келиб қолган дарвешми? Дарвоқе Ҳиндистонда юзлаб ғорда жойлашган ибодатхоналар мавжуд бўлиб, у ерда минглаб дарвешлар ўз умрларини тоат-ибодат билан ўтказганлар. Эҳтимол, улардан бири ёки бир гуруҳи бир неча асрлар илгари тоғлар ошиб, бу ҳушман-зара жойларга етиб келишгану, ўз умрларини шу жойларда ўтказгандир. Ҳар ҳолда Зараўтсой асрлар давомида инсоният авлодлари яшаб, ўзидан сўнг ўчмас из қолдирган тарихнинг буюк қўриқхонасидир.

ИБТИДОИЙ ОДАМ МАКОНИДА

Катта Ўзбек тракти бўйлаб юриб борар экансиз Шўроб посёлкасига етишингизга бир неча километр қолганда чап томонингизда Мачай деб ёзиб қўйилган йўл кўрсаткич бор. Ҳа, бу йўл кўрсаткич номи оламга машҳур ибтидоий одам макони олдидаги қишлоққа йўл кўрсатиб туради. Мачай қишлоғига кираверишда ингичка тор сойга кўзингиз тушади. Бу бир вақтлар ибтидоий одам яшаб, ов қилган жой Заўталашсойдир. Ҳозир ҳам сой тагида тез-тез ёввойи чўчқа, тоғ какликлари, эчки изларини учратса бўлади. Заўталашсойда жуда кўплаб ғорлар бор бўлиб, энг машҳури Тешиктош ғоридир. Бу ғорда академик А. П. Окладников 1939 йилда турли хилдаги ибтидоий одам қурол-яроғлари ва 9 яшар бола

калла суяғини топган. Бу ғор кенг бўлиб, баландлиги 7 м, узунлиги 21 метргача етиб боради. Ғорда археологлар қазув ишлари олиб боришганда ибтидоий одам ишлов берган тош бўлаклари топилган ва бу тош қуроллар-нукелус деб номланган. Қуроллар билан бир қаторда йўлбарс, суғур суяклари, сибир эчкисининг шох-и топилган. Аллақачон Ўрта Осиё территориясидан йўқолиб кетган ёввойи от қолдиқлари эса бир вақтлардаги бу ер фаунасининг бирмунча бойлигидан далолат беради. Суяк қатламларининг қуйи қисмида калла суяги, айниқса, яхши сақланган одам скелети топилди ва унинг асосида 200 минг йиллар илгари тарихчилар тарафидан мустъер деб аталган даврдаги неандерталь одам ташқи қиёфаси қайта ишланди. Неандерталь одам типи кейинчалик ҳозирги замон одамига айланганди. Бу топилмани ер шарининг бошқа қисмларида топилган неандерталь одам қолдиқлари билан таққослаш шуни кўрсатадики, узоқ даврларда яшаган бу турдаги одамлар жуда кенг тарқалган ва бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

АВЛИЕ ҒОРИ

Дарбанддан кейинги узоқ давом этадиган кўтарилишдан сўнг йўл тепаликка чиқади. Чап тарафда чўзилиб кетган тик ёнбағирли Кетмончопти тизмаси, рўпарада эса Бойсун ҳавзасига тик тушувчи йўл бўлиб, ундан бутун ҳавза қафтдагидек аниқ кўриниб туради. Анча узоқроқда кўм-кўк орол шаклида Бойсун посёлкаси кўринади. Уни қизғиш рангли тепаликлар ҳалқадек ўраб олган бўлиб, уларнинг ёнбағирларини мевали боғлар, кенг пахтазорлар эгаллаган. Пастга қараб юрсангиз ўнг тарафда чуқур жар ва ўнг ёнбағирда нураш натижа-сида қумтошлардан ҳосил бўлган хилма-хил шаклдаги тепачалар учрайди. Уларнинг бири кичик қасрга, бири шоҳсупага, бири тик қояга ўхшаб кетади.

Бу жойлар тоғ олди тепаликлари бўлиб, йигирма километрлар юрганингиздан кейин бир баланд тепаликка чиқасиз. Олдингизда Шеробод-Сариққамиш тизмасига кирувчи баланд тепаликлардан бири учрайди. Унинг ўртасини номаълум сой суви кесиб ўтган ва натижада бу жой девордаги улкан кемтикдай очилиб қолган. Бу кемтиkning чап тарафида сой сувидан бир неча метр юқорида кичик бир уйча кўриниб, ундан юқорида олдида оқ латталардан олабайроқ тақилган ғор оғзи қорайиб кўринади. Уйчада сон-саноқсиз обдасталар, бир неча қозон, лаган ва қошиқлар тартиб билан териб қўйилган. Айтишларича, бу ерга келган зиёратчилар ўзлари билан олиб келишган молни Авлиё ота номи билан аталган Тангимуш отага сўйиб, назр қилишгач, уни шу ерда пиширишаркан.

Ғор оғзи сой юзидан 20 метрча баландликда жойлашган бўлиб, олдида тоғ осилиб туради. Кириш қисми учбурчак шаклида бўлиб, баландлиги ва кенглиги 1,4 метр. У шу ҳолда 2 метрча давом этиб, баландлиги 80 сантиметргача, эни 70 сантиметргача пасаяди. Шундан кейин ғор баландлиги 8 метргача етадиган улкан залга айланади ва 70 метргача давом этади. Ғорнинг поли қуруқ лой билан қопланган бўлиб, ҳар хил жойларда яхлит оҳактош қатламлари чиқиб туради. Шипдан ҳам оғир оҳактош бўлаклари осилиб туради. Залнинг охирида ғор торайиб, кичик бир туйнукка айланади ва ундан эмаклаб ўтишгина мумкин бўлади. Бу туйнукдан ўтсангиз ғор кенгайиб, доира шаклидаги икки залга чиқасиз. Бу залнинг диаметри 10 метрлар атрофидадир. Ундан кейин бир неча метрга чўзилувчи туйнук келади. Туйнукдан ўтилгач узунлиги 20 метр, эни 9 м ва баландлиги 2 м бўлган учинчи залга ўтилади ва шу ерда тамом бўлади. Бу зал деворларида ойнага ўхшаб ялтировчи гипс қатламлари мавжуддир. Ғорнинг умумий узунлиги эса 107 метр атрофида. Ғорда одам яшаганини билдирувчи изларни топишга бўлган барча

уринишлар беҳуда кетган. Тангимуш ота ғорининг ички қисмларида доимий ҳарорат, намлик, микроиқлимдаги айрим хусусиятлар баъзи касалликларга ижобий таъсир этиши оқибатида беморлар тузалади, шунинг учун ғор «Авлиё ғор» номини олган бўлиши мумкин. Ғордан келгусида больнеология санаторийси сифатида фойдаланиш мумкин.

ХУЖА ГУРГУР ОТА ҒОРИ

Дуғоба қишлоғидан ўтиб катта баландлик устига чиққанингизда узоқ Бойсунтоғи гуруҳига кирувчи Хўжа Гургур ота тизмасига кўзингиз тушади. Тик ёнбағри жануби-шарққа қараган бу тоғда афсонавий Хўжа Гургур ота ғори жойлашган. Ғор муқаддас ҳисобланиб, у ерга борган ҳар бир зиёратчи тошлардан қабрсимон тепачалар ясайди. Ғорга чиқиш анча машаққатли бўлиб, тоғ йўлларида 25 километргача юришга тўғри келади. Ғор оғзи 3325 м абсолют баландликда жойлашган бўлиб, учбурчак шаклга эга, баландлиги 1,5 м, кенлиги 4 м га етади. Ғор ичи кириш қисмидан кескин кенгайиб кетиб, баъзи жойларда баландлиги 8 метрдан ошиб кетади. Ғор шипида ва деворларида майда сталактитлар мавжуд бўлиб, уларнинг узунлиги 2—3 сантиметрдан ошмайди. 107 метр ичкари кирсангиз сувининг ҳарорати 1,5 даража пасайган кўл учрайди. Ғор ичидаги ҳаво ҳарорати эса 9 даражагача пасайган. Шуниси қизиқки, энг сўнгги маълумотлардан бири Ю. Холмўминовга тегишли бўлиб, кўл ўрнида булоқ қайнаб чиқиб, ғор ичкарисига йўл очиқ бўлган экан. Ғор яна 600 метрча давом этиб, бир неча тармоқларга бўлингач, тамом бўларкан. Хўжа Гургур ота ғорини комплекс ўрганиш ўз кузатувчиларини кутмоқда ва келгусида ғордан саёҳат объекти сифатида фойдаланиш мумкин.

БУРИ УЯСИДА

Сурхонтоғ шарқий ёнбағри билан келиб, Қозонгузар сойидан 40 метрларча баландликка кўтарилсангиз кенглиги 2,5 м, баландлиги 1 м келадиган ғор бор. Ғор йўлаги шимолдан жанубга чўзилиб кетган. Ичкарига кирилган сари у анча тиклашиб боради. Ерда ётган ҳайвоннинг сарғайиб кетган тиши, қўй қовурғаси, йирик қорамол тиши, от туёғи қолдиқлари эътиборингизни тортади. Йўлак 91 метрга етганда одам сиғиб бўлмайдиган тор тирқишга айланади. Ён тарафларда ҳам бир неча шундай тор тирқиш мавжуд.

У ердан озгина орқага қайтсангиз шарқ тарафга кетган 30 см кенгликдаги ёриқ бор. Ундан ўтилгандаги ғор шимолдан жанубга биринчи ғор йўлагига ёндош ҳолда чўзилиб ётади. Бу ғорнинг номи Дўлтабўрихона деб аталиб, унинг ичи бўрилар уяси деб таърифланади.

ШИФОБАХШ ҒОР

Кейинги вақтларда ғорларнинг янги бир хусусияти—шифобахшлиги ер юзидаги кўпгина мамлакат олимларининг диққатини жалб этмоқда. Ҳақиқатдан ҳам баъзи ғорлардаги бир хил мўътадил ҳарорат, намлик, фойдали моддаларнинг мавжудлиги касалларга ижобий таъсир кўрсатади. Ғорлардан шифобахш маскан сифатида одамлар азалдан фойдаланиб келади. Масалан, Сицилия оролидаги Кронио тоғининг этагида жойлашган ғорда С. Колоджаро буғли ҳаммоми жойлашган бўлиб, ғорнинг табиий мўътадил буғли атмосфераси 41 даража атрофидадир. Бу ғорда ревматизм, нафас олиш йўллари касалликлари даволанади. Аниқланишича, ғор деворларидан томаётган иссиқ сувдан бундан икки минг йиллар олдин ҳам фойдаланилган. Олмониядаги Клутерт ғорида кўксов муваффақиятли даволанмоқда. Венгриядаги

Товас ғори эътиборга молик. Унда сувнинг ҳарорати 28—30 даража иссиқ бўлган кўл бор. Кўл сувида темир, оғир металллар, олтингугурт ва ҳаво таркибида радиёт эманацияси бўлиб, у нафас олиш йўлларига ва юрак касалликларига ижобий таъсир кўрсатади. Болгариядаги Рябишко ғорида санатория қурилган. Болгар олимларининг фикрича, ғорнинг мўътадил иқлими нафас қисиш касаллигини даволайди.

Жануби-ғарбий Ҳисор территориясида ҳам шифобахш ғорлар бор. Улар ҳақида қадимдан сон-саноксиз афсоналар бўлиб, шундай шифобахш ғорлардан бири Хўжаипок ғоридир. У Сурхондарё вилояти, Шўрчи ноҳиясидаги Холханжар дарёси ўрта оқимида, денгиз сатҳидан 1110 метр баландликда жойлашган. Ғор жуда кўркем жойдан ўрин олиб, унинг атрофини Ҳисор тоғининг қорли чўққилари ва ям-яшил арчазор ўраб туради. Дарадан оқиб чиқаётган дарё кичик шаршаралар ҳосил қилиб, тошдан-тошга урилиб оқади.

Ғор бир томонга қия тушган қоядаги оҳак тошларининг узоқ даврлар мобайнида эришидан ҳосил бўлган. Кириш қисмининг баландлиги 3,5 м, кенглиги етти метр. Узунлиги 240 метр атрофидадир. Бу ер ости «қасри» 3 қисмдан иборат. Биринчиси 63 метр бўлиб, энг катта қисм ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи қисмларига ўтиш анча қийин, лекин тор йўлкалардан эмаклаб ўтиш мумкин. Ғорнинг манзараси жуда гўзал бўлиб, шипдан узунлиги бир метргача етадиган сталактитлар осилиб ётади. Улардан шўр сув томчилари чакиллаб томиб туради. Ғорнинг таги жуда нам ва лой, айрим ерларида кўлмаклар учрайди.

Ғорнинг кириш қисмидан 30 м ичкарида оҳактошли ер остидан ранги оппоқ, кучли олтингугурт ҳидига эга бўлган сув отилиб чиқади. Ғор оғзига яқинлашгач, булоқ оқими яна тошлар ичига кириб кетиб, 10—15 метрдан кейин ер юзига чиқади ва сой сувига қўшилади. Сув ва ғор ҳавосининг ҳарорати 14 даража атрофидадир.

Ана шу водород сульфидли сув ғорнинг шифобахш ва афсонавийлигига сабаб бўлган.

Водород сульфидли сув тери касалликлари ва бошқа бир қанча касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Чунончи, бундай сувлар бор жойларда санаторийлар мавжуд бўлиб, булар Мацести, Пятигорск, Ессентуки ва ҳоказолардир. Хўжаипок ғоридан чиқаётган сув ўз таркиби билан юқорида айтилган машҳур шифохоналар сувига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли ғордан чиқаётган сувнинг шифобахшлигини илгаридан билган ва даволаниш мақсадида узоқ вақтлардан буён фойдаланиб келган. Бироқ ҳозирга қадар табиатнинг қимматли инъоми бўлмиш Хўжаипок ғорининг бойликларидан етарлича фойдаланилмаётир. Ғор сувининг физикавий ва кимёвий хоссалари ҳар томонлама ўрганилган эмас. Унинг сув таркиби ҳақида маълумотлар кам. Ғорнинг иқлими, ҳаво ҳарорати, намлиги чуқур таҳлилга муҳтож. Хўжаипок ғорининг табиий-географик шароити комплекс таҳлил қилинса, унинг бойлигидан халқ хўжалигида ҳар томонлама фойдаланишнинг аниқ режаларини тузиш имконияти туғилади. Шунда табиат яратган ер ости оромгоҳини инсон учун хизмат қилдириш мумкин бўлади.

ҒОРЛАРДАГИ МУМИЁ

Мумиё! Сарғимтир, қўнғир тусли, ўзига хос ҳидли мўъжизали дори. У кўпинча чиқиш қийин бўлган баланд ғорларда учраб, ўзига хос сумалак ёки тош қаватлари орасида юпқа қатлам шаклида учрайди. Асрлар давомида инсонлар бу «дорилар дориси»нинг мўъжизакор кучига ишониб келишган ва ишонадилар. Асрлардан асрларга ўтиб келаётган овчилар афсоналарида унинг мўъжизакор кучи, яъни майиб ва ярадор бўлган ёввойи ҳайвонларнинг ғорларга кириб, бу дорини ялаб ётиши ва тезда тузалиб кетиши ҳикоя қилинади.

Шифокор А. Ш. Шокиров ва геолог Н. П. Петровнинг таъкидлашларича қадимий Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон тиббиётида ҳар хил касалликларни, айниқса, синган суякларни тузатишда мумиё кўп қўлланилган. Бу ҳақда мутафаккирлар Абу Али ибн Сино, Беруний ҳам ёзиб қолдиришган. Беруний X аср охири ва XI аср бошларидаёқ, халқ табиблари тажрибасига суянган ҳолда, мумиё ёввойи асал ва ўсимликлар ширасидан ташкил топганини ва улар кўпгина тоғлардаги ғорларда учрайди деб ёзганди. Берунийнинг кўрсатишича, Ҳиндистонда мумиёга ўхшаш шифобахшлик хусусиятига эга бўлган шаладжа деган модда мавжуд бўлган ва унинг номининг келиб чиқиши «шаладжа» деб аталувчи, Ҳинд океанида яшаган балиқ номидан чиққан. Бу балиқ ёғи қуёш нури таъсирида эриб, қип-қизил асал тусига кирган ва синган суякларни даволашда кўп қўлланилган. У яна ўз фикрини давом эттириб, ўша даврда «шаладжа» дейишганда фақатгина офтобда эриган балиқ ёғинигина эмас, балки органик келиб чиқишга эга бўлган ва кўп касалликларни даволашда қўлланилган моддани ҳам тушунишганини таърифлаб, қуйидагиларни ёзган: «Тоғ эчкилари тоққа чиқиб, бир-биридан кейин бир чуқурчага бўшанишган, бу жойдаги сийдик қуёшдан қораяди ва қуюқлаша бошлайди ва ёғлиқ елимга ўхшаб қолади. Мана шу нарса **шаладжадир**».

Кейинги йилларда халқ таърифидagi шифобахш мумиёга бўлган қизиқиш кучайди. Тоғларга мумиё топиб келиш учун махсус экспедициялар уюштирилди. Унинг шифобахшлик хусусияти клиникаларда, илмий текшириш институтларида ўрганилди. Лекин шунга қарамасдан унинг келиб чиқиши ҳақида бир фикрга келинган эмас. Баъзи бир мутахассислар у нефть сингари тош ёриқларидан чиқиб ётади деб ҳисоблашса, баъзи бировлар Беруний фикрини қувватлаб, мумиё органик келиб чиқишга эга ва у ҳайвон экскрементларидан ташкил топади деган ғояни илгари сурадилар.

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ тармоқларидан бири ҳисобланган Ғовурдоқ тоғида Н. П. Петров 1947—1948 йиллардаёқ мумиёсимон қора моддалар топган эди. Лекин ўша вақтларда мумиё масаласи ҳали муҳим бўлмагани учун унга эътибор берилмаган.

Кейинги йилларда бу территорияда ўтказилган ғоршунослик текширишлари натижасида иккита ғорда мумиё топилди.

Мумиёни биринчи марта Саримас тоғининг жанубий ёнбағрида — абсолют баландликда жойлашган Давкамар ғоридан топилди. 1315 м ғорга кираверишда шипдан қулаб тушган диаметри 1,5 м ва 5 м гача етадиган 2 та оҳактош бўлаклари бўлиб, мумиё харсангтошларнинг орасидан сизиб оқиб чиққан эди. Тошларнинг устки қисмида эса ҳайвон экскрементларидан ташкил топган қалин қатлам бўлган. Диққат билан текширилганда бу қатламнинг қаватлардан ташкил топганлиги аниқланди. Энг қуйи қатлам бевосита тош устки қисмига тегиб турган энг қадимий қават бўлиб, ҳайвон экскрементлари жуда қаттиқлашиб, жипслашиб кетган, қорамтир қўнғир тусга кирган ва ўзига хос специфик ҳидга эга. Юқори қаваглари эса бирмунча ғоваклашиб боради ва энг юқориси ҳайвонларнинг янги ахлатларидан ташкил топган.

Мумиё тошларнинг жанубий қуёшга қараган қисмидаги майда-майда ёриқлардан оқиб чиқади ва ёриқлар атрофидаги тош сатҳини бир неча миллиметрдан 0,5 см гача қалинликда бўлган қоплама шаклида ўраб ётади. Баъзи бир жойларда мумиё қоплами сумалаксимон шаклга кирган ва осилиб туради.

Бу барча далиллар Давкамар ғоридаги мумиёнинг органик келиб чиққанидан далолат беради. Ғорнинг салқин қисми қадимий даврлардан буён ҳайвонларнинг севиб дам оладиган жойи ҳисобланган. Эҳтимол, уй ҳайвонлари билан бир қаторда ҳозир ҳам учраб турадиган ёввойи тоғ эчкилари ҳам дам олишган. Уларнинг бу жойда кўп тўпланиш сабабларидан бири ғорнинг жазирама

иссиқ ёки қаҳратон совуқдан сақланишигина эмас, балки баланд тош устига ётиб дам олаётганда, пастдан тоққа чиқадиган йўллар кўриниб турганлиги ва овчи ёки йиртқич ҳайвонларни кузатиб туриш учун қулайлигидир. Вақтлар ўтиши билан бу ерда ҳайвон ахлатларидан қалин қатлам вужудга келиб ачийди, таркибидаги бактериялар уни қайта ишлайди ва натижада табиий биостимуляторларга бой экстракт пайдо бўлади. Ёмғир сувлари уларни ювиб, ҳарсанг ёриқлари ичига олиб кетади. Улар қуюқлашиб, ёзнинг иссиқ кунлари эрийди ва юмшоқлашиб тошнинг пастки қисмидаги ёриқлардан сизиб чиқади-да, майда сумалаклар шаклида қотиб қолади.

Агар Давкамар ғоридаги мумиёнинг органик келиб чиқиши тушунарли бўлса, 1620 м баландликда жойлашган Қўхитангтоғда Мумиё ғоридаги мумиёнинг келиб чиқиши мунозаралидир. Ғорнинг оғзи жануби-шарққа қараган. Мумиё ғорнинг шипида юпқа қатлам шаклида жойлашган. Баъзи бир чуқур жойларда эса, унинг қатлами бирмунча қалинлашади. Мумиёси сувда эрувчан ёпишқоқ. Ранги қорамтир-қўнғир. Ғор шипида ва полида ҳеч қанақа органик қолдиқлар изи топилмайди. Айни бир вақтда мумиё қатламининг ғор шипида мавжуд бўлган бир неча ёриқлар билан ҳам алоқаси йўқ.

ҒОРЛАРДАГИ ҲАҚИҚ

Қарст жараёнида ҳосил бўлган ғорлардаги қимматли ҳақиқ тошининг ҳосил бўлиши ҳам эътиборга молик. Ҳақиқ тоши айрим ғорларнинг деворларида сталактит, сталагмитлар шаклида ёки ғор полида яхлит ҳолатда учрайди.

Ҳақиқ тоши инсоният тарафидан биринчи маротаба бронза билан қўшиб, ҳар хил хўжалик ва саноат маҳсулотлари яратган қимматли минераллардан бири ҳисобланади. Ўзининг жилвадор ташқи кўриниши ва зийнат-

лаш хусусиятлари билан ҳозирги вақтда ҳам биноларнинг меъморлик безакларида ва хилма-хил ёдгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўп қўлланилади.

Инсоният маданияти пайдо бўлиш даврида эса ҳақиқ муқаддас тош сифатида муҳим роль ўйнаган. Тарихий ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда, қадимий Мисрда ҳақиқ тошидан кохинлар учун хилма-хил безангичлар ва муқаддас мойлар сақланадиган идишлар ясалган.

Жуда кўп давлатларда муҳим биноларнинг (мачит, черков, қаср ва мақбаралар) безатилишида ҳақиқ тоши кенг қўлланилган ва улардан бошқа қимматбаҳо тошлар билан бирга гўзал паннолар, девор қадама нақшлари яратилган. Қадимий Самарқанд шаҳридаги 15 асрда бунёд этилган Темурийлар даҳнаси ҳисобланган Гўр-Амир мақбарасидаги буюк астроном Улуғбек қабри устига ҳақиқ тошидан ёдгорлик қўйилган ва унинг ички қисми деворлари денгиз тўлқинлари рангидаги ҳақиқ тоши билан қопланган.

Джон Роскин Венециядаги муқаддас Мария черковидаги ҳақиқдан ишланган безакларни таърифлар экан «ҳақиқ тоши—дунёнинг мўъжизасидан бири»,—деганди.

Ҳақиқ тошидан ясалган хилма-хил ноёб буюмлар дунёнинг кўпчилик музейларида сақланмоқда. Қадимий маълумотларга қараганда ҳақиқ тошининг бой ғамламалари Миср, Мексика, Аргентина, Шимолий Америка (Калифорния), Италия, Жазоир ва СССР территориясида — Арманистонда маълум бўлган. Арманистон ҳақиқ тоши бошқа безаш тошлари билан Москва метрополитенининг Киев, Динамо станцияларини безашда қўлланилган.

Урта Осиёда ҳақиқ тоши илгаритдан кенг қўлланилган бўлса ҳам унинг ғамламалари топилмаганди. Фақатгина Гўр-Амир ва бошқа мақбаралардаги ҳақиқ безакларига қараб, бу территорияда бир вақтлар ҳақиқ қазиб олинган деб тахмин қилинади.

Асримизнинг олтмишинчи йилларида геологлар Ҳошимўйиқ ғорига тушиш йўлида ҳақиқ ғамламаси борлигини аниқлашган. Аммо у қазиб олингудек бўлса, табиатнинг бу нодир ёдгорлиги—Ҳошимўйиқ ғори ўзининг гўзал қиёфасини йўқотар эди. Кейинчалик Ҳошимўйиқ ғоридан юқоридаги Қопқўтон ғорида ва бошқа шу атрофдаги бир неча ғорларда ҳақиқ ғамламаси борлиги аниқланди. Бу эса Ҳошимўйиқ ғорини-сақлаб қолиш имконини берди.

Кейинги йилларда олиб борилган ғоршунослик изланишлари натижасида жануби-ғарбий Ҳисор тоғларидаги бирмунча ғорларда ҳам ҳақиқ ғамламаси мавжудлиги маълум бўлди. Булардан бири 1973 йил Кўхитангтоғда топилган ва 1251 абсолют баландликда жойлашган Ажинакмар ғоридаги ҳақиқ ғамламасидир. Ҳақиқ тоши бу жойда сариқ тусли бўлиб, ичида тўқ рангли йўллари бор. У енгил йўнилади, силлиқланади ва зийнатловчи безак сифатида ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари Тўполондарё ирмоқларидан бири бўлган Кундайжаус сойи ўнг қирғоғи билан Подаҳона қишлоғидан 25 км тоғ сўқмоқларидан юриб борганда учрайдиган 500 м узунликдаги Мозоринав ғорининг деворларида ҳам ҳақиқ ғамламалари мавжуд. Геологик изланишлар натижасида Амир Темур Кўрагоний ғори ичида ҳам ҳақиқ ғамламалари мавжудлиги аниқланди.

ҒОРЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ ҲАМДА ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ВА САЙЕҲЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ

Ғорларни ўрганишнинг илмий аҳамияти ғоят каттадир. Юқорида таърифлаганимиздек археологлар ғорларда тош асри ва ундан кейинги даврларда яшаган одамларнинг қурулларини топишади. Ботаниклар эса ғор тағидаги қатламларни ўрганиши натижасида ундаги қадимий гулханлардаги дарахт қолдиқлари, ўсимликлар уруғларини топиб, ғор атрофидаги ўсимликларнинг ўз-

гариш тарихини ўрганишади. Зоологлар ҳайвонлар суягига қараб, қадимий одамлар қандай ҳайвонларни сақлаганини билишади. Ғор атрофида яшаб, йўқ бўлиб кетган ҳайвонлар тўғрисида фақат улардан қолган қолдиқларгина эмас, балки ғор деворидаги қадимий одамлар чизган расмлар ҳам маълумот беради. Табиатшунос биологлар ғорнинг ичига кириб борар экан, унинг кириш қисмида кўзлари тўлиқ ривожланган, бирмунча ичкарида ярим кўр ва яна ҳам ичкарида қоронғулик қўйнида кўр бўлиб қолган мавжудотларни ўрганишади. Ғорлар унчалик узоқ бўлмаган масофада биологларга организмларни қоронғуликка мослаша билишини кўрсатувчи табиий лаборатория бўлиб хизмат қилади. Ҳолбуки, бунинг экспериментал ҳолатда сунъий ташкил қилиниши учун анча вақт талаб қилинади. Шунинг асосида биологиянинг янги тармоғи ғор биологияси ажралиб туради ва у биоспелеология деб аталади.

Ғор ичида топилган инсон суяклари ва скелети қолдиқлари антропологларга бу ерда яшаб ўтган қадимий одамларнинг ташқи қиёфасини қайта тиклашга имкон беради. Академик Герасимов мана шу тарзда Тешиктош ғорида топилган калла суягига қараб, ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаган 9 яшар неандерталь бола ташқи қиёфасини қайта тиклади.

Санъат тарихи ҳам ғорлардан бошланган. Биз юқорида таърифланган Зараўткамар деворидаги расмлар галереясига қарар эканмиз, узоқ авлод-аждодларимиз қандай яшаганини, ҳаёт тарзларини тўлиқроқ тушунамиз ва улар санъатига таҳсинлар ўқиймиз.

Карст ҳодисаси кенг ривожланган районларда кимбвий элементлар ер ости миграциясини ўрганишда геохимикларга бой материаллар беради. Гидрогеологлар эса бевосита ер ости сувлари ҳаракатини ғорлардан туриб кузатиши мумкин. Геологлар эса ғор деворларида, у пайдо бўлгандан кейин ҳосил бўлган ёриқларни ўрганиши натижасида шу жой неотектоникасини ўрганиш-

ди. Ғор ичидаги қаватлар ўша жойнинг кўтарилиши ёки чўкаётганлиги ҳақида далолат беради. Карст шахталарига тушиб бориш жараёнида махсус қудуқларсиз ҳам шу жойнинг геологик кесимини, ундаги қаватларнинг қандай ўзгараётганини кузатиш мумкин. Ғорларнинг режаси муҳандислик геологияси бўйича мутахассисларга ҳам қизиқ маълумотлар беради. Минералогияда янги бўлим — ғор минералогияси бўлими пайдо бўлган. Бундан ташқари фақат ғорларга хос бўлган эндемик минераллар ҳам мавжуд.

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғларидаги ғорлар ҳозирги вақтда маҳаллий аҳоли томонидан халқ хўжалигида муваффақиятли фойдаланилмоқда. Саримас тоғи этагида жойлашган Чоҳак ғори қиш кунлари ёзлик ўтовларни сақлаб қўювчи омбор вазифасини ўтамоқда. Бундан ташқари унинг бир қисми ўраб олиниб, қўйхонага айлантирилган. Тешиккамар, Тангиғор, Арк ғорлари чорва молларининг ёз саратонида ва қиш чилласида дам оладиган жойи бўлиб ҳисобланади. Хўжа Қадаҳ ғори ёғоч материаллари сақланадиган омборга айлантирилган. Лекин афсуски, баъзи ғорлар ва карст шакллари нотўғри фойдаланилмоқда. Чоҳак ғори ёнидаги улкан карст воронкасига бир неча йиллардан буён ҳар хил касалликлар натижасида нобуд бўлган чорва моллари ташланмоқда. У воронкадан бир неча юз метр пастроқда Шерободдарё тармоқларидан бири бўлган Шўроб дарёси оқиб ўтади. Натижада ер ости сувларига воронка орқали тушган ҳайвон қолдиқлари сизиб ўтиб, Шўроб дарёсига ўтиши ва анча узоқ масофаларга касаллик тарқатиши мумкин.

Ўзбекистон тоғларидаги ғорлар ва улардаги хом ашёлардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида, айниқса, саёҳат объекти ва ғоршунослик мақсадида фойдаланиш мумкин.

Жанубий Ўзбекистон майдонидаги ғорлар ўзининг хилма-хиллиги туфайли беш даражали мураккабликка

эга. Бу ердаги узунлиги 980 метрга етувчи Каптархона
ғори ва унинг ер ости дарёсидан келажакда саёҳат обь-
екти сифатида фойдаланиш керак. Бойқобил ғоридан
ҳам унинг тор лабиринтлари ва ер ости дарёси мурак-
каблигига кўра келажакда разрядли ғоршунослар тай-
ёрлаш учун ўқув базаси сифатида фойдаланиш мумкин.
Бошқа ғорларнинг деярли ҳаммаси сайёҳлар ва ғоршу-
носларга ер ости қасрлари сирлари ҳақида сўзлаб бе-
рувчи саёҳат объектлари бўлиб хизмат қила олади.

МУНДАРИЖА

Кириш	
1. Олтин водий сайргоҳлари	
Етти тепалик устида	
Оҳалик	
Омонқўтон	
Ургут	
Ер ости сув омбори	
Тоғлар қабристонида	
Афсоналар изидан	
Фан тоғларида	
Тоғ кўллари	
Искандаркўл	
Ойқор	
Бахмал	
Қуруқликдаги орол	
Кўксарой	
Сахро медальони	
Тим	
II. Жанубий Ўзбекистон ер ости қасрлари	
Ғорлар қандай пайдо бўлади?	
Бир томчи сув изидан	
Искандар Зулқарнайн зиёрат қилган ғор	
Гипсли ғорда	
Дарёли ғор	
Амир Темур ғори	
Ажинакамар ғори	
Бойқобил ғори	
Суратли ғор	
Ибтидий одам маконида	
Авлиё ғори	

Хўжа Гургур ота ғори	98
Бўри уясида	99
Шифобахш ғор	99
Ғорлардаги ҳақиқ	101
Ғорлардаги мумиё	104
Ғорларни ўрганишнинг илмий ҳамда халқ хўжалиги ва сай- ёҳликдаги аҳамияти	106

1с.50т.

